

Масуда АБДУЛЛАЕВА, Асқарали СУЛАЙМОНОВ

# ОИЛАДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ЭСТЕТИК ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

---

МАСУДА АБДУЛЛАЕВА  
АСҚАРАЛИ СУЛАЙМОНОВ

**ОИЛАДА  
МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ  
БОЛАЛАРДА ЭСТЕТИК  
ТАСАВВУРЛАРНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ**

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

Давлат илмий нашриёти

Тошкент–2017

УЎТ: 18:37.018-053.4

КБТ 74.90

A 15

Тақризчилар:

- Роҳатой Сафарова – Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти лаборатория мудири, педагогика фанлари доктори, профессор;  
Фотима Қодирова – Низомий номидаги ТДПУ «Мактабгача таълим педагогикаси» кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори;  
Рисолат Рустамова – Республика «Оила» илмий-амалий маркази катта илмий ходими.

Абдуллаева, Масуда

T 15

Оилада мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш: монография / Муалл. М. Абдуллаева, А. Сулаймонов. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017. – 120 б.

ISBN 978-9943-07-551-1

Монографияда оила шароитида мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг назарий асослари, амалий йўналишлари очиб берилган бўлиб, унда мазкур масала ижтимоий-педагогик муаммо сифатида атрофлича таҳлил этилган. Монографияда келтирилган илмий хулосаларни болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш жараёнида мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари, ота-оналарнинг педагогик билимларини ўстиришда самарали қўллаш мумкин.

Монографиянинг 1.2-, 2.1-, 2.3-, 3.1-, 3.4-қисмлари М. Абдуллаева, кириш қисми, 1.1-, 2. 2- ва хулоса қисмлари А. Сулаймонов, 1.3-, 2.4-қисмлари А. Сулаймонов ва М. Абдуллаевалар томонидан ёзилган.

Монография педагогика йўналишидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабалари, ота-оналар ҳамда мазкур муаммо бўйича илмий тадқиқот олиб боровчи мутахассисларга мўлжалланган.

*Монография Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий кенгаши қарори билан нашрга тавсия этилган.*

УЎТ: 18:37.018-053.4

КБТ 74.90

ISBN 978-9943-07-551-1

- © Масуда Абдуллаева, Асқаралы Сулаймонов  
© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти, 2017.

28452/1

## КИРИШ

Мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотлар натижасида таълим тизимининг барча жабҳалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим муассасаларини замонавий жиҳозлар ҳамда ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлоди билан таъминлаш, малакали педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу каби ишларнинг нечоғлиқ самарали кечиши, биринчи навбатда, болаларни мактабга тайёргарлиги билан боғлиқ. Агар республикамиз бўйича болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этиш даражаси пастлигини назарда тутсак, болаларни мактаб таълимига тайёрлашдек муҳим ижтимоий аҳамиятга молик масалада оила институтининг ўрни бениҳоя юқори эканлигини англаш мумкин. Шу боис болаларнинг атроф-муҳитдаги воқеа-ходислар тўғрисидаги тасавурларини шакллантириш долзарб педагогик аҳамиятга эга. Бу борада мактабгача ёшдаги болаларнинг дунёқарашига эстетик тасавурлар оркали таъсир этиш имконияти кенглиги билан ажралиб туради. Ана шу долзарбликларни эътиборга олган ҳолда мактабгача таълим масалалари ҳукумат миқёсида кўриб чиқилмоқда. Хусусан, мактабгача таълим тизимини янада ривожлантиришнинг 2015–2020 йилларга мўлжалланган давлат дастурини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда. Бу масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида турли партиялар ташаббуси билан кўриб чиқилиб, истиқболли режалар тузилмоқда. 2014 йил 11 июлда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси ташаббуси билан бу борада Халқ таълими вазирлиги тизимида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилиниб, мактабгача таълим ёшидаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этиш, бунда маҳаллий шароитларни ҳисобга олиш масалалари муҳокама қилинди. Қабул қилиниши назарда тутилаётган Давлат дастурида мактабгача таълимнинг мазмунини модернизация қилиш масалалари ҳам, шубҳасиз, диққат марказида бўлади.

Ҳар қандай шароитда ҳам оила институти мактабгача таълим ёшидаги болаларни таълим ва тарбиясида асосий ўринни эгаллайди. Зеро, дунё тараққиёти инсонлар томонидан кашф этилган янгиликлар билан таъминланади. Шу кашфиётларнинг энг буюғи – бу, шубҳасиз, оиладир. Чунки оила, у қайси миллат, қайси давлатга оид бўлишидан қатъи назар, миллатнинг, давлатнинг хусусиятини ўзида мужассам этади. Шу маънода Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг «... бу дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳаммиша эзгу орзу ва интилишлар билан япайди»<sup>1</sup>, деган фикри айни ҳақиқатдир. Шунинг учун оила инсониятнинг илоҳий ва мўъжизавий кашфиётидир.

Оиланинг бола тарбиясидаги ижтимоий-педагогик аҳамияти яна шу омил билан белгиланадики, айнан оилада миллатнинг миллий руҳи шакллантирилади. Зеро, оиланинг миллий руҳи – халқнинг миллий руҳиятини белгилайди, яъни оила маънавияти қанчалик бой, теран ва чуқур бўлса – жамият ҳам шу қадар бой бўлади, оила маънавиятида жамият маънавий олами тажаллий этади. Маънавиятнинг таркибий қисмларидан бири эстетик тасаввурлар замирида таркиб топтирилади.

Инсоният тараққиёти, жамият ривожини тарихий контекстда таҳлил қилар эканмиз, унинг турли босқичларида шу даврни тавсифловчи терминлар қўлланилганлигининг гувоҳи бўламиз: «Илк уйғониш даври», «Уйғониш даври», хусусан, «Шарқ ренессанси», XX асрга келиб эса «Коллективлаштириш», «Электрлаштириш», «Политехнизация», «Индустриялаштириш» ва «Космос асри», «Ахборотлар асри», «Автоматлаштириш» каби йўналишлар жамият тараққиётида амал қилинаётган концепциялар, тенденцияларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берди. Бироқ инсоният тарихидаги тараққиёт босқичларининг мазмуни, моҳияти, номланиши қандай бўлишидан қатъи назар, инсон омили, унга таълим бериш, уни тарбиялаш жамиятнинг ҳар қандай шароитдаги ижтимоий буюртмаси бўлиб қолаверган. Чунки «Баркамол шахс – жамият тараққиётининг асоси»дир. Бу асосни яратишнинг дастлабки босқичи оиладир. Президентимизнинг «Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шакл-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – снгиламас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

ланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчалар пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир»<sup>1</sup> деган фикрлари бу тизимда эстетик дунёқарашнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этишини англатади. Педагогик, психологик, физиологик тадқиқотлардан маълумки, болаларнинг дунёқарашини, асосан, мактабгача бўлган ёшларида шаклланади. Шу боис боланинг мактаб таълимига тайёргарлик даражаси маълум маънода пировард натижада баркамол шахсини тарбиялаш кафолатидир. Зеро, боланинг ўз «Мен»ини танлаш жараёни айнан оилада содир бўлади. Бола дунёқарашини маънавий сифатларининг мазмунида эстетик тасаввурлар муҳим ўрин тутаяди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий ислохотлар, амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилиниб, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида таълим устувор соҳа сифатида эътироф этилди. Шунга монанд тарзда узлуксиз таълим тизимида, жумладан, унинг мактабгача таълим бўғинида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Айни пайтда, республикада янгича иқтисодий тамойил, қонунларни амал қила бошлаши натижасида айрим қийинчиликлар ҳам юзага келди. Хусусан, узлуксиз таълим тизимининг мактабгача таълим бўғинида мактабгача таълим муассасаларига жалб этилган болаларнинг салмоғи йилдан-йилга камайиб борди. Шу муносабат билан оила тарбиясининг аҳамияти жамиятнинг долзарб ижтимоий-педагогик муаммосига айланиб бормоқда. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида оила масаласи алоҳида боб (XIV) сифатида берилиб, унда оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, у жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги (63-модда) шунингдек, ота-оналар ўз фарзандларини тарбиялашлари мажбурлиги (64-модда) белгилаб қўйилган<sup>2</sup>.

Оиладан мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни, умуман дунёқарашини шакллантириш масаласининг долзарблиги яна шунда намоён бўладики, «Баркамол авлод орзуси»да «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилингунига қадар

<sup>1</sup> Қаримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 52-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 12-б.

хам биз мактабгача таълим тўғрисида фикр юритиб келганмиз. Бугун эса бу масалага чуқурроқ, янгича ёндашилмоқда ва болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш масаласига янгича назар билан қаралмоқда.

Кейинги йилларда мактабгача таълим муассасаларининг «Хонадон боғчаси», «Фермер хўжалиги боғчаси», «Бошлангич мактаб мажмуалари» каби янги тармоқлари шаклланиб бормоқда. Уларда болаларга хореография, тасвирий санъат ва мусиқа санъати, компьютер саводхонлигини ўргатувчи, айниқса, хорижий тилларни ўргатувчи гуруҳлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси мактабгача ёшдаги фарзандларимизни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида маънавий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратмоқда»<sup>1</sup>.

Келтирилган парчадан англаш мумкинки, мактабгача таълим ёшидаги болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ҳақли равишда эстетик мазмундаги машғулотларга катта эътибор билан қаралади. Жамиятимизда «Фарзандларимиз оилада таълим-тарбия кўрадиларми, боғчаларга борадиларми, охир-оқибат мактабга тайёр бўлиб келишлари... асосий вазифаларидан биридир»<sup>2</sup>.

Юқорида айтилганларга қўшимча тарзда болаларни мактаб таълимига тайёрловчи хусусий ўқув марказлари фаолияти тобора кенг кўламли бўлиб бораётганлигини эътиборга оладиган бўлсак, ота-оналарнинг бу жараёндаги иштирокининг ижтимоий аҳамияти янада ортиб бораётганлигини англатади. Бу ижтимоий-педагогик масаланинг ижобий ечимида оила институтининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Демак, оила шаронтида болаларнинг эстетик тасаввурларини шакллантириш нафақат уларга санъат ҳақида дастлабки тушунчаларни бериш, балки кенгроқ микёсдаги ижтимоий муаммо – болаларда дунёқарашни шакллантириш, уларни мақсадли тарзда мактаб таълимига тайёрлаш орқали мамлакатимизда амал қилаётган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг босқичма-босқич амалиётга жорий этишнинг муҳим омилларидан бири сифатида қараш жоиз.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. / Баркамол авлод – Ўзбекистон тарққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 177–178-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. / Баркамол авлод – Ўзбекистон тарққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 178-б.

*Биринчи боб*  
**ОИЛАДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ  
БОЛАЛАРДА ЭСТЕТИК ТАСАВВУРЛАРНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-  
ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

**1.1. Оилада мактабгача ёшдаги болаларда  
эстетик тасаввурларни шакллантириш  
масаласининг генезиси ва  
замонавий тенденциялари**

Кириш қисмида таъкидланганидек, мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этиш салмоғи камлиги боис уларни оилада мактабга тайёрлашда уларда олам ҳақидаги яхлит тасаввурларни таркиб топтириш, хусусан, эстетик тасаввурларни шакллантириш ўз ечимини кутаётган долзарб ижтимоий-педагогик муаммолардан биридир.

Эстетик тарбия – инсон онгли фаолиятидаги энг қадимий машғулотлардан бири. Зеро, инсонлар ҳамиша ўз кўриниши, иш қуроллари, турмуш тарзининг гўзал бўлишига эътибор қаратиб келган. Қадимги юнон файласуфларининг асарлари, Ўзбекистон ҳудудидан археологик қазилмалар чоғида топилган тарихий манбалар бунга мисол бўла олади. Шунинг учун эстетик тарбия ҳар доим тарбиявий тадбирларнинг энг асосийлари бўлганлигини эътироф этиш мумкин. Зеро, эстетик тарбия илмий дунёқарашнинг шаклланишида алоҳида эътиборга моликлиги билан ажралиб туради.

Болаларда илмий дунёқарашни шакллантиришда турли омиллар турлича таъсир этади. Бу омиллар ичида оила энг асосийси ҳисобланади. Зеро, болада тасаввур, тушунчаларнинг шаклланиш жараёни айнан оилада бошланади ва бу давр дунёқараш шаклланишининг ҳажм жиҳатидан энг салмоқли босқичидир. Шунинг учун тушунча ва тасаввурларни шакллантиришда боланинг мактабгача ёшидаги



бу тушунча ва тасаввурлар тизимида  
муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда ҳақ-  
қиқатни аниқлаш мумкин: Эстетик тасаввур нима? Унинг мазмуни,  
шакли, шакллантириш жараёни, босқичлари ва мазмуни, методикаси  
қандай тарзда шаклланиши мумкин? Баркамол шахс тарбиясида эстетик тасаввур  
ни шакллантиришнинг ўрни қандай белгиланади? Умуман, маданият,  
маърифат ва ҳодисаларни эстетик идрок эта олиш ва баҳо  
қилишнинг ҳисси баркамол шахсни шакллантиришда қандай ўрин  
олинади? Бу саволларга биргина мисол билан жавоб бериш мумкин.  
Дарҳақиқат мисол қилишлар (Форобий, ибн Сино, Амир Темур,  
Абдураҳмон Қомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур)  
вақтнинг эстетик санъат соҳасида ҳам ўзига хос салоҳиятга эга бўл-  
ганлар. Уларнинг тарихий ўтмишимизда бунга ибратли мисоллар кўп.  
Шу боис болаларда оиладан бошлаб эстетик тасаввур ва тушунчалар-  
ни шакллантириш, бунда ибратли намуналардан ҳам оқилона фой-  
даланиш маънавийлиги, маданиятлиги, интеллектуал салоҳияти юқори  
маънавий тарбияланганнинг дастлабки, айтиш пайтда, муҳим босқичидир.

Болани болаларнинг эстетик тасаввурларини шакллантириш-  
нинг негизини шакли санъат турлари ҳақидаги маълумотлар, ба-  
лиқ эстетик қонуниятлар ҳақидаги билимлар воситасида элементар  
тасаввурларнинг таркиб топтиришидир. Бу борада мусиқа, рақс, театр,  
ушбу тасаввур ва амалий санъат, миллий ҳунармандчиликнинг тар-  
биявий маънавийлиги бекиёс. Улардан оила шароитида самарали  
фойдаланиш учун эса илмий асосланган, тажрибада синаб кўрилган  
педагогик тарбиявий таъбирларнинг мазмуни, методикаси, педагогик  
маънавийлигини янгилаб чиқиш талаб этилади. Шунинг учун бу  
маънавий бундан кўра педагогика фани учун долзарб мавзу сифатида  
қўйилган. Зеро, оилада болаларда эстетик тасаввурларни  
шакллантириш нафақат мактабгача таълим ёшидаги болалар, балки  
уларнинг ота-оналари, ака-опалари, жамоатчилик учун илмий асос-  
ланган тасаввур янгилаб чиқишни тақозо этиши муаммонинг долзарб  
лигини яна бир бора эътироф этиш имконини беради.

Маънавийнинг таълимида аён бўладики, оила ва унинг келиб  
чиққанлигида кўлаб таълимотлар ўтказилган бўлса-да, унинг даст-  
лабки натижаларига тарихий ҳаққонийлик нуқтаи назаридан узил-ке-  
сми йўлдан кетирилган эмас. Бироқ оила жамият тарихида азалдан  
муҳим бўлмаса-да, шаклланиш жараёнида жуда кўп «эксперимент-

лар»ни ҳаётда синаб кўриш натижасида «... ҳалқнинг, жамиятнинг ҳаёти, турмушига оид урф-одатларни ўзида синовдан ўтказади. Яхшиларини ўз бағрида асраб-авайлаб келажак авлодларга етказади. Оила ўз фарзандларини тарбиялаб, уларга умуминсоний қадриятларни сингдириши билан уларга бошланғич ижтимоий йўналишларни беради»<sup>1</sup>.

Оила ва оилавий муносабатлар, уларнинг жамият, оила тамаддуни (цивилизацияси)даги ўрни ҳақида тарихий манбалар мавжуд. Қуръони карим, Ҳадиси шариф, шунингдек, «Авесто» каби муқаддас манбаларда бу ҳақда ибратли ҳикматлар битилган. Айниқса, Шарқ мутафаккирлари бу масалаларга алоҳида эътибор билан қараганлар. Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Абу Райҳон Берунийнинг «Минералогия», «Геодезия», «Ҳиндистон», «Ўтмишдан қолган ёдгорликлар», Абу Али ибн Синонинг «Ахлоқ», «Ахлоқ фани», «Оила хўжалиги», Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя», Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр», «Маҳбуб ул-қулуб», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Кайковуснинг «Қобуснома», Абдурауф Фитратнинг «Оила», Ризоуддин ибн Фаҳруддиннинг «Оила» асарларини бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар натижаси сифатида қараш мумкин.

«Оиладаги ўзаро муносабатлар маданият малакаси тасаввуф фалсафасида ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу фалсафанинг йирик вакиллари бўлган Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро тариқатларида ота ва оналар ўзаро муносабатларининг фарзандлар камолотидаги роли... алоҳида таъкидлаб ўтилганлигини кўрамыз»<sup>2</sup>. Шунингдек, оила тарбиясига оид қимматли фикрлар улуг мутафаккирлар Имом Бухорий, Термизийнинг асарларида ҳам зикр этилган.

Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, педагогика ва психология фанларида оила ва болаларни оилада тарбиялаш масалалари ҳам мамлакатимиз олимларининг доимий диққат марказида бўлган. Хусусан, оиланинг демографик муаммоларини ҳал этиш масалалари (Р. Убайдуллаева, О. Отамирзаев, М. Бўриева, О. Сафаров), оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси (О. Мусурмонова, М. Холматова), оилавий тарбиянинг психологик (Ғ. Шоумаров, Э. Ғози-

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 6-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. – 470-б

<sup>2</sup> Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом турмуш тарбияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 9-б.

ев, В. Каримова, Н. Соғинов) ва педагогик масалалари (А. Мунавваров, М. Иномова, Д. Холиқов) олимларимиз томонидан кенг қамровли тадқиқ этилган. Шунингдек, ўзбек адаблари ва педагоглари (Ш. Зуннунов, М. Исмоилий, Тохир Малик)нинг оила ахлоқи ҳақидаги қарашлари, хулосалари, махсус тадқиқотлар натижалари бўлмаса-да, муҳим ижтимоий-тарбиявий аҳамиятга молик манба сифатида оилавий тарбия масалалари билан шуғулланувчилар учун муайян қизиқиш уйғотади.

Комил инсон тарбиясининг таркибий қисми – ёш авлодни эстетик тарбиялаш масаласининг фалсафий-методологик муаммолари республикамиз философ олимлари (Т. Маҳмудов, Э. Умаров, С. Шермуҳаммедов, А. Цой), шунингдек, хориж тадқиқотчилари (Б. Т. Лихачев, Л. В. Квятковский, В. А. Разумний ва б.) томонидан ҳам ўрганилган.

Ўзбекистонда мактабгача ёшдаги болаларни эстетик тарбиялашнинг у ёки бу муаммолари Ф. Б. Валихўжаева, З. Раҳимова, Н. Эгамбердиеваларнинг тадқиқотларида, умуман, эстетик тарбия масалалари С. К. Аннамуратова, С. Булатов, Ш. Мунавваров, Ҳ. Нурматов, А. Сулаймонов, С. Файзулина, Р. Ҳасановнинг ишларида ўз аксини топган. Мактабгача ёшдаги болаларни бадий-эстетик тарбиялаш муаммоларининг тадқиқи нуқтаи назаридан Д. Х. Алимова, Л. В. Ветлугина, Е. Н. Димитрева, В. А. Езикеева, Т. Г. Казакова, Т. С. Камарова, Н. П. Сакулина, В. Д. Сич, Г. Т. Уранова, Н. Б. Халезова, Е. А. Флерина, С. А. Ғозибаев, Х. Н. Қосимованинг тадқиқотлари шу йўналишдаги тадқиқотлар учун илмий манба вазифасини ўташи мумкин.

Манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, оила шароитида мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш масаласи республикамизнинг демографик, миллий-тарихий ва эстетик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда махсус тадқиқ этилмаган. Мазкур монография муаллифлари томонидан узоқ йиллар давомида олиб борилган мақсадли тадқиқотлар материалларидан ҳосил бўлган хулосалар замирида шакллантирилди, яъни муаллифлар мақсадли тарзда ўзбек оилаларида мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг педагогик назария ва амалиётдаги аҳволини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш; оилада мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик асосларини тадқиқ этиш; болаларда эстетик тасаввурларни шаклланти-

тиришда оилавий муҳитнинг таъсирини ўрганиш ҳамда илмий таҳлил этиш; оила шароитида болаларда эстетик тасаввурларнинг шаклланишида бадиий ижодиёт соҳаларининг турлари ва уларнинг мазмунини аниқлаш; болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг мазмуни, методикаси ва педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг самарадорлик даражасини тажриба-синовдан ўтказиш асосида олинган таҳлилий натижалари бўйича болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш шахсни маънавий-интеллектуал ҳамда бадиий-эстетик жиҳатдан ривожлантиришнинг ўзига хос захираси сифатида тадқиқ этилган.

Мазкур тадқиқот натижалари ўлароқ республикамызда мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш шахсни маънавий, интеллектуал ривожлантириш омили, шунингдек, болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш масаласи психологик ва педагогик муаммо сифатида тадқиқ этилиб, болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг назарий асослари, дидактик тамойиллари ҳамда педагогик шарт-шароитлари тадқиқ этилган ҳамда илмий асосланган методик тавсиялар, аниқланган мазмун, дидактик тамойил, методика ва педагогик шарт-шароитлар мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришни муайян амалий асосда самарали кечишини таъминлайди.

Юқорида келтирилган манбаларнинг таҳлилидан хулоса қилиш мумкинки, мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбияси Шарқ педагогикаси ва фалсафасида устувор тарзда кўрилган. Мухими, бола тарбиясининг муҳим жиҳатларидан бири сифатида боланинг дунёни англаши орқали уни баркамол шахс сифатида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, хорижий манбаларнинг таҳлили мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш уларни баркамол шахс сифатида вояга етказишда муҳим омил эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. Бу тадқиқотларда муаллифлар, айниқса, мактабгача ёшдаги болаларни санъат воситасида тарбиялаш, уларда атроф-олам ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришда қулай педагогик шарт-шароит яратишини экспериментал тадқиқотлар натижалари асосида тавсифлаб берганлар.

Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимининг мактабгача таълим турида мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш, умуман, уларни мактаб таълимига тайёрлашда уч йўналишдаги тенденцияларни кузатиш мумкин:

Биринчи йўналишда амал қилаётган тенденциялар маълум ижтимоий-иқтисодий шароитлар сабабли мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиш кўлами кескин камайиб кетди. Демак, бу шароитда оила институтининг педагогик функциясига бўлган ижтимоий-таълимий ва тарбиявий эҳтиёж ортиб бормокда.

Иккинчи йўналишда мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлашнинг нодавлат тизими юзага келаётганлиги нафақат бу турдаги муассасаларнинг педагогик жамоаси, балки улар билан алоқадорликда фаолият кўрсатиши лозим бўлган ота-оналарнинг ҳам функцияси ўзгариб боради. Бу ўзгариш тизимида ота-оналарнинг бола тарбиясига масъулияти ортиб бориш тенденцияси болаларда илмий дунёқарашнинг шаклланишида муҳим омил ҳисобланади.

Учинчи йўналишда кузатилаётган тенденциялар тизимида бевоқиф ота-оналарнинг бола тарбиясидаги иштироки ортиб бораётганлигида кузатилмокда. Эндиликда ота-оналар болаларини шунчаки ёши етганда мактабга олиб бориш эмас, балки уларни мактаб таълимига махсус тайёрлаш лозимлигини англаб етганлар, яъни улар болаларини мактабга тайёрлов курсларига олиб борадилар, мураббий ёллаб мактабга тайёрлайдилар, айримлари эса ўзлари махсус дастур асосида фарзандлари таълим ва тарбияси билан шуғулланадилар. Бу жараёнда уларни санъат воситасида тарбиялаш, уларда дастлабки эстетик тасаввурларни шакллантириш тенденциялари болаларни мактаб таълимига тайёрлаш дастурининг муҳим компоненти сифатида эътироф этилади.

## **1.2. Мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик моҳияти**

Жамиятнинг ривожланиши, унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви натижасида содир бўлаётган глобаллашув тараққиётни таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир. Бу шароитда оила институтининг функцияларига ташқи омиллар таъсирида янги анъаналар кириб келади. Айрим ҳолларда бу анъаналар миллий менталитетимизга, ўзбек халқининг оила ҳақидаги тасаввурларига таъ-

сир этиши табиий ҳол. Бироқ асрлар давомида шаклланган ва айнан миллатимизга хос тарбия мазмуни, шакли ва усуллари шахс тарбиясининг асосий замини бўлиб қолиши лозим. Инсон ва таълим-тарбия – ажралмас ҳодиса. Зеро, биологик одамнинг инсон мақомини олишида айнан таълим-тарбия асосий ўринни эгаллайди. Тарбия ҳам, таълим ҳам муайян педагогик шарт-шароит, мазмун ва услублар асосида амалга оширилади. Унинг натижаси ҳам моддий, ҳам маънавий бойлик яратишнинг асосидир, яъни бу, аввало, ижтимоий ҳодиса. Демак, эстетик тарбия ўзига хос таълим жараёни, шу жумладан, мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш ҳам ижтимоий ҳодиса сарасига киради. Бу жараённинг самарали кечиши ва унинг натижаси кафолатини эса педагогика фани таъминлайди. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш жараёни ижтимоий-педагогик муаммодир.

Умуман, оила, оила аъзоларининг муносабатлари узоқ эволюцион тарихга эга. Бу тарих ҳар бир тарихий давр ва жараёнлар учун ўзига хос мазмун ва хусусият касб этган. Муҳими, эволюцион жараёнлар муайян миллатнинг қадриятига айланган хусусиятлар, анъаналарни такомиллаштириш, бойитиш ҳисобига амалга оширилган. Тарихий манбаларнинг, хусусан, Шарқ алломаларининг илмий мерослари, жумладан, уларнинг таълимий ва тарбиявий қарашлари, гоёларини ўрганиш ва таҳлил этиш юқоридаги эътирофнинг ҳаққонийлигидан далолат беради.

Оила кишилиқ жамиятининг муқаддас гўшасидир. Бу гўшадаги муқаддас вазифа – бола таълим-тарбиясидир. Бу масала, таъкидлаб ўтганимиздек, қадимий тарихга эга бўлиб, Шарқда ҳам оилада бола таълим-тарбиясига алоҳида эътибор билан қаралган. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод таълим-тарбияси муаммосининг тадқиқотчиси, файласуф олғма М. Холматованинг таъкидлашича, Марказий Осиё мутафаккирлари ва маърифатпарварлари Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Девоний, Алишер Навоий, Мунис Хоразмий, Бобур, Бедил, Бехбудий, Қори Ннёзий, Чўлпон, Фитрат ва бошқаларнинг асарларида оила ва оилавий муносабатлар ҳақида кимматли фикрлар мавжуд.

Оиладаги ўзаро муносабатлар, маданият масаласи тасаввуф фалсафасида ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Бу фалсафанинг йирик вакиллари бўлган Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро та-

рикатларида ота ва оналар ўзаро муносабатлари фарзандлар камолотидаги роли алоҳида таъкидлаб ўтилганини кўрамиз<sup>1</sup>.

Оилада болаларнинг эстетик тасаввурларини шакллантириш бевосита оила маънавияти билан боғлиқ. Шунинг учун эстетик тасаввурлар маънавиятнинг таркибий қисми сифати ижтимоий-педагогик моҳиятига эга. «Оиланинг маънавий олами ижтимоий тараққиётнинг таъсири ва унинг маҳсули бўлса ҳам, у, ўз навбатида, ижтимоий тараққиётга сезиларли таъсир ўтказади. Бу умумаксиологик<sup>2</sup> қонунлардан келиб чиқади. Маданиятли инсоннинг маънавий олами негизида ижтимоий мақсадлар, қараш ва ғоялар ётади»<sup>3</sup>. Демак, оиладаги маданий-маънавий муносабат муҳим. Болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришга нафақат эстетик мазмундаги жараён, балки оиланинг ижтимоий-моддий ва маънавий барқарорлашуви, бойиш воситаси сифатида қаралиши лозим.

Бугунги ўзбек оиласининг маънавий муҳити қандай? Бу муҳит болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришга қандай таъсир ўтказмоқда? Ундаги миллий ўзлигимизга хосликлар, шарқона кадрият ва анъаналардан қай тарзда фойдаланяпмиз? Бир қарашда оддийдек туюлаётган бир қатор омиллар мавжудки, уларнинг турмуш тарзимизга кириб келиши, аввало, оила маънавияти, ахлоқий меъёрлар ва унга онд тасаввурлар, тушунчалар, шу жумладан, эстетик дунёқарашнинг тўғри шаклланишига салбий таъсир ўтказмоқда.

Тадқиқ этилаётган муаммо ижтимоий аҳамият касб этиши боис уларнинг энг оддийлари (аслида, энг асосийлари) мазмуни ва моҳиятидаги тарбиявий таъсир омилларини кўриб чиқиш мақсади га мувофиқ.

Биринчи омил – ижтимоий муҳит. Бу муҳитнинг жабҳалари кўп: жамият, маҳалла, қариндош-уруғлар, оила. Жамиятнинг иқтисодий ва маънавий ривожланишида муайян даврлар учун жамиятнинг ижтимоий бунюртмалари бўлади. Тарихда Шарқ Ренессанси (X аср), Европада Уйғониш даври (XV–XVII асрлар)да фан, маданият ва санъат, XX асрга келиб эса фақат шу даврга хос (XX аср бошларида Биринчи жаҳон уруши натижасида тузумнинг ўзгариши, XX асрнинг

<sup>1</sup> Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом турмуш тарбияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 8–9-б.

<sup>2</sup> Аксиология (юнонча *axios*) – кимматли кадриятлар ҳақида фалсафий таълимот.

<sup>3</sup> Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом турмуш тарбияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 16-б.

30-йиллари охири ва 40-йиллари ўрталарида «Буюк немис миллати манфаатлари»ни ўрнатишга интилган «буюртма»га асосланган Иккинчи жаҳон уруши, XX асринг 60-йилларида космик аср, «Совук уруш» даври, XX аср охири ва XXI аср бошларида янги ахборот ва технологиялар асри ва ҳ.к.) сиёсий ва ижтимоий мазмун касб этади. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам эстетик мазмун, яъни маданият ва санъатга бўлган эҳтиёж асосида муайян фаолиятлар олиб борилган. Иккинчи жаҳон уруши энг авжига чиққан даврда Тошкент шаҳрида том маънодаги санъат кошоналари (Алишер Навоий номли опера ва балет академик театри, Муқимий номидаги мусикали драма театри)нинг қурилиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Демак, миллатнинг эстетик эҳтиёжларини давлат миқёсида кондиритиш мунтазам тарзда диққат марказида бўлган, яъни ижтимоий муҳит эстетик қадриятлар тизимини яратиш ва унинг муттасил бойитиб бориш учун қулай шароит, имкониятни таъминлаган.

Бир қарашда, бу омиллар, мулоҳазалар унча муҳим эмасдек туюлади. Бироқ эстетик қадриятлар уммонида ҳақиқий бадий кимматга эга бўлганларига тўғри йўналиш олиши шахс такомилнинг муҳим шarti сифатида ижтимоий-педагогик моҳият касб этади. Чунки, академик Д. С. Лихачев таъбири билан айтганда, дунёда бадий қадриятлар шу даражада кўп тўпланганки, улар орасидаги савияси пастрларни ўрганишга вақт сарфлаш – бу оддий ахлоқсизликдан бошқа нарса эмас. Ахлоқ ва эстетика бир-биридан ажралмас тушунча ва уларнинг номлари билан аталадиган сифатларни шакллантириш ҳам синтетик тарзда кечиши лозим. Бошқача айтганда, ахлоқимизга тўғри келмайдиган омилларнинг кириб келиши (қўлланиши) эстетик тасаввурлар мазмунидаги миллийликка путур етказди. Уларни саралашда миллийлик ва тарихийлик тамойиллари бош мезон бўлмоғи лозим. Бу ҳақида ҳам академик Д. С. Лихачевнинг маънавий-эстетик баҳра олиш, шахснинг ўз-ўзини «тозалаш» тарихни, халқни ва миллатнинг анъаналарини билиш орқали амалга ошириши ҳақидаги концепцияси муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кун ижтимоий-педагогик муаммолари ичида оилада болаларнинг маънавий, ахлоқий ва эстетик тасаввурларини шакллантиришнинг, Д. С. Лихачев таъкидлаганидек, миллий негизлари асосида амалга оширилаётгани билан боғлаш мумкин. Буни биргина оиланинг эстетик дид савияси билан изоҳлаш, бу ҳолатни тавсифлаш учун



ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Биз улардан фақат биттасини таҳлил этиб кўрамиз. Аслидаги ҳолатни таҳлил этмасак-да, зиёни куёшнинг эрталаб чиқиб окшом ботиши каби аён. Бу ҳам бўлса оилавий шароитда эстетик баҳра олиш мазмунининг асосий қисмини ташкил этаётган телекўрсатувлар, айниқса, миллийлигимизга мос бўлмаган телесериаллардир. Бу фильмлар бугунги кунда ўзбек оиласига, унинг турмуш тарзининг бир қатор жиҳатларига катта таъсир ўтказмоқда. Айрим хотин-қизлар учун бу фильмлар ҳаёт тарзига айланди, яъни уларсиз кунини тасаввур эта олмайди. Кунлик иш режасини айнан шу фильмларни телевизорда намойиш этиш вақтига қараб тузади. Шу ерда ҳақли савол туғилиши мумкин. Таълим-тарбия жараёнида бирор-бир «бўш зона» учун унинг бирор босқичи, бўғини бўш қолмаслиги лозим. Таълим-тарбиядаги маълум бўшлиқнинг ҳосил бўлиши ҳам муҳим ижтимоий-педагогик муаммо. Бирок, юқорида айтиб ўтганимиздек, миллийлик ва тарихийлик тамойилларига амал қилишимиз лозим. Мазмуни очикдан-очик ҳаёсизлик, ахлоқсизликни ташкил этувчи, узоқ муддат (ҳатто бир неча йил) намойиш этиладиган хорижий сериалларни кўрмаган маъқул. Зеро, эстетик тасаввур ахлоқий таълим-тарбиясиз амалга оширилмайди.

Муаммонинг яна бир ижтимоий хусусияти мавжуд. Кино санъати ҳам ўз қонуниятлари, бадий-эстетик мезонларига эга. Фақат юксак бадий-эстетик қиймат, савияга эга кино асаригина томошабинларда тўғри эстетик тасаввурларни шакллантириши мумкин. Таҳлил этмоқчи бўлганимиз фильмлар бу мезонларнинг аксарият қисмига жавоб бера олмайди.

Биринчидан, яхши асар (кино) учун мукамал сценарий лозим. Бу сериалларда киносценарий жуда жўн, асосан, ахлоқий меъёрларнинг бузилишни тасвирловчи сюжетлар замирига қурилган.

Иккинчидан, «киноасарларнинг» ҳаммасида ҳам режиссура профессионализм нуқтаи назардан талаб даражасида эмас. Айрим эпизодлар (сахналар)да мутлақо режиссёрлик санъати, маҳорати, истеъдоди кўринмайди.

Учинчидан, актёрларнинг ижроси фақатгина ташқи самара, ҳиссиёт тамойили асосига қурилган. Унда юзаки ҳиссиёт, сохта ибора ва шу кабилар асосий қурол вазифасини ўтаган.

Тўртинчидан, иқтисодий нуқтаи назардан бир актёрнинг бир неча актёрлар ижросини дубляж қилиши натижасида сўзи, нутқ мадани-

яти, унинг жозибаси маълум даражада ғайритабиий, сохталаштириб юборилган.

Айнан мана бу сериалларни кўп ҳолларда опалар, оналар, бувилар, оталар билан мактаб ёшига етмаган қизчалар ҳам томоша қилаётганларида уларда миллий характер ва мазмундаги эстетик тасаввурларнинг шаклланишида ижтимоий-педагогик нуқтаи назардан маълум кийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг бугунги кундалик ҳаётини «Болажон» телеканалисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу канал ижодкорларнинг болаларда дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган бир қатор кўрсатувларидан ташқари, биринчидан, эстетик категорияларга тўғри келмайдиган жиҳатлар: бадбашара персонажлар, уларнинг ёқимсиз овозлари билан эфирга узатилаётган мультфильмларнинг аксарияти болада гўзаллик ҳақидаги тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилмайди.

Иккинчидан, намоён этиш учун танлаб олинаётган мультфильмлар қайси мезонларга асосланганлиги мутахассисларни ўйлантиради: қаҳрамонларнинг, айниқса, қиз болалар, аёлларнинг қадди-қомати «барча рельефсимон жойлари» ва бошқа «атрибутилари» билан тасвирланган.

Учинчидан, мультфильмларда сюжет масаласи миллий менталитетимиз, гўзаллик ҳақидаги асрий тасаввур ва қадриятларимизга мутлақо ёт тарзда тақдим этилади, яъни қаҳрамонлик, ватанпарварликдан кўра муҳаббат, бўса олиш мазмундаги мультфильмларнинг намоён этилиши мактабгача ёшдаги болаларни телевизор олдига «михлаш» орқали улардаги эстетик ва ахлоқий тасаввурларнинг нотўғри мазмун касб этишига олиб келмоқда.

Педагогика ва психологияда бола шахсига таъсир этишнинг тарихий-фалсафий жиҳатлари мавжуд. Бу мавжудлик кўп ҳолларга синтетик ҳолатда қарашни талаб этади. Шу манода хорижий сериалларни узлуксиз томоша қилиш, бошқа халқлар ва миллатлар маданияти ва маънавияти, эстетик қадриятларининг халқимиз урф-одатлари тизимига кириб келиши учун кенг йўл очиб беради. Бироқ бу жараёнлар миллийлигимизга зиён етказмаслиги керак. Таниқли файласуф, санъат тарихчиси ва назарётчиси профессор Тилаб Маҳмудов таъбири билан айтганда, «Санъатнинг ўзига хослигини ўтмиш ва бугуннинг инсонпарвар-демократик ғояларини интеграциялаш йўли билан

сақлаш ва ривожлантириш мумкин»<sup>1</sup>. Худди шу тамойилни миллий ва умуминсоний эстетик ҳодисаларга нисбатан ҳам қўллаш лозим. Миллийлигимиз, унинг тарихий-маънавий илдизларига зид бўлган эстетик ҳолатлардан воз кечишимиз лозим. Бу ижтимоий муаммони педагогик нуқтаи назардан оқилона ҳал этиш пировард натижада оиладаги ўзаро муносабатлар, интилишлар ва машғулотларни тўғри мезонлар, меъёрлар асосига қуришни кафолатлайди. Оилада болаларнинг эстетик тасаввурларини шакллантириш ҳам мазкур комплекснинг бир жиҳати сифатида муҳим ижтимоий-педагогик аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан муаммонинг ўзагини ташкил этадиган навбатдаги масала – оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг мазмуни ва моҳиятидаги тарбиявий таъсирнинг иккинчи омили – ота-оналар маънавияти, эстетика жиҳатидан дунёқараши, қизиқишлари ва машғулотлари йўналишидир.

Оилаларда болаларнинг фаолиятларини ташкил этишда кўп ҳолларда «Домланинг айтганини қил-у, қилганини қилма» қабилида иш юретилади. Бу, ўз навбатида, асосий таъқиқларни келтириб чиқаради.

Жамиятдаги ижтимоий ҳодисаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, «Оила маънавияти қанчалик бой, теран бўлса, жамият ҳам шу қадар бой бўлади, оила маънавиятида жамият маънавий олами тажаллий топган бўлади. У ёки бу халқнинг миллат сифатидаги ўзига хослиги, аслида, шу маънавиятида жилоланиб туради. Бинобарин, оила маънавияти – миллийликнинг барча аломатларини ифодаловчи кўзгу, турмушнинг миллийлик асослари ҳам шунда.

Оиланинг миллий руҳи – халқнинг миллий руҳиятини белгилайди. Шу маънода, ҳар бир оила – унинг аъзосида миллий психологияни шакллантирувчи муқаддас ижтимоий институтдир. Бу институт неча минг йилликлар давомида жаҳон халқларининг бир-бирига ўхшамайдиган турфа миллий-маънавий қиёфаларини тарбиялаб келаётир<sup>2</sup>. Шунинг учун оиладаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш ҳам маълум жиҳатидан «миллий қиёфа»га эга бўлиши лозим.

Болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришга таъсир этувчи омиллар тизимида яна бир ижтимоий масалалар борки, уларни педагогика нуқтаи назардан тўғри йўналтирмаслик таркиб топтирила-

<sup>1</sup> Маҳмудов Т. Эстетика и духовные ценности. – Ташкент: Шарк, 1993. – С. 17.

<sup>2</sup> Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 153-б.

ётган сифатларнинг миллий-маънавий қиёфа касб этишига монелик қилади. Булар ижтимоий муҳит, қариндош-уруғлар, маҳалла, таълим-тарбия масканлари (мактабгача таълим муассасалари), таълим муассасаларига қатновчи аксарият болаларнинг таъсир доираси каби масалаларни ўз ичига олади.

Мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг мазмуни ва моҳиятини педагогик, психологик жиҳатдан тўғри йўналтириш муҳим ижтимоий муаммодир. Зеро, «Оила фақат эр билан хотин ўртасидаги ўзаро муносабатларни эмас, балки оналар билан фарзандлар, ака-укалар, опа-сингиллар, қариндош-уруғлар орасидаги муносабатларни ҳам ифодалайди. Жамият бағрида оилалар ташкил топиб, тараққий этиб борар экан, ўзи ҳам ана шу жамиятнинг кичик бир бўлаги сифатида намоён бўлади. Оилалар жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар оила тараққиётига доимо таъсир этади. Оиладаги таълим-тарбия хусусиятлари эса жамиятда ҳам ўз аксини топади»<sup>1</sup>. Шунинг учун оиладаги бадий-эстетик мазмундаги ҳолатлар нафақат оиладаги муҳитни, унда вояга етаётган фарзанднинг эстетик тасаввурларини шакллантириш воситаси сифатида баҳоланиши лозим. Бу таълим-тарбиявий жараённинг жамият маънавияти, жумладан, унинг эстетик оламига таъсири кучлидир. Бу, ўз навбатида, муҳим ижтимоий-педагогик муаммо сифатида эътироф этилишига асос бўлади. Қолаверса, «Оиладаги эстетик муносабатлар — оила ҳаётининг ташки ифодаси, намоён бўлиш шакли бўлган ҳолда, оилада ахлоқий-руҳий муносабатнинг ривожланишига, бинобарин, оиланинг мустақамланишига кучли таъсир қилади»<sup>2</sup>.

Ўз навбатида, оиладаги катта ёшлилардан ота, она, ака, опаларнинг маънавий-эстетик хатти-ҳаракатлари, ҳаёт тарзидаги бадий-эстетик мазмуннинг мавжудлиги, фаолият билан «кўрсатмалар»нинг мувофиқлиги масаласи ҳам муҳим ижтимоий-педагогик муаммо. Улар муайян педагогик тамойиллар, мезонлар ва шартларга мос келиши керак.

Мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш муаммоси ижтимоий-педагогик аҳамият касб этиши шундан иборатки, «... болаларнинг... ортиб борувчи эҳтиёжларини қондириш,

<sup>1</sup> Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. — Тошкент: Маънавият, 1999. — 153-б.

<sup>2</sup> Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом турмуш тарбияси. — Тошкент: Ўзбекистон, 2000. — 30-б.

уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш, жамиятдаги барқарорликни, маънавий баркамолликни таъминлашда жуда муҳимдир»<sup>1</sup>.

Оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг муайян педагогик шартлари мавжуд. Бу шартлар ичида ибрат усули алоҳида эътиборга молик. Чунки бу шартни бажармаслик, юқорида эсга олганимиздек, «Домланинг айтганини қил-у, қилганини қилма» деган машхур мақолни эслатиши мумкин. Фараз қилайлик, она ҳеч қачон бадий адабиётга ёки бадий ҳунармандчиликнинг бирор-бир турига қизиқмаган. Табиийки, ўз фарзандига амалий жиҳатдан намуна кўрсатмаган. Унинг ўз фарзандига бу санъат турларига қизиқтиришига давъати самарасиз бўлади. Демак, оиладаги амалларда, шу жумладан, болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш жараёнида шахсий ибрат натижаси педагогика жиҳатидан кафолатланган бўлади. Зеро, П. Корнель таъкидлаганидек, ўрناق кўрсатиш дўқ-пўлисадан кучлироқ таъсир этади. Чунки таълим болаларга ундай бўлинг, бундай бўлинг деб буюриш ва ёмонликдан оғзаки равишда тийиш билан чегаралаб қўйишгина эмас, балки улуғларнинг (жумладан, ота-оналарнинг ҳам) барча ҳаракатларидаги хулқ-атворлари орқали ёшларга ибрат, намуна беришдан иборат. Ижобий, ижодий феъл-атвор билан таъсир кўрсатиш оғзаки сўз билан бўлажак хайрли саъй-ҳаракатларга нисбатан таъсирлироқ бўлади.

Гарчи бир хотин боласига сўз орқали гўзал нарсалар ўргатса-да, феъли ёмон бўлса, у ёмон хулқ ўргатувчи саналган. Зеро, ёш фарзандлар ота-оналарида кўрган нарсаларига тақлид этадилар. Ота-онанинг хулқлари фарзандлар учун мисоли табиат ҳукмидадир. Болалар кўз ўнгиди, бузук ва ножўя ишларни қилиш уларга ҳам ўшандай ишларни ўргатмоқнинг ўзидир<sup>2</sup>.

«Болаларни гўзал тарбиялаш учун тарбияловчи ота-онанинг ёки хомийларнинг ўзлари тарбияли бўлмоқлари шарт. Агарда улар берадиган тарбиялари билан ўзлари одобли бўлмасалар, умрбод тарбия қилсалар ҳам, бир фойдаси кўринмас»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

<sup>2</sup> Оила бир гулшанки... / Тузувчи муаллифлар Р. Саидов, М. Аҳмедов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 10-б.

<sup>3</sup> Ўша манба. – 14-б.

Бу ҳолатнинг муҳимлигини Ҳ. Содиқнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталик газетасида берилган куйидаги ривоят билан янада мустаҳкамлаш мумкин.

Бир одамнинг фарзанди ширинликка жуда ўч бўлиб, бошқа овқатни хушламас экан. Охир-оқибат бу одат унинг саломатлигига таъсир этиб ҳолсизланиб қолибди, ҳаттоки табиб муолажасидан ҳам наф чиқмабди. Шунда боланинг отасига яқинлари олис қишлоқда донишманд яшашини, гапирган гаплари таъсирсиз қолмаслигини, болани ўша чолга кўрсатиши кераклигини айтишибди. Донишманд уларни очик чеҳра билан кутиб олибди, уларнинг мурожаатига нисбатан ҳеч нарса демай, бир ҳафта ўтгач келишларини айтиб ортга қайтарибди. Бир ҳафтадан кейин улар келгач, болакайни ёнига олиб жуда оддий тарзда насиҳат қилибди: «Болам, қандни кўп емагин, зарари бор»<sup>1</sup>.

Улар ортга қайтишибди. Боланинг отаси таажжубланибди, чунки донишманд бундан ортик ҳеч нарса демабди. Бироқ болада тез орада сезиларли ўзгаришлар юз бериб, ҳолсизликдан фориғ бўлибди.

Ота ўглининг соғайганидан бениҳоя хурсанд бўлса-да, биринчидан, нима учун донишманд бу гапларни биринчи борганда айта қолмади, иккинчидан, бу гапларни улар ҳам кўп бора айтишган-ку, наф бўлмаган. Бундай саволга нисбатан донишманд жавоб қилибди: «Сиз биринчи гал келганингизда ўзим қанд еб ўтирган эдим. Бу ҳолда мен бировга қанд емаслиги ҳақида ҳар қандай сўз айтишдан наф йўқ эди. Шунинг учун сизни қайтариб юбордим ва ҳафта давомида қанд ейишни тўхтатдим. Оқибати эса сизга маълум»<sup>2</sup>.

Қиссадан ҳисса шуки, болаларда бирор-бир сифатни, жумладан, эстетик мазмундаги сифатни шакллантиришда, биринчидан, айтилган гап, даъват этилаётган тадбир, аввало, катталарнинг ибрати билан мустаҳкамланиши лозим. Иккинчидан, гапириладиган гап ибратли, албатта, салмоқли, залворли бўлиши, яъни озгина-ю созгина тамоёйлига асосланиши лозим.

Ҳаётий мисоллар тариқасида бу ҳолатни куйидагича шархлаш мумкин.

Ота ўғлига кийиниш маданияти ҳақида кўрсатма беряпти. Зеро, бу ҳам эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг муҳим томони. Бироқ ўзининг сочи таралмаган, соқоли олинмаган, шими ёки кўйлаги

<sup>1</sup> Ўзбекистон адабиёти ва санъати. Ҳафталик газета. 2005 йил 11 ноябр. 47-сон.

<sup>2</sup> Ўша мана ба.

дазмолланмаган ҳолатда ҳаёт кечирishiга одатланган. Табиийки, бу отанинг панд-насихатларидан кўра юриш-туриши боланинг тасаввурига кўпроқ таъсир ўтказди.

Худди шундай ҳолатни айрим оналар мисолида ҳам кўриш мумкин: хаддан зиёд ялтироқлар, ранг-баранг матоли, бир-бирига мос бўлмаган кийимларга ўраниб юрадиган онанинг орасталик, шунингдек, кийиниш маданияти ҳақидаги «кўрсатмалар»идан фарзандларнинг эстетик тарбиясига наф кам.

Оилада болаларнинг эстетик тасаввурларини шакллантиришда оилавий можароларга бағишланган телетомошалар муҳим аҳамият касб этади. XX асрнинг 90-йилларида бошланган, ўзбек менталитетига мутлақо мос келмайдиган, бир неча йиллар намойиш этиладиган, бош мавзуси ахлоқсизлик бўлган, профессионал жиҳатдан бадиий савияси паст (буни актёрларнинг сунъий ижролари, режиссуранинг юзакилиги, монтаж, оператор фаолияти ва ҳ.к.ларда кўриш мумкин) бўлган сериалларнинг мактабгача ёшда «яшаши» ҳаётимизда ҳам кейинги йилларда одатий ҳолга айланиб қолди. Аслида, бу ўз «ме-васи»ни йиллар ўтиб намоён этадиган ҳавfli ҳолатдан бошқа нарса эмас. Шунинг учун болаларда эстетик кадриятлар, ҳодисаларни шакллантириш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Киношунос олим, филология фанлари доктори, пофессор Ҳамидулло Акбаров таъкидлаганидек, немис файласуфи Фридрих Ницше меросининг туб моҳиятини англаш учун айнан ўша «филтрлаш» қобилияти талаб этилади. «... Ахир Германияда бу таълимотдан ёвуз ниятда фойдаланишга бўлган уринишнинг хунук оқибатларини абстракт шакллар, мавҳум категориялар билан эмас, аниқ тарихий мисоллар билан очиб бериш мумкин. Бундай илмий-педагогик, назарий ва амалий фаолиятта етарли аҳамият берилмаса ёхуд методологик пойдевор заиф бўлса, мафкура, таълим-тарбия жабҳаларида бўшлиқ пайдо бўлиши мумкин...»<sup>1</sup> Шунинг учун миллий мафкураларнинг муҳим томонларидан бири бўлган бадиий-эстетик мазмундаги миллий кадриятлар ва анъаналарни тўғри идрок этиш ва талқин қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришга фақатгина таълим-тарбиявий аҳамиятни касб этадиган тadbир сифатида қаралмаслиги лозим.

<sup>1</sup> Ўзбекистон адабиёти ва санъати. Ҳафталик газета. 2005 йил 11 ноябр. 47-сон.

Шунинг учун оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг бош методологияси тарихий миллий ўзбекона эстетик кадрятларни замонавий тамойиллари билан синтетик тарзда айнан танланган ҳолда қўлланишига эришишдан иборат бўлмоғи лозим. Акс ҳолда, йиллар ўтиб «Нима учун ўзбек фарзанди ўзбек мусиқасини хуш кўрмайди?», «Нима учун ўзбек фарзанди ўзбек кийимини киймайди?», «Нима учун ўзбек фарзанди ота-боболаримиз асрлар давомида авлоддан-авлодга узатиб келган гўзал анъаналаримизга амал қилмайди?» каби саволларнинг сони ортиб боради.

### **1.3. Санъат воситасида мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш**

Мамлакатимизда амал қилаётган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилингандан буён мамлакатимиз таълим тизимида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Ахамиятли жиҳати шундаки, бу ўзгариш ҳам мазмун, ҳам моҳият, ҳам шакл, ҳам ёндашув нуқтаи назаридан кузатилди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни рўёбга чиқариш босқичининг аниқ ижроси сифатида қаралиши лозим бўлган академик лицей ва касб-хунар коллежларининг том маънодаги замонавий бинолар, ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланиши, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳақида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармон ижросини таъминлашга йўналтирилган қарори, ҳаракат дастурлари мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактаблари ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Бу даврни яратувчанлик, том маънодаги ислохотлар даври деб баҳолаш жоиз. Бу саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, мактаб таълимини янги сифат босқичига кўтариш имконини беради. Бироқ унинг нечоғлиқ самарали кечиши маълум маънода болаларни мактаб таълимига тайёрлаш сифатига ҳам боғлиқ. Шу маънода болаларнинг мактабгача таълим ёшидаги тарбиявий масалаларига мамлакат миқёсида ўтказилаётган таълимий ислохотларнинг таркибий қисми сифатида қаралмоғи лозим. Шу жумладан, оилада мактабгача ёшда-



ги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш масаласи ҳам ўта муҳим таълимий ва тарбиявий муаммодир.

Бугунги кунда оилада мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш, жумладан, уларда олам ҳақидаги муайян тушунчаларни шакллантириш воситаларидан бири – эстетик тасаввурни таркиб топтиришнинг педагогик назария ва таълим амалиётидаги аҳволи қандай? У бугунги кун ижтимоий ва педагогик талабларига нечоғлиқ жавоб берапти? Агар жавоб бермаётган бўлса, мазкур муаммонинг қайси жиҳатлари замон оқими, руҳидан ортда қолмоқда экан? Бу жараённинг замон билан ҳамнафас бўлиши учун нималар қилиш лозим? Мазкур саволларга жавоб топиш мактабгача ёшдаги болаларда оила шароитида эстетик тасаввурларни шакллантириш, шу йўл билан уларда дунёқарашни таркиб топтириш воситасида уларни мактаб таълимига тайёрлаш муаммосининг ҳолати, аҳволини аниқлаш имконини беради.

Бу ҳодисани уч йўналишда ўрганиш мақсадга мувофиқ: оила масаласида мамлакатимиз ҳукумати томонидан амалга оширилаётган тадбирлар, оила масаласининг у ёки бу жиҳатини жаҳон педагогика фанидаги тадқиқи, унинг жаҳон тараққиётининг ижтимоий ҳолатига (эҳтиёжи) нечоғлиқ мувофиқлиги. Бу тизимда Ўзбекистондаги мавжуд ҳолат, аҳволнинг таҳлили; мамлакатимиз оилаларида болаларга таълим-тарбия бериш, шу жумладан, уларда муайян илмий дунёқараш элементларини, хусусан, эстетик тасаввурларни шакллантириш масалаларини ижтимоий жиҳатдан ўрганиш ва уни педагогик таҳлил этиш.

Биринчи йўналишнинг таҳлили шунини кўрсатадики, республикамизда оила жамиятнинг таянч нуқтаси, унинг мустақиллиги, маънавиятини таъминловчи ижтимоий институти сифатида доимо педагогларнинг диққат марказида бўлиб келган. Хусусан, республикамизда оила муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби 63–66-моддаларида белгилаб қўйилган. Шунингдек, республикамизда «Оила» кодекси ҳам яратилган бўлиб, у ўзбек оиласининг ҳуқуқий мақомини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 2 февралдаги Фармонида биноан Республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилиб, унда «оила ва жамият, оила ва маҳалла муносабатлари билан боғлиқ миллий бой анъаналар, сермазмун миллий кадриятларимизнинг илдиэларини, аждодларимиз меросини ўрга-

ниш ва уларни оммалаштириш;... оиланинг педагогика, психология, этнопсихология, этнопедагогика йўналишларидаги муаммоларини ўрганиш ва ривожланиш истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;... ёш авлодда маънавият, маданият, маърифатни янада юксалтириш орқали оилада баркамол авлодни тарбиялашнинг энг самарали, мақбул усулларини излаш ва ишлаб чиқиш»<sup>1</sup> бўйича ижтимоий-педагогик муаммоларнинг ечимига оид кўплаб амалий тадбирлар ва илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Иккинчи йўналишда олиб борилган ишларни уларнинг мазмуни ва моҳиятига кўра уч гуруҳга ажратган ҳолда таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳга мактабгача таълимнинг меъёрий ҳужжатлари, концепциялар, давлат талаблари, таълим ва тарбия дастурлари мансуб бўлиб, бу борада республикамизда муайян ишларни олимлари-миз, тажрибали педагогларимиз амалга оширган. Чунончи, мактабгача таълимнинг давлат талаблари ишлаб чиқилиб, улар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ҳолда амалиётга жорий этилган, тарбиявий ишларда оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги концепцияси яратилган. «Учинчи минг йилликнинг боласи» комплекс дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга муваффақиятли татбиқ этилган. 2010 йилдан мамлакатимизда мактабгача таълим такомиллаштирилган ва «Болажон» таянч дастури асосида амалга оширилмоқда.

Иккинчи гуруҳга болаларга оилада таълим-тарбия бериш муаммосининг илмий тадқиқот ишлари, шунингдек, диссертация ишлари даражасида қўйилиши ва ҳал этилиши масаласини киритиш мумкин. Бу борада ҳам республикамизда кенг қамровли тадқиқот ишлари амалга оширилган. Хусусан, А. Мунавваров, М. Иномованинг докторлик диссертациялари ҳамда илмий асосланган тавсияларининг таълим ва тарбия амалиётига татбиқ этилиши, профессор Н. Ортиқовнинг тўлалигича оила педагогикаси, оилада маънавий-ахлоқий тарбияга бағишланган докторлик диссертациясининг бир қисми<sup>2</sup> оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш масаласига қаратилган.

<sup>1</sup> Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 8-б.

<sup>2</sup> Ортиқов Н. Миллий ғурур ва умуминсоний кадриятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, 2000. – 155–174-б.

Учинчи гуруҳда оилавий таълим-тарбиянинг турли муаммоларига бағишланган назарий-методологик характердаги ишланмаларнинг мазмуни, моҳияти, кўлами ва ҳ.к. кўрсаткичларига биноан таҳлил нуқтан назаридан тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Илмий адабиётларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, бу борада ҳам муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, фақат Ўзбекистонда нашр этилган услубий адабиётлар орасида Ризоуддин ибн Фахруддин, Абдурауф Фитратнинг «Оила» номли асарлари<sup>1</sup>, Марказий Осиё ва Қозоғистон халқлари этнопедагогикаси, этнопсихологияси ва халқ донишмандларининг билимдони академик Л. Э. Измайловнинг «Оилавий ҳаёт этикаси ва педагогикаси» асари<sup>2</sup>, мазкур ишнинг дастлабки бўлимида тилга олинган. М. Маҳмудов, О. Мусурмонова, М. Сафаров, М. Холматоваларнинг, шунингдек, В. Каримова, Р. Содиқова, О. Тўраева, Ғ. Шоумаровларнинг бу борадаги ишларини эсга олиш ўрнли. Уларда оилавий таълим-тарбия масаласи турли соҳаларда тадқиқ этилган бўлса-да, мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда маълум даражада таянч нуқта, методик мўлжал вазифасини ўтайди.

Профессор Н. Ортиқов шахснинг ахлоқий қарашларини шакллантиришда оила муҳитининг ўрнини тадқиқ этар экан, уни ижобий, ўзгарувчан ва салбий тонфаларга ажратиб ўрганган ва оилавий таълим-тарбияда салбий муносабатларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлар экан, қуйидаги ҳолатларни асосий омиллар сифатида келтиради:

- болаларга катталар томонидан диққат-эътиборнинг етишмаслиги;
- фарзандлар билан мулоқотга киришиш истаги мавжуд эмаслиги ёки хоҳишнинг умуман йўқлиги;
- ота-оналар билан фарзандлар ўртасида мулоқотларда ўзаро тушунишнинг йўқлиги ва унга ҳар икки томонлама интилишнинг етишмаслиги;
- кўр-кўрона оталик ва оналик меҳр-муҳаббатининг ҳукм суриши ва унинг барқарор аҳамият касб этмаслиги;

<sup>1</sup> *Ризоуддин ибн Фахруддин*. Оила. Тошкент: Меҳнат, 1991.; *Фитрат*. Оила ёки оила бошқариш тадбирлари. – Тошкент: Маънавият, 1998; *Фитрат*. Оила. – Тошкент: Маънавият, 1998.

<sup>2</sup> *Измайлов*. Этика и педагогика семейной жизни в представлениях и идеалах народной мудрости. – Ташкент: Укитувчи, 1986.

— оила мухитида ота-оналарнинг билим савиялари ва маданий даражаларининг пастилиги;

— оилада яхши анъаналар, расм-русумлар, урф-одатларнинг йўқлиги ва маълум қолипдаги салбий хатти-ҳаракатларга риоя қилиниши, оиланинг ижтимоий муҳитдан тубдан ажралиб қолиши, оиладаги лоқайдлик кабиларни<sup>1</sup> ҳақли равишда алоҳида урғу бериб кўрсатади. Аслида, бу омиллар барча ёшдаги болалар учун, шу жумладан, онгда эстетик тасаввурлар шакллантирилаётган мактабгача ёшдаги болалар учун ҳам умумий характер касб этади. Шунинг учун «Оилада ахлоқий муҳит, ота-оналар талабларининг нуфузлилиги, таъсир кучи, оила аъзоларининг ўзаро муносабатларида боланинг нуқтаи назари, унинг ҳуқуқлари ҳамда вазифаларининг нисбати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир ота-она ўз фарзандларига... юксак ахлоқий сифатларни ўргатиши лозим»<sup>2</sup>. Юксак ахлоқий сифатларни эса эстетик маданиятсиз тасаввур этиш қийин. Эстетик маданиятнинг дастлабки куртаклари, таркибий компонентининг муҳим элементлари айнан болаларнинг мактабгача ёшида оилада эстетик тасаввурларни шакллантириш тарзида амалга оширилади.

Оилада болаларни тарбиялаш масаласи жамиятимиз тараққиётининг ижтимоий ҳолати (эҳтиёжи)га мослик нуқтаи назаридан, педагогик назария илмий-услубий ишланмаларининг сезиларли даражада замон талабларидан орқада эканлигини эътироф этиш лозим. Аслида, бу масалага оид фундаментал ишлар (М. Холматова, М. Иномова ва б.) амалга оширилган бўлса-да, муаммонинг методологик асосларини очиб берувчи ишланмалар яратилмаган. Масалан, мактабгача тарбия педагогикаси<sup>3</sup> Ўзбекистон учун таржима (1991–1992) тарзида жорий этилган. Бугунги кунда бу манбалар маънавий жиҳатдан бироз эскирган. Шунингдек, болалар боғчасида эстетик тарбия масаласи-

<sup>1</sup> Ортиқов Н. Миллий гуруҳ ва умуминсоний кадриятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Тошкент: Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, 2000. — 155–162-б.

<sup>2</sup> Ортиқов Н. Миллий гуруҳ ва умуминсоний кадриятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Тошкент: Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, 2000. — 155–173-б.

<sup>3</sup> Мактабгача тарбия педагогикаси. 2 қисм. 1-қисм. // В. И. Логинова, Т. Г. Саморуковалар таҳрири остида. — Тошкент: Ўқитувчи, 1991.

га оид методик ишланмалар ҳам республикамиз маънавияти, мадавний-ижтимоий ҳаётининг бугунги мавқеи, тарбиявий ишлар мазмунига мос келмайди. Айтиб ўтилганлардан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон педагогикасида мактабгача ёшдаги болаларни оилада эстетик тарбиялаш масалаларига оид илмий, методик ишланмалар яратиш давр талабига айланган.

Айни пайтда, таъкидлаш жоизки, эстетик қадриятларнинг кўп қисми ўз мазмуни ва моҳиятига кўра турли хил тавсифга эга. Зеро, улар, аввало, санъатга, маданиятга дахлдор бўлгани учун кўп ҳолларда умуминсоний қадрият сифатида эътироф этилади. Бу борада, айникса, Япония, Россия каби мамлакатларда катта ижодий тажрибалар тўпланган. Хусусан, узоқ йиллар давомида Россия Педагогика фанлари академиясида мактабгача таълим ёшдаги болаларни эстетик тарбиялаш муаммолари мактабгача таълим институтида комплекс тадқиқотлар тизими тарзида, Бадний таълим институтида аспирант ва илмий тадқиқотчиларнинг хусусий тадқиқотлари тарзида олиб берилган изланишлар натижасида мактабгача ёшдаги болаларни бадний-эстетик фаолиятнинг турли йўналишларига жалб этиш масалалари ишлаб чиқилган. Айниқса, бу борада ХХ асрнинг 70–80-йилларини баракали, самарали давр сифатида эътироф этиш жоиз. Айнан мана шу йилларда мактабгача таълим муассасаларида болаларни эстетик тарбиялашнинг бир қатор шакллари:

- болалар боғчаларида тасвирий фаолият;
- болалар боғчаларида эстетик тарбия;
- тасвирий фаолият ва бадний лойиҳалашга ўрганиш методикаси;
- болалар боғчасида ҳайкалтарошлик;
- мактабгача ёшдаги болаларда ижодкорликни ривожлантириш;
- болалар боғчасида тасвирий фаолият назарияси ва методикаси;
- болалар апликацияларида халқ нақш мотивлари каби ишланмалар эстетик тарбия ишларини ташкилий-педагогик ва услубий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш имконини берар эди. Бироқ, биринчидан, улар мунтазам фаолият кўрсатувчи мактабгача таълим муассасалари учун мўлжалланган. Табиийки, улардан махсус тайёргарликка эга тарбиячилар фойдаланиши назарда тутилган. Иккинчидан, уларда ота-оналар учун керакли услубий маслаҳатлар, тавсиялар берилмаган. Шунинг учун оилада мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасавурларни шакллантиришга йўналтирилган методик ишланма-

ларнинг янги авлодини яратиш, унда мазмун жиҳатдан янгиланган, миллий истиқлол ғоялари, ўзбекларга хос ва мос менталитети, миллий ва умуминсоний эстетик кадриятларнинг синтетик татбиқи, даврлар, маданият ва санъатнинг энг тараққийпарвар анъаналарини интеграциялаш тамойилга амал қилиши лозим.

Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий кадриятларнинг ўрни тадқиқ этилар экан, педагог олима М. Иномова оилада болаларга бериладиган одобда яхшилик билан ёмонликни фарқини билиш, фойда билан зарар орасидаги тафовутни англашга ўргатиш, шакллантириш ҳам яхши билан ёмон (гўзаллик ва хунуқлик) ўртасидаги фарқни англаш негизига қурилишини таъкидлайди.

М. Иномова Шарқ мутафаккирларининг бола тарбиясига оид қарашларини таҳлил этар экан, уларда санъатга ҳам алоҳида эътибор қаратилганлигини эътироф этади, яъни «... барча мутафаккирлар ижодида талқин этилганлиги каби, Юсуф Хос Ҳожибнинг ижодида ҳам ёшларга санъат, хунар ўргатиш борасидаги фикр асосий ўрин эгаллайди. У фарзандларни хунарли қилиш билан уларни чиройли қилишимиз мумкинлигини, шу билан бирга, турли-туман хунарларни ўрганмаслик тубанлик белгиси эканлигини таъкидлаб, санъат, хунарни Хумоқушга ўхшатади. Хумоқуш сояси тушган одам давлат ва саодатга эришганидай, хунар ва санъат эгалари ҳам барҳаёт бўладилар»<sup>1</sup>.

Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда ўзбек халқ педагогикаси манбаларидан фойдаланиш имкониятларининг тадқиқида М. Иномова «... ўзбек халқи ўртасида кундалик эҳтиёж амалига айланган амалий санъат турларидан ўймакорлик, ... заргарлик, зардўзлик, кашгадўзлик, қулолчилик, маиший буюмлар... яшаш, тикиш кабилар ўзбек оилаларида, биринчидан, моддий эҳтиёжни қондириш бўлса, иккинчидан, фарзандларини хунарга, касбга ўргатишда, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим тарбия воситаси сифатида фойдаланиб келинган»лигини таъкидлаб ўтади<sup>2</sup>. Буларга қўшимча қилиб таъкидлаш жоизки, бу машғулотлар, аввало, эстетик тарбия манбаи сифатида ҳам муҳимдир.

Шу каби таҳлилларни қанча давом эттирмайлик, республикамиз педагогикаси назариясида оилада мактабгача ёшдаги болаларда эсте-

<sup>1</sup> Иномова М. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий кадриятлар. – Тошкент: Фан, 1995. – 84–85-б

<sup>2</sup> Ўша манба. – 180–181-б

тик тасаввурларни шакллантириш муаммоси махсус тадқиқ этилмаганлиги аён бўлади. Бироқ шу йўналишда амалга оширилган айрим ишлардан маълум даражада методологик асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Педагогик назариядаги бўшлиққа мувофиқ тарзда оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш йўналишидаги ҳолат, мавжуд аҳволнинг таҳлили амалдаги бир қатор миллий меъёрлардан, тарихан шаклланган миллий анъана ва қадриятлардан четга чиқиш ҳоллари мавжудлигини кўрсатади. Аслида, бу четга чиқишни миллий эътиқодимиз, маданий, бадиий-эстетик қадриятларимизга ҳурматсизлик, айрим ғарибона урф-одатларга нисбатан қаршиликнинг йўқлиги деб баҳолаш тўғри бўлади. Бу эътирофнинг қанчалик ҳақиқат эканлигини исботлаш учун бир-икки мисолнинг ўзи kifоя.

Биринчи мисол – кийиниш маданияти. Эндиликда нафақат йирик шаҳарлар, балки кичик шаҳарлар, ҳатто кишлоқ ёшлари ўртасида миллий маданиятимиз, ахлоқий меъёрларимизга мутлақо зид бўлган европача, аслида, ҳаёсизлик томошаси бўлган кийимларни кийиб юриш одатий ҳолга айланди. Ачинарлиси, улар эстетик талабларга мос шакл сифатида идрок этилиб, кўпчилик айнан шу шаклга интиломда. Бу тесқари интилишнинг олдини олиш, аввало, оиладан бошланишини эътиборга оладиган бўлсак, бу борадаги амалий ишлармиз кўнгилдагидек эмаслигини кўрсатади.

Оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг таркибий қисми – кийиниш эстетикаси ҳақидаги қизиқишлари, интилишларини, уларнинг саволларга жавоблари, айрим тасвирий фаолият намуналари (либос дизайни элементлари) миллий урф-одатлар, анъаналардан узоқлашиб бораётганлигини кўрсатади.

Барча соҳаларда бўлганидек, тараққиёт соҳаларида миллий тасаввурларни бойитишда фойдаланиш, яъни интеграцион жараёнларни таълимий ва тарбиявий жараёнларга татбиқ этиш лозим. Бу ҳолат бадиий-эстетик таълимга, шу жумладан, оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришга ҳам тааллуқлидир. Кўп марта таъкидлаганимиздек, бу ўринда ўзбекона миллийлик ҳар доим бош мезонлигича қолиши лозим. Ана шу мезонларга амал қилмаслик республикамиз оилалари учун алоқадор омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Оилада болаларнинг эстетик тасаввурларини шакллантиришда бу омил биринчи ўринда туриши лозим бўлади.

Оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш жараёнининг айрим босқичлари яширин тарзда кечиб, унинг натижаси мақсадли ишларнинг натижалари сифатида намоён бўлмайди. Масалан, 5–7 ёшли бола шеър айтади, ўзича кўшиқ куйлайди ёки об-разга кириб бирор кино қахрамонининг ролини ўйнайди. Аслида, бу «хунарлар»ни уларга ота-оналари махсус ўргатган эмас. Улар атрофдагилар, оиладаги катталар, телевидение кўрсатувларини томоша қилиш жараёнида ўзлаштирилган сифатлардир. Айрим ҳолларда ўзлаштирилган сифатлар болаларнинг ёшига мутлақо мос бўлмайди. Масалан, у «кўзимга уйқу келмас, сени кўрмасам, севгилим» сўзлари билан кўшиқ куйлайди ёки жангари, эротик мазмундаги кинофильмнинг бирор-бир парчасини сўзларини ўзига ўхшатиб қайтаради. Демак, боланинг онгида нотўғри эстетик идеал шаклланапти. Бу борада ота-онанинг маданий зийраклиги, педагогик муносабат, муомала муҳим рол ўйнайди. Бу омил фарзандларимизда эстетик тасаввурларни шакллантиришда энг оддий, бироқ таъсирли фаолият зарурлигини англатади.

Мактабгача ёшдаги болаларга эстетик таълим-тарбия беришда тавсвирий фаолият назарияси ва методикасининг тадқиқотчилари Е. И. Васильева, Р. Т. Казакова, В. Б. Косминская, Н. Б. Халезова бу ёшдаги болаларнинг эстетик тасаввурларини шакллантиришда тавсвирий фаолиятнинг ўрнини тадқиқ этиб, бу жараённинг 15 функциясини алоҳида кўрсатиб ўтади. Булар эстетик, коммуникатив, билиш, маърифий, ғоявий, тарбиявий, тартибга солувчи, ижтимоий ўзгартирувчи, маданий, аксиологик, компенсацион, гедонистик, тиббий (соғломлаштириш), ижтимоий ҳаракати мотив ва, ниҳоят, прогностик тамойилларидир<sup>1</sup>.

Бу функцияларни алоҳида-алоҳида таҳлил этадиган бўлсак, санъатнинг шахсни шакллантиришдаги, унинг бадиий-эстетик оламининг таркибий қисми бутланиб боришидаги ўрнини англаймиз.

Санъат бошқа эстетик қадриятлар тизимида шуниси билан фарқланадики, у бир даврнинг ўзида мавжуд ва ўтмишдан қолган аъёналарни акс эттириш ва келажак учун етказувчи восита вазифасини ўтайди. Санъатни идрок этиш орқали шахс ва жамиятнинг эстетик онги тар-

<sup>1</sup> Теория и методика изобразительной деятельности в детском саду. Учебное пособие для студентов педагогических институтов // В. Б. Косминская, Е. И. Васильева, О. Г. Казакова и др. – Москва: Просвещение. 1985. – С. 7–9.



киб топади. У санъатни идрок этадиган, англайдиган ва ундан эстетик завқ оладиган бўлади. Эстетик онг ҳар бир шахсда эстетик кадриятларни яратишга йўллайди. Бу санъатнинг эстетик функциясидир. Бу функция эстетик тасаввур элементларини ўзлаштиришнинг дастлабки босқичи бўлиб, унинг учун оиладаги эстетик муҳит муҳим аҳамият касб этади.

Санъатнинг коммуникатив функцияси икки-уч йўналишда кузатилади. Биринчидан, санъат орқали бир шахс иккинчи шахс билан мулоқот қилади. Шу тарика жамиятдаги ўрнини англаб боради. Натижада унинг ижтимоий тажрибаси ортиб боради. Иккинчидан, санъат орқали у ўз замонасининг эстетик ҳодисалари, кадриятлари билангина эмас, балки аждодларнинг, умумбашарий кадриятларнинг энг саранамуналари билан танишиш орқали эстетик кадриятлар яратилишининг тарихий йўналишидаги энг тараққийпарвар хусусиятлар билан танишади. Учинчидан, санъат олами, унинг мазмуни ва функциясини ўзининг шахс сифатида шаклланиш жараёнига сафарбар этади. Мактабгача ёшдаги болаларда оила шароитида эстетик онгнинг шаклланиши болани камол топтиришда амалга ошириладиган педагогик тарбия ишларидан биридир. Тарбиянинг ана шу жиҳатини доимо ёдда саклаб, уни амалга ошириш лозим.

Санъатнинг шахс камолидаги, айниқса, мактабгача ёшдаги болаларда олам ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришдаги ўрни беқийс. Чунки санъат табиатдаги ҳодиса ва жараёнларни, улар орқали олам «тасвири»ни, инсонлар фаолиятини билиш имконини беради. Бу билан санъат маърифий характер касб этади. Шунинг учун фарзандларимизнинг санъат билан ошно бўлишини, уларда муайян эстетик тасаввурларни шакллантиришни муҳим ижтимоий ҳодиса, болаларни мактаб таълимига тайёрлашнинг самарали шакли сифатида қараш лозим.

Санъат ҳар доим маълум бир ғояни тарғиб қилиш воситаси бўлган. Зеро, унинг функциясидаги асосий йўналишлардан бири даврнинг асосий ғоясини оммага сингдиришдан иборат. Ҳатто айрим даврларда жамиятнинг ташвиқот борасидаги қуроли сифатида вазифа бажарганлиги учун ҳам унинг ғоявий мазмунини англаш лозим бўлади. Айниқса, бугунги кун санъатининг нафақат ғоявий мазмун, балки моҳиятан ҳам ўзгачалиги боис фарзандларимизнинг, айниқса, мактабгача ёшдаги болаларнинг дунёқарашига таъсир этиш воситаси

сифатида танлаб олинаётган санъат асарларининг гоъвий қаторлари, катламларига алоҳида эътибор билан қарашни талаб этади.

Санъатнинг муҳим жиҳатларидан бири унинг тарбиявий функциясида намоён бўлади. Зеро, санъат фақат эстетик тарбия воситаси эканлиги билан чекланмайди. У жамият руҳиятининг турли қирраларини очиб беришга ҳаракат қилади. Бу қирралар эстетик, маънавий, ахлоқий, диний ва бошқа мазмунда бўлиб, инсонлар дунёқараши шаклланишига хизмат қилади.

Оялада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш айван санъат асарлари орқали инсонларнинг жамият ҳаётида амал қиладиган муайян меъёрлар, талаблар, қонунларга бўйсунуш, мослашиш ва уларни ўз ҳаётига татбиқ қилиш кўникмаларини тарбиялайди, яъни бола ўз хатти-ҳаракатларини муайян эстетик нормалар нуқтаи назаридан тартибга солади.

Санъат ўз таъсири орқали инсонларни ҳаёт фаолиятларида маълум ўзгаришлар, қайта қуришларни амалга оширишга даъват этади, яъни уларда ижтимоий мўлжаллар, интилиш ва фаолият йўналишида ижтимоий ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Бу ҳолат мактабгача ёшдаги болаларда ҳам кузатилади. Фарқи шундаки, уларда ижтимоий ўзгариш эмас, балки ижтимоий мўлжал тарихида майдонга чиқади.

Санъатнинг асосий функцияларидан бири, шубҳасиз, шахс маданиятини, маънавиятини оширишга хизмат қилишдир. Зеро, санъат инсонларнинг онгини ривожлантириш орқали уларни ижодий фаолиятга ундайди.

Санъат билан мулоқотда бўлиш инсонларда нафақат бадий-эстетик дидни тарбиялайди, балки инсонлардаги, табиатдаги ва санъатдаги гўзалликни тўғри англаш, уни ижобий баҳолаш ва шахсий муносабат билдиришдан бошлаб жамият ҳаётидаги турли воқеа ва ҳодисаларни тўғри талқин қилишни тарбиялайди, яъни аксиологик характер касб этади. Шу боис болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришни фақат бадий-эстетик таълим-тарбия деб чегараланмаслик лозим.

Инсон табиаи шундай тузилганки, у ҳар доим ниманидир ўз истаги бўйича бажара олмайди. Бу хусусият болаларга ҳам хосдир. Шунинг учун уларни оила шароитида санъатга жалб этиш, йўллаш орқали уларнинг кўнглидаги қандайдир кемтикликларни тўлдириш мумкин.

Санъатнинг гедонистик<sup>1</sup> функцияси шунда намоён бўладики, санъат инсонларда, шу жумладан, мактабгача ёшдаги болаларда ҳам завқланиш, маънавий қониқиш ҳисларини тарбиялайди. Бу сифат эстетик тасаввурларни тўғри шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Айнан қониқиш, завқланиш инсон руҳиятига сокинлик бахш этиш орқали тиббий-соғломлаштирувчи восита сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Санъат тарихида инсонларнинг маданият ва санъат намуналарини йиғишга интилиши ҳам кузатилади. Бу ҳолатнинг тарбиявий аҳамияти ҳам мавжуд. Шу тариқа санъат асарлари, бадий хунармандчилик буюмлари инсонларнинг турмушига кириб келган ва айрим кишиларнинг ижтимоий ҳаракат фаолиятига айланган. Ўзбек ҳонадонларининг айримларида бу жараён маълум маънода алоҳида тарзда содир бўлган.

Маданият ва санъат намуналарининг ўз ҳонадонларида йиғилиши туфайли юзага келадиган тарбиявий таъсир ҳамма даврларда эътироф этиб келинган. Машҳур мискарлар сулоласининг бизга замондош вакили Мамадалиевнинг таъкидлашича, ҳонадонда амалий санъат буюмларини сақлаш билан фарзандларни нафосатга ошно қилиш, уларнинг эстетик дидларини тарбиялаш мумкин. Демак, болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш учун уларни санъатнинг бирор-бир турига алоқадор фаолиятга жалб этиш шарт эмас. Айрим ҳолларда санъат намуналарини доимо кўриб, кузатиб, у билан бевоқиф мулоқотда бўлишларининг ўзи эстетик тарбияда етарли бўлади.

Айтиб ўтганимиздек, санъат прогностик функция бажаради. Зеро, санъат аҳли назариётчи олимлар каби илғор фикрлар оғушида яшайди. Шу тариқа улар мунтазам янгилик яратишга интилишни ўзларининг ҳаёт тарзларига айлантирганлар. Шу боис улар бошқа одамлардан бадий-ғоявий жиҳатдан маълум даражада илгари юрадилар. Ўзларининг шу хусусиятлари билан келажакни маълум даражада башорат қиладилар. Шунинг учун уларнинг бадий-ижодий меҳнатлари самараси – санъат асарлари прогностик характер касб этади. Болаларни санъат асарларига жалб этиш эса уларни келажакни ҳис қилиш, янгиликка интилишга чорлайди. Бадий янгиликка интилиш ҳам болаларда, хусусан, мактабгача ёшдаги болаларда оила шароитида ба-

<sup>1</sup> Гедонистика (юнонча hedone – завқланмоқ) – эразмиздан олдинги IV асрда шаклланган қадимий юнон фалсафасининг ахлоқий таълимоти.

дий маданиятни, унинг дастлабки бўғини – эстетик тасаввурларни шакллантиришда муҳим воситадир.

Юқорида кўриб чиқилган санъатнинг функциялари ҳақидаги назарий маълумотлар ҳар қандай йўналиш ва мазмундаги тарбиявий, хусусан, бадий-эстетик таълим ишларининг негизини ташкил этади. Зеро, муайян-илмий назарий асосга эга бўлмаган ҳар қандай амалий фаолиятнинг пировард ижобий натижаси кафолатланмайди. Шу маънода республикамиздаги айрим оилаларда мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш борасида олиб борилган ишлар диққатга сазовордир.

Республикамизнинг Наманган, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги оилаларда сайланма тарзда ўтказилган ижтимоий сўровлар, мақсадли кузатувлар шуни кўрсатдики, ўзбек оилаларида мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришга йўналтирилган тизим, танланган анъанавий амалиёт мавжуд эмас. Тошкент шаҳридаги баъзи оилаларда мактабгача ёшдаги болаларни бадий-эстетик мазмундаги машғулотларга жалб этиш тажрибаси мавжуд. Масалан, Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Шермат Ёрматов раҳбарлигидаги «Булбулча» болалар хорида мактабгача ёшдаги болалар гуруҳи мавжуд. Шундай ёшдаги болалар «Томоша» гуруҳига (бадий раҳбари Нодира Қурбонова) ҳам жалб этилган. Бироқ, биринчидан, уларнинг кўпчилиги мактабгача таълим муассасаларига қатнайди. Иккинчидан, уларнинг сони мактабгача ёшдаги болаларнинг умумий сонига нисбатан жуда кам фоизни ташкил этади. Бошқа вилоятларда бундай ҳолатлар мунтазамлик касб этмайди. Булар кўп вазиятларда у ёки бу тадбирга, байрамга тайёргарлик вақтида кузатилади.

Болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш деганда нимани тушунишлари ҳақидаги саволларга тўғри жавоб қайтарган ота-оналарнинг сони жуда кам фоизни ташкил этди. Шунингдек, ота-оналарнинг оила шароитида болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг мазмуни, педагогик тизими ҳақидаги тушунчалари, тасаввурлари, билимлар даражалари ҳам талаб даражасида эмас. Эстетик мазмундаги машғулотларга мактабгача ёшдаги болаларни жалб этиш, асосан, бадий сўз (шеърый парча ёдлаш, айрим ролларни ижро этиш), мусиқа (кўшиқ айтиш, рақсга тушиш) воситасида амал-

га оширилади. Айниқса, болаларнинг эстетик мазмундаги тасвирий фаолияти, бизнингча, ўз вақтида ва лозим тарзда бошқарилмайди. Аслида, эстетик тарбиянинг бу тури мактабгача ёшдаги болаларнинг дунёқарашига таъсир этишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг эстетик мазмундаги машғулотларида тасвирий фаолиятдан расм чизиш етакчи ўринни эгаллайди. Шу боис бу фаолиятни етарли тарзда бошқарилмаслиги мумкин.

Жаҳон педагогикаси ва психологияси тарихида айнан мактабгача ёшдаги болаларнинг тасвирий фаолиятига оид бир қатор тадқиқотлар ўтказилган. XX аср бошларида В. М. Бехтеров 3–7 ёшли болаларнинг тасвирий фаолияти намуналарини таҳлил этар экан, айрим тадқиқотчиларнинг болаларнинг расмлари ҳеч қандай онгли фаолият намунаси эмас деган хулосаси асоссиз эканлигини исботлаб берган. Бу фикрлар мактабгача таълим ёшидаги болаларда эстетик тасаввур элементларини шакллантириш амалиётининг бугунги ҳолати учун ҳам назарий манба вазифасини ўтайди. Шу каби фикрларга, шунингдек, республикамиздаги амалий ҳолат натижаларининг таҳлили мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш илмий асосланган педагогик шарт-шароитларини ва уларни амалиётга жорий этиш механизмларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Юқорида келтирилган илмий-назарий таҳлиллар асосида эътироф этиш жоизки, оилада болаларнинг эстетик тасаввурларини шакллантиришнинг мазмуни ва моҳиятидаги тарбиявий таъсир омили — ота-оналар маънавияти, уларнинг эстетик дунёқараши, болаларнинг кизиқишлари ва севимли машғулотларини керакли соҳага йўналтириш орқали уларнинг маънавий дунёқарашларида эстетик мазмундаги тушунчаларни шакллантиришга замин яратади. Бу мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг умумий дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, оилада болаларга эстетик таълим бериш, асосан, катталар, яъни бобо, буви, ота-она, ака-опалар томонидан (ўзаро суҳбат, амалий намуна кўрсатиш, қадимий дostonлар, эртақлар ва шу кабиларни ўқиб бериш, телевизордаги кўрсатувларни улар тушунадиган содда тилда баён қилиб бериш ва шу кабилар) амалга оширилади.

Мактабгача таълимнинг яна бир муҳим хусусияти сифатида мустақиллик йилларида оилавий таълим тизимининг ўзига хос мавқега эга эканлиги ҳукуматимиз томонидан қатъий эътироф этилганлиги

боис, уни янада ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратила бошлангани натижасида мазкур йўналишда ижобий ўзгаришлар юз берди. Ҳозирги кунда оилавий таълим болаларни ҳар томонлама тарбиялаш, уларнинг иқтидорини аниқлаш ва уни тўла намоён этишда ўзига хос ўринни эгаллаб келмоқда. Лекин мазкур соҳада ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд-ки, уларни тезда ҳал этиш ижтимоий эҳтиёж ва ҳозирги давр талаби саналади. Бу борада оила институтининг таълимий ва тарбиявий имкониятларидан максимал даражада ва оптимал тарзда фойдаланиш мавжуд муаммоларнинг ижобий ечимларидан биридир.

## *Иккинчи боб*

# **ОИЛАДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ЭСТЕТИК ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАЗМУНИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ**

## **2.1. Мактабгача ёшдаги болалар дунёқарашини таркиб топтиришда эстетик тасаввурларнинг ўрни**

Комил инсон тарбияси комплекс таъсир этувчи воситалар негизда амалга оширилади. Бу комплекда бадиий-эстетик мазмундаги билимлар, тасаввурларнинг ҳам муҳим ўрни бор. Шунинг учун барча даврларда ёш авлоднинг эстетик тарбиясига алоҳида эътибор билан қаралган. Жумладан, мактабгача ёшдаги болаларнинг дунёни англаши, атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабатларини намоён этишда эстетик тасаввурлари, билимлари, муайян кўникма ва малакалари шаклланган бўлиши лозим. Айнан мана шу сифатлар воситасида болалар ўз «Мен»ининг дастлабки чизгиларини ифода-лаб, тасвирлай бошлайди. Унинг сифати ва шаклланиш жараёнининг суръати мавжуд педагогик шарт-шароитлар, педагогик таъсир этувчи омилларга боғлиқ. Зеро, эстетик мазмундаги фаолият умумий дунёқарашнинг таркибий қисмидир.

А. Н. Леонтьев таъкидлайдики, таълим (оилавий шароитда бола таълим-тарбияси)нинг йўналиши, мазмуни боланинг шахс сифатида шаклланишида етакчи ўрин тутати. Хусусан, бу йўналиш истиқболда болалар келгусида фаолият кўрсатишлари учун муайян ижтимоий тажрибалар тўплайди, дунё, теварак-атроф ҳақида яхлит тасаввурни шакллантириш, болаларнинг ўз-ўзини намоён этиши борасидаги ҳаракати, интилишларини рағбатлантиришга қаратилади. Бу борада эстетик мазмундаги машғулотлар асосий ўринни эгаллайди, яъни бу ёшдаги болаларда олам ҳақидаги илмий дунёқараш элементла-

рини, тасаввурларини шакллантиришда бадий-эстетик мазмундаги машғулотлар устувор аҳамият касб этади. Чунки улар ҳаммага, барча ёшдагилар учун ҳам умумий ҳисобланади. Зеро, мусиқий, тасвирий ижодиёт, театр, кино, рақс, адабиёт инсоннинг маънавий маданиятининг ажралмас қисмидир. Айни пайтда, булар инсоният томонидан атроф-муҳитни, замон ва маконни, унинг қонуниятларини, бир сўз билан айтганда, бадий ижодиёт намуналарини ўрганишнинг, ўзлаштиришнинг умумий универсал йўлидир.

Боланинг эстетик мазмундаги машғулот, яъни бадий ижодиётнинг у ёки бу тури билан шуғулланиши — бу жараённинг иштирокчиси ва дунёнинг бир бўлаги сифатида оламни англашлари демакдир. Бу унинг муайян дунёқараши, тасаввурларини шакллантиришнинг педагогик жиҳатдан қафолатланган шаклидир.

Болалар дунёқарашини шакллантиришда мусиқий тарбиянинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, бугунги кунда айнан мусика инсоният ҳаётига энг чуқур кириб борган, ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида бадий-эстетик жиҳатдан юқори таъсир кучига эга. Тарихдан маълумки, буюк қомусий олимимиз Абу Наср Форобий дунёдаги асосий фанларни тўрт гуруҳга бўлиб, шулардан бири мусиқа эканлигини илмий асослаб берган.

Оилада болалар дунёқарашини шакллантиришда бадий адабиётнинг ҳам аҳамияти катта. Буюк шахслар, таниқли ижодкорларнинг ҳаёти билан танишар эканмиз, улар дунёқарашининг шаклланишида, ижодкорлик куртаклари очилишида бадий адабиётнинг ўрни бекиёс бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Шу маънода мактабгача ёшдаги болаларга эртак айтиб бериш, бу жараёни мақсадли таълимий ва тарбиявий тадбир сифатида тақдим этилишига урғу бериш лозим, яъни бола эртакнинг пассив эшитувчиси эмас, балки эртак сюжети асосида оламни фаол англовчи субъект сифатида қабул қилиши лозим. Бу жараёни педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этишда болани эртак сюжетини ўз тафаккурида «қайта ишлаш»га ўргатиш, сюжет бўйича саволлар тузиш ва уларга жавоб топиш, жавоблардан хулосалар яшаш, умумлаштириш орқали шахсий мулоҳазалар билдира олишга ўргатиш муҳим таълимий ва тарбиявий тадбирдир.

Оилада болалар дунёқарашини таркиб топтиришда бадий-эстетик манба — эртакларнинг тарбиявий аҳамияти юқори. Бу жараённинг қиммати шундаки, катта ёшдагилардан фаркли ўлароқ эртак-



даги воқеа-ҳодисалар болалар томонидан у қандай айтилган бўлса, ўшандай қабул қилинади. Бунда яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик кабиларга болалар ўз муносабатларини билдира бошлайди. Ўзларича эртак бўйича у ёки бу сюжетларни тўқий бошлайди, яъни нималарнидир ихтиро қила бошлайди. Шу тариқа болалар дунёқарашда аниқ чизмалар шакллана боради. Булар кўп ҳолларда ижодий характер касб этади. Уларнинг ҳаёлий тасаввурлари ўсади.

Эртаклар мазмуни асосида тасвирий фаолият кўрсатиш тасаввурдаги ҳодисалар, ундаги образларни қайта талқин қилиш, унга ўз «тахрири»ни сингдириш, шахсий фаолиятининг янги қирралари, усулларини ўзлаштиришга кенг йўл очиб беради. Шунингдек, бу жараён болани фикрлашга, ўз тасаввурларини тушунтиришга, пировард натижада мустақил ҳолда фикрлашга ўргатади.

Мустақил фикрлаш дунёни англаш, муайян дунёқарашга эга бўлишнинг дастлабки босқичидир. Зеро, мактабгача ёшдаги болалар тажрибасида тасвирий фаолиятнинг улуши катта. Шу боис мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларнинг нафақат умумий дунёқарашларини шакллантириш воситаси, балки уларнинг умумий ривожланиши, муҳим ижтимоий ҳодиса — мактаб таълимига тайёрлаш воситаси сифатида қараш жоиз. Зеро, таълим йўналишлари, тамойиллари, унинг мазмуни, услублари қанчалик такомиллаштирилмасин, болалар мустақил фикрлашга ўргатилмас экан, уларнинг билими онгли, мустаҳкам бўлмайди, демак, унинг амалий татбиқи ҳам оксайди.

Мустақил фикрлаш ҳақида мулоҳаза юритар экан, ҳар бир фан соҳаси вакили айнан ўша дамни бу борада устун қўйишга интилади. Бу ҳолат мактабгача ёшдаги болалар «бисоти»даги фаолият турларига ҳам боғлиқ. Бунда шубҳасиз, табиий-ижобий маъно бор. Бирок мустақил фикрлаш генезисининг физиологик таҳлили, кузатуви тасвирий фаолиятнинг мустақил фикрлашда одамнинг, кейинчалик инсоннинг ички руҳиятига табиий-физиологик жиҳатидан энг яқин фаолият эканлигини англаш кийин эмас.

Фактларга мурожаат этамиз. Улғаяётган болаларнинг онгидаги дастлабки фикрлар айнан тасвир воситасида «баён этилади». Бу оддий қалам, ручка, фломастерда бажарилган турли чизиқлар, бўёқлардаги турли суртмалар тарзидаги кичик ҳикоялар, фикрлар тасвиридир. Фақатгина оддий кўз, махсус йўналтирилмаган нигоҳ бу фикрларни «ўқий олмайди». Чунки бу фикр «бошқа тилда битилган». Болалар-

нинг эшитган эртаклари, кўрган мультфильмларига ўз имкониятлари даражасида иллюстрациялар ишлаши фикр билдиришнинг, демакки, дунёни англашнинг бир шаклидир.

Ҳамма ҳам рассом бўлмайди. Бунга ҳожат ҳам, эҳтиёж ҳам йўқ. Рассом деган тушунчага эътибор қилайлик. Одатда, уни санъат тушунчасига қиёслашади. Санъат тушунчаси, ўз навбатида, инсон фаолиятининг барча соҳаларига татбиқ этилади. Қайсики, у ўз фаолиятини юксак маҳорат билан бажара олса, бу маҳсулотни санъат асарига қиёслашади. Яхши маҳсулотнинг замирида нафақат маҳорат, малака, балки фикр ҳам ётади, айнан аниқ мазмун ва йўналишга эга бўлган фикр одамни инсонийликка, оддий индивидни маҳоратлиликка йўналтирувчи «етакчи куч» вазифасини ўтайди. Рассомнинг асари фикр, тафаккур, фикр бўлганда ҳам алоҳида ҳолларда яқка тартибда мустақил фикрнинг мевасидир. Чунки рассом ўз асарини мустақил бажаради. Асарига нисбатан ўз фикрини тўла-тўқис баён этиб бўлмасдан уни бошқа бировга кўрсатмайди. Уни ҳаттоки ўзидаги «бегона фикр»дан ҳам (бошқа асарнинг мазмуни ва композициясига оид фикр)дан ҳам қизғанади, асрайди. Шу боис асар яқунлангунга қадар унинг устидан ишламаган пайтларида устидан парда тортиб кўздан пана қилади. Демак, у рассом мустақил фикрловчи субъект сифатида мустақил фикр объекти – санъатнинг ёркин вакили сифатида эътироф этилади. Ўз ҳолича «асар» яратаётган болага ҳам шу жиҳатларнинг айрим хусусиятларини қўллаш мумкин. Фақат буни барча баробар қабул қила олмайди. Бунинг сабабларидан бири сифатида айримларда мустақил, соғлом фикрнинг ожизлиги сабаб бўлади. Бу ожизликнинг негизи каерда? Унинг бошланғич босқичини топиш ва бартараф этиш чоралари борми? Албатта бор. Уни таълимнинг барча бўғинларидан қидириш керак. Бу бўғинларнинг исталган бир бўлагидаги мустақил фикрлашнинг, бадий-эстетик фаолият орқали дунёни англашнинг оқсашига, пировард натижада таълимнинг кейинги бўғинларида кенг маънода бадий тафаккурнинг етишмовчилигига олиб келади.

Мактабгача ёшдаги болаларда илмий дунёқараш элементларини шакллантиришда оламни, борлиқни, ҳодиса, жараён ва буюмларни англаб идрок этиш малакаларини таркиб топтириш муҳим аҳамият касб этади. Мактаб таълимига яқинлашган сари болаларнинг атроф-муҳитни идрок этиш қобилиятлари сезиларли даражада ривожлана боради. Уларнинг қизиқиш кўламлиги барқарорлаша

бориб, фаолиятлар борасидаги дастлабки табақалашувлар содир бўла бошлайди. «Болалар бадий образларни қандай бўлса, ўшандай тарзда эстетик жиҳатидан англаб уни баҳолай бошлайдилар»<sup>1</sup>. Шу тариқа нафақат у ёки бу тур, жанрдаги санъат асарини, дунёни, оламни англаб ўзлаштира борадилар.

Мактабгача ёшдаги болаларда дунёқараш элементларини шакллантиришда эстетик онг ҳам муҳим аҳамият касб этади. «Эстетик онг – бевосита ижтимоий борлиқ, табиат ва санъат билан мулоқот қилиш жараёнида шаклланадиган бу қарашлар, ғоялар, назариялар, бадий мулоҳазалар мезонлари эстетик идрок этиш мажмуасидир»<sup>2</sup>. Эстетик онгнинг асосини эса эстетик идрок этиш ташкил этади. Эстетик идрок этиш – бу атроф-муҳитдаги ҳодисалар, жараёнлар, буюмларнинг эстетик моҳиятларини ўзларида акс эттириши хоссаси бўлиб, у бир вақтни ўзида ҳиссий ҳамда хусусий аҳамият касб этади, бу икки жиҳатнинг узвий алоқасида содир бўлади. «Тўлақонли эстетик идрок этиш фақатгина эстетик тушунча ва мулоҳазаларнинг бир бутунлигида мумкин бўлади»<sup>3</sup>.

Эстетик идрок этишда болаларнинг индивидуаллиги, дунёни, оламни англашга бўлган шахсий мойилликлари, қизиқишлари негизида дунёқарашни мазмунининг тамойиллари намоён бўлиб, шаклланиб боради. Бироқ, И. А. Павлов таълимотига кўра, физиологик меъёрлар нуқтаи назаридан инсонларнинг асаб тизими фаолиятига биноан теварак-атрофни идрок этиш бадий ва тафаккурий турларга бўлинади. Биринчи гуруҳга мансублар ташқи дунёни жуда зийрак қабул қилади ва биринчи сигнал бевосита асосий омил вазифасини ўтайди. Бу тоифадагилар образлар, бевосита бадий асарлар таъсирига тез берилади.

Иккинчи тоифадагилар ўзининг таҳлилий фаолияти билан аввалгиларидан ажралиб туради ва иккинчи сигнал тизими – сўз ва ҳодисаларнинг таҳлили ҳамда умумлаштирилишига асосланади<sup>4</sup>. Оламни, борлиқни, ҳодисаларни ва жараёнларни идрок этишдаги бундай тафовутларнинг дастлабки кўринишлари илк бор мактабгача ёшдаги болаларда намоён бўла бошлайди. Шунинг учун айнан болаларнинг

<sup>1</sup> Дошкольная педагогика. Учебное пособие. Под редакцией В. И. Логиновой и П. Г. Саморуковой. Ч1. 2-е издание, исправ. и доп. – Москва: Просвещение, 1988. – С. 142.

<sup>2</sup> Ўша манба. – С. 231-б.

<sup>3</sup> Ўша манба. – С. 232.

<sup>4</sup> Сорокина. Дошкольная педагогика. – Москва: Учпедгиз, 1958.

идрок этиш типи бадий ёхуд тафаккурига қараб уларда дунёқараш элементларини шакллантириш муҳим педагогик аҳамиятга молик масаладир.

Кузатишлар таҳлилларига асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, ўзбек оилаларида вояга етётган болаларнинг кўпчилиги биринчи сигналларга асосланган идрок механизмларига эга. Жумладан, уларнинг дунёқарашини шакллантиришнинг муҳим омили – эстетик тасаввур компонентлари: ранг, шакл, оҳанг, мазмун ва ҳ.к. кўп ҳолларда образлар орқали шаклланади. Булар аста-секин эстетик тасаввурдан эстетик эҳтиёжга айланиб боради. Бу эҳтиёжнинг шаклланиш жараёнини мазмун жиҳатидан тўғри йўналтириш мактабгача ёшдаги болаларда дунёқарашнинг таркиб топишида муҳим ўрин тутади. Мактабгача ёшдаги болаларда дунёқарашнинг шаклланиши ақлий тарбия билан боғлиқ таълимий ва тарбиявий жараён бўлгани учун теварак олам ҳақидаги билимлар тизимининг энг оддий асослари ҳақидаги тасаввурлар ҳодисаларни англаш билан кечиши лозим.

Мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввур, дунёқарашнинг шаклланишида мунтазамлик етакчи тамойиллардан бири бўлиши лозим. Чунки мактабгача таълим мауссасасига қатновчи болалардан фарқли ўларок, оила шароитида улғаяётган болаларда эстетик мазмундаги машғулотлар (атроф-муҳит билан танишиш, тасвирий фаолият, мусиқий фаолият ва б.) мунтазам тарзда ўтказилмайди. Шунинг учун ота-оналардан нафақат ўз фарзандларининг эстетик мазмундаги машғулотлари доимийлиги, мунтазамлигини, балки уларни мазмун жиҳатдан такомиллаштириб боришлари талаб этилади.

Психологик тадқиқотлардан маълумки, мактабгача ёшдаги болаларда ақлий ривожланиш, яъни дунёқарашнинг шаклланиши даражаси юқори бўлса, бу тоифадаги болалар атроф-муҳитдаги нарса, ҳодиса, жараёнларнинг нафақат ташқи, кўргазмали белгиларини, балки уларнинг мазмуни, ички тузилиши, мавжуд алоқалари ҳақидаги билимларни муваффақиятли ўзлаштирадilar.

П. Я. Галперин ва Н. Ф. Тализинанинг тадқиқотларида мактабгача ёшдаги болаларда ақлий фаолиятни махсус эстетика асосида босқичма-босқич ривожлантириш воситасида айрим ақлий кўрсаткичларни мактабгача таълим ёшидаги болалар даражасида шакллантириш мумкинлигини кўрсатган. Бу жараённинг психологик ва педагогик хусусиятларига кўра дунёқарашнинг шаклланишида нафақат мурак-

каб, балки энг оддий ҳолат, нарса, ҳодисалар ҳам аҳамиятлидир. Шу маънода, болаларда дунёқарашни шакллантиришда эстетик тасаввур элементларидан фойдаланиш муҳимдир. Бу педагогик-психологик жиҳатдан бир қатор қулайликларга эга. Биринчидан, эстетик мазмундаги машғулотлар болаларнинг қизиқишларига мос тушади. Иккинчидан, улар объектлар, жараёнлар ва ҳодисаларни англашнинг нисбатан осон шаклидир. Масалан, ранглар: буюмларнинг ранги, нима учун бирор буюм айнан шундай рангга бўялганлиги, табиат эстетикаси, ҳар бир фаслнинг ўзига хос ранглари, табиатнинг (фаслларнинг) алмадиниши; шакл: буюмлар, маҳсулотнинг шакл жиҳатдан гўзаллиги, унинг айнан хусусиятига кўра шундай шаклга эга бўлиши (машина, самолёт, телевизор, телефон ва ҳ.к.) ҳақидаги тасаввурлар дунёқарашни шакллантиришнинг самарали кўринишидир.

Бола ривожланиши жараёнида ўсиб улғаяр экан, катталарнинг кўмагида буюмларни ишлатишни ўргана боради. Масалан, масофадан бошқариш пулти орқали телевизорни улаш, уни бир каналдан иккинчи каналга ўтказиш, шунингдек, бир рангдан иккинчи рангни ажратиш, санъат турлари ҳақидаги элементар тасаввурларга эга бўлиш (бу театр, бу кино, бу тасвирий санъат асари, бу ашула ва ҳ.к.) ҳам эстетик мазмун воситасида дунёқарашни шакллантириш йўлидир. Зеро, уларнинг ҳар бирида ижтимоий ҳаётнинг муайян қирралари акс этган бўлади.

Бу жараёнда умумийдан хусусийга ўтиш, буюм, ҳодиса ва жараёнларнинг таркибий компоненти (элемент)ларини англашга ўтиш, эстетик тасаввурлар воситасида дунёқарашни шакллантиришда Н. Я. Галперин ва Н. Ф. Тализинанинг таълимий ғояларидан (босқич-ма-босқич шакллантириш) фойдаланиш имконини беради.

Мактабгача ёшдаги болаларда уларнинг эстетик тасаввурлари, билимлари асосида дунёқарашни шакллантиришнинг турли шакллари бор. Улардан тасвирий санъатнинг санъат тури эканлигини, унда муайян мазмун ва моҳият мавжудлигини тасаввур этиш, англаш биринчи жиҳати бўлиб, тасвирий санъатнинг турларидан рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик мавжудлигини, уларнинг бир-биридан фарқловчи элементар белгиларини ажрата олиш – иккинчи жиҳат, унинг ҳар бир турининг ўз йўналиши – манзара, портрет, натюрморт, батал, маиший, анималистик мавжудлигини билиш ва муайян асарнинг қайси йўналишга тааллуқли эканлигини ажрата билиш – учинчи

жиҳат ва ҳ.к. Буларнинг барчаси маълум тизимдаги билимлар мажмуасини тавсифлайди.

Яна бир мисол, рангтасвирнинг натюрморт жанрида кўп ҳолларда буюмлар тасвирланади. Уларнинг ўзига хос шакллари мавжуд: чойнак, олма, тарвуз, анор ва ҳ.к. шарсимон; китоб – тўртбурчак; лаган – ясси, айланасимон; пиёла, коса – гумбазсимон, яримшар; қозу – овалсимон; кўза – шарсимон ва цилиндрсимон ва ҳ.к. Шу тариқа нисбатан тузилиши жиҳатидан мураккаб бўлган буюмларнинг тузилишини идрок этиш, англаш, уларни қисмларга ажратиш бўйича малакалар шакллантириб борилади.

«Болаларда буюмларнинг шаклини ўрганиш малакаларини шакллантириш уларнинг ақлий ривожланишининг кейинги босқичлари учун муҳимдир. Дастлаб болалар буюмларни уларнинг умумий жиҳатлари бўйича таққослайдилар, кейин уларнинг асосий қисмларидаги муайян кетма-кетликни алоҳида ажратиб кўрсатадилар»<sup>1</sup>. Бу ўзига хос тушунарли билим олиш жараёни бўлиб, болаларнинг ақлий таҳлил фаолиятини турли шаклларда, масалан, тасвирлаш, сўзлаб бериш ва шу кабиларни шарҳлашга ўрганиб боради. Уларда бу билан ҳам эстетик тасаввур, ҳам дунёқараш воситалари таркиб топа боради. Болаларда дунёқарашни шаклланишида айнан кузатиш, идрок этиш, таҳлил қилиш воситалари қиёслаш, таққослаш (масалан, тарвуз ёки чойнак шаклига кўра шарсимон ва ҳ.к.) муҳим ички жараён ҳисобланади.

Таниқли психолог олим А. В. Запорожец<sup>2</sup> бу жараённинг психологик жиҳатларини очиб берар экан, буюмлар, ҳодисалар, жараёнларнинг ташқи жиҳатлари – шакли, ранги, тузилиши маълум даражада унинг моҳиятини ҳам англаштиришни, шу боис болаларни буюмларнинг ташқи хусусиятлари билан ички мазмунининг муштараклигини англашга ўргатиш ақлий ривожланишнинг муҳим жиҳатларидан бири сифатида тавсифлайди.

Юқорида келтирилган ҳулосани умумий жиҳатдан давом эттирган ҳолда, тасвирий санъатнинг рангтасвир жанрида йил фасллари тасвири воситасида юзаки қараганда айнан унинг ранги орқали манзара-

<sup>1</sup> Основы дошкольной педагогика. / Под ред. В. Запорожца, Т. Марковой. – Москва, 1980.

<sup>2</sup> Запорожец А. П. Значение ранних периодов детства для формирования детской личности (возрастная и педагогическая психология)// сост. и коммент М. О. Шауре. – Москва, 1992.

нинг қайси фаслга тегишли эканлигини англаш мумкин. Бу ташқи хусусият. Ўил фаслларининг алмашиш тартиби унинг ички мазмунини, яъни ранглар қарига яширинган мазмунни англашга ўргатади. Бола табиат ва оламнинг алмашиниши ҳақидаги объектив қонуниятни англаб боради. Бу эстетик тасаввурларнинг шартли равишдаги ташқи хусусияти бўлиб, умуман, бола шахсини таркиб топтириш, унинг дунёқараши шаклланишида шартли равишда ички хусусиятдаги аҳамиятини яна бир қарра таъкидлайди.

## **2.2. Мактабгача ёшдаги болаларда бадий-эстетик тасаввурларни шакллантиришга интегрatív ёндашиш<sup>1</sup>**

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсоният фаолияти билан боғлиқ барча соҳаларда интеграциялаштириш, инновацион ёндашувлар бу жараёнларнинг истиқболлини белгилаб берувчи омиллар сифатида қаралмоқда. Таълим тизими, жумладан, мактабгача таълим бундан мустасно эмас. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болаларда тасвирий фаолият бўйича саводхонлик элементларини шакллантиришнинг муҳим компонентларидан бири — болаларда бадий-эстетик тасаввурларни шакллантиришга интегрatív ёндашиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ўзгаришлар мазмунида тарихий, миллий, маънавий қадриятларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, ёш авлодда ўзи туғилиб ўсган юртнинг тарихи, маданияти, санъати ва, айниқса, меъморий ёдгорликлари билан фахрланиш туйғусини таркиб топтиришда тарихий обидаларни ўрганиш юксак тарбиявий аҳамиятга эга.

Меъморлик иншоотлари халқнинг гўзаллик идеаллари ва жамиятнинг моддий эҳтиёжларидан ташқари, ўша давр ижтимоий ҳаёти-

<sup>1</sup> Монографиянинг мазкур қисмида Т. Н. Қори Ннэзий номдаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган «Тасвирий фаолият машғулотларининг янги мазмуни ва методикасини ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий асослари («Болажон» таянч дастури асосида)» мавзусидаги Ф1-ҚХ-0-17694-рақамли фундаментал илмий лойиҳа (лойиҳа раҳбари педагогика фанлари номзоди, катта илмий ходим А. П. Сулаймонов) материалларидан фойдаланилди.

даги асосий ғояларни, ҳаёт тарзи, одамларнинг дунёқарашини, уни қурдирган шахсларнинг орзу-истакларини ҳам ифода этади. Шунда маънода ҳаётни, кишилар фаолиятини ўрганишнинг асосий манбаларидан бири сифатида меъморлик обидаларининг ўрни бекиёс. Уларни кўриш, билиш ўша давр сиёсатини, кишиларнинг турмуш тарзи, маънавий қарашларини, уларнинг мақсадларини билиш демакдир. Меъморлик обидалари ўзининг салобати, гўзаллиги, ранги ва нақшинкор безаклари билан ўша давр санъати ва кишиларнинг эстетик идеаллари ҳамда бадий маҳоратлари ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлиш имконини беради.

Меъморлик обидаларининг тарбиявий аҳамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг синтетик соҳа эканлиги, яъни, биринчидан, ҳам моддий, ҳам маънавий қадрият сифатидаги жиҳатлари, иккинчидан, уларнинг бунёд этилишида турли касб эгалари иштирок этиши ҳамда тасвирий ва амалий санъатнинг турли соҳа (тур)лари, жанрларига оид безаклар билан зийнатланганлиги билан тавсифланади.

Мактабгача ёшдаги болаларда бадий-эстетик тасаввур элементларини шакллантиришнинг тарбиявий тизимида жараёнга интегратив ёндашиш муҳим аҳамият касб этади. Бу интегративликнинг таркибий компонентлари сифатида фаолият турлари (масалан, тарихий обидаларга экскурсия – атроф-муҳит билан танишиш ҳамда улардан олган таассуротлар асосидаги фаолият – тасвирий фаолият билан шуғулланиш ва ҳ.к.) ўртасидаги синтетик жараёнларни таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мактабгача ёшдаги болаларни меъморий обидалар билан таништириш воситасида уларда бадий-эстетик тасаввур элементларини таркиб топтиришга йўналтирилган тарбиявий жараённинг самарали кечиши уларнинг назарий ҳамда амалий характер касб этиши билан боғлиқ. Бу йўналишдаги машғулотлар мазмунини – тарихий обидалар, меъмор қурувчилар, уста-ҳунармандлар, наққошлар ёки ҳаттотлар ҳақидаги тарихий маълумотлар, ривоят ва афсоналардан фойдаланишдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ. Бундай материаллар воситасида тарбиячи бевосита иллюстратив материаллар, болаларбоп ҳикоятлар асосида болаларда тарихий тафаккур, бадий-эстетик тасаввур элементларини таркиб топтиришлари мумкин.

Болаларни меъморий обидалар билан таништиришга оид машғулотлар жойлардаги меъморий обидаларга уюштирилаётган саёҳат-



лар шаклида амалга оширилади. Саёҳатлар бевосита объектни реал тарзда кузатиш ва шартли равишда «сиртки экскурсия» (турли видеороликлар, хужжатли ва оммабоп фильмлар, иллюстратив материаллар билан таништиришга асосланган машғулотлар) тарзида амалга оширилиши мумкин. Сиртки экскурсия натижасида тошкентлик болаларни Самарқанддаги, самарқандлик болаларни Бухородаги, хивалик болаларни Шаҳрисабздаги меъморий обидалар билан таништириш мумкин.

Меъморий обидалар воситасида болаларда бадний-эстетик тасаввур элементларини шакллантириш жараёнининг интегратив асосларида меъморий обидалар билан танишиш, улар ҳақидаги маълумотлардан олган таассуротлар асосида тасвирий фаолият билан шуғулланишда тарбиявий самара юқори даражада бўлганлиги кузатувлар натижасида ўз исботини топди.

Таъкидлаш жонзки, меъморий обидаларга уюштириладиган экскурсияларни тематик тарзда ташкил этиш тарбиявий жараённинг икки томонлама самарали кечишини таъминлайди, яъни бу жараёнда болалар ҳам меъморий обида, ҳам унинг таркибида жойлашган музейдаги экспонатлар билан танишиш воситасида уларда тасаввурларни шакллантириш жараёни самаралироқ кечади. Зеро, боланинг идрок этиш органлари ичида кўриш қобилияти билан боғлиқ омилларнинг аҳамияти катта. Чунки психологларнинг хулосаларига асосан болаларнинг кўриш қобилияти орқали хотирада сақлаб қолиш имкониятлари эшитиш қобилиятига нисбатан 25 баробар ортиқлиги билан эътиборлидир. Шунингдек, жойлардаги кадамжолар — юксак маънавий-интеллектуал салоҳиятли алломалар хотирасига атаб бунёд этилган, қайтадан тикланган ҳамда реконструкция қилинган масканларга уюштирилган экскурсиялар ҳам тарбиянинг муҳим омилларидан биридир.

Меъморий обидалар воситасида болаларда бадний-эстетик тасаввур элементларини таркиб топтиришнинг тавсия этилаётган йўсинда ташкил этишнинг тарбиявий самараси яна шу омил билан тавсифланадики, тажрибали тарбиячилар экскурсия якунлари бўйича болалар билан ўтказган суҳбатлар чоғида кўрганларини хотирасида қайта тиклаш, мустаҳкамлаш, уларга нисбатан шахсий муносабат билдириш каби сифатларни такомиллаштириш, шахсий муносабатларни ўз имкониятлари даражасида бадний образларга айлантириш —

кўрганлари асосида ҳосил бўлган таассуротлари бўйича ҳикоячалар тузиш, тасвирий фаолият воситасида ифодалаш орқали уларнинг он-гига барқарор тарзда сингдирилишига эришишлари мумкин.

Меъморий обидаларга сиртқи ёки натурал экскурсиялар уюштириш ва унинг натижаларини фаолиятнинг бошқа турларида ифодалаш воситасида мактабгача ёшдаги болаларга таълим ва тарбия бериш жараёнини турли дидактик ўйин элементлари билан бойитиш орқали унинг тарбиявий самарасини сезиларли даражада ошириш мумкин. Зеро, мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг дунёни, атроф-муҳитни, шу жумладан, меъморий обидаларни идрок қилиш жараёни – кўриш, эслаб қолиш, тасаввурида қайта тиклаш ва қайта тикланган образлар воситасида нарса ва ҳодисаларни англаш жараёни кечади. Бу мураккаб психологик жараён бўлиб, унда турли дидактик ўйинлардан фойдаланиш объектларни, хусусан, меъморий обидаларни идрок этиш ҳамда баҳоли қудрат тасвирлаш воситасида уларни бадий-эстетик қадрият объекти сифатида англаш жараёни самарали кечиши таъминланади. Агар атроф-муҳит, жумладан, меъморий обидалар билан танишиш жараёни монотон тарзда, зерикарли кўринишда амалга оширилса, шубҳасиз, унинг тарбиявий самараси паст бўлади. Шунинг учун болаларни меъморий обидани шунчаки томоша объекти эмас, балки кузатилаётган, ўрганилаётган объектнинг тарихлар силсиласидаги вақт, давр, замоннинг образи; меҳнат ва халқнинг турмуш тарзи белгилари; маданият, моддий қадриятнинг миллий-маънавий намунаси; меъморий, амалий санъат ҳамда хат-тотлик санъатининг синтези намунаси, бир сўз билан айтганда, меъморий обидани «очиқ осмон остидаги музей» сифатида интегратив тарзда идрок этишга ўргатиб бориш муҳим таълимий ва тарбиявий аҳамиятга молик масалалар сирасига киради.

Педагогик ва психологик тадқиқотлар натижаларидан маълумки, таълим ва тарбия жараёнига дифференциал тарзда ёндашиш болаларнинг қизиқишлари, лаёқатлари, имкониятларини тўла-тўқис ҳисобга олишнинг педагогик кафолатидир. Болаларни тарихий-меъморий обидалар воситасида тарбиялаш жараёнини тадқиқ этиш натижалари шундан далолат берадики, барча болаларга бир хил мазмун ва шаклдаги машғулотларни тавсия этиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки айрим болалар тарбиячининг у ёки бу тарихий-меъморий обида ҳақидаги ҳикоясини диққат билан эшитади. Бироқ унга шахсий муносабат

билдирмайди, яъни эшитиш орқали идрок этилган образ юзаки тасаввур тарзида қолиб кетади. Шунинг учун тасаввурни фаоллаштириш, улар асосида фаолиятнинг бошқа турида қайта тикланган ҳолда ўзлаштириш англаш жараёнини такомиллаштиради. Айнан шу жараёнда дифференциал ёндашиш, яъни кимдир шакллар, яна кимдир ранглар билан боғлиқ дидактик ўйинларга жалб этилса, мақсадга эришиш осон кечади.

Болаларни тарихий-меъморий обидалар билан таништириш ва уларни тасвирлашга ўргатишнинг тарбиявий аҳамияти шундан иборатки, болалар ўз таассуротларини тасвирлаш, ҳикоя қилиш жараёнида ўз сўзи, яратган «асари» учун жавоб бериш, билишга бўлган ҳаракат фаолиятини фаоллаштириш, жамоада фаолият кўрсатиш, катталар (тарбиячилар) билан мулоқот қилиш орқали нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини англаб боради. Болаларни тарихий-меъморий обидалар билан таништириш ва тасвирлашга ўргатишнинг тарбиявий аҳамияти шундан иборатки, тарбия негизида таълимий жараёнлар содир бўлади. Меъморий обидаларда қўлланилган турли элементлар – шакллар (шарсимон, ярим шар – гумбаз; тўртбурчак – пешток; цилиндр, кесик конус – минора), турли тасвирлар ва безаклар, ёзувлар ҳамда рангларни классификациялаш жараёнида уларда муайян билимлар, кўникма ва малакалар таркиб топиб боради, тасвирлар, шакллар, рангларни меъморий обида элементлари сифатида интегратив тарзда тизимли идрок этиш объектларни синтетик ўзлаштиришга асос бўлади. Бу борада мактабгача таълим амалиётчилари Ю. М. Апаткина ва П. Е. Андрианованинг кузатишлари диққатга сазовор. Уларнинг таъкидлашича, онгнинг символик функциялари ривожланиши билан продуктив ижодий фаолият негизлари шаклланади, креатив фикрлаш элементлари таркиб топиб боради. Бу сифатлар ҳам таълимий, ҳам тарбиявий аҳамиятга молик омиллардир.

Тарихий обидалар инсон идроки ва тафаккурига кучли таъсир кўрсатадиган, онги ва шууридан чуқур ўрин эгаллайдиган санъат дурдоналаридир. Бола тарихий обидалар билан танишар экан, бобокалонларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини образли-иллюстратив тарзда англаб боради. Улар ушлаган, яратган нарсаларни қўли билан ушлайди, миллий колоритни ҳис этади. Ўзини улкан маданиятга дахлдорлигидан қувонади, боболар меросининг гўзаллигидан ҳайратланади ва улар билан фахрланади. Шунинг учун тарихий обидаларни тасвир-

лаш орқали болалар нутқини меъморий ёдгорликларга оид атамалар билан бойитиш, турли тадбирлар асосида болаларда бадний-эстетик тасаввурларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Мактабгача таълим муассасаларида болалар билан меъморий обидаларга саёҳат уюштириш, аждодларимизнинг улкан меҳнатлари эвазига қад ростлаган ушбу осори атикалар, тарихий меъморий қадриятлар таълим-тарбиянинг ниҳоятда кучли воситалари ҳисобланиб, улар бола эстетик оламига, рухий дунёсига бениҳоя кучли таъсир кўрсатади. Одатда, бундай саёҳатга борган болалар ундан олган гўзал таассуротларини бир умр унутмайдилар.

Ўзбек халқининг миллий маданият ва санъат тизимида Ўзбекистон нақшу нигорларининг ўрни бекиёс. Шундай жилвадор, мазмунли нақшлар меъморий обидаларда ҳам кўплаб учрайди. Болаларни меъморий обидалар билан таништириш жараёнида улардаги нақшинкор безакларнинг мазмуни ва моҳиятини англашга ўргатиш бадний-эстетик тарбиянинг муҳим омилларидан биридир. Зеро, аждодларимиз меъморий обидаларга, уларнинг безакларига ўзларининг қалб кўрлари, орзу-истакларини, фалсафий, диний ва маънавий-ахлоқий мушоҳадаларини, эстетик тасаввурларини сингдирганлар.

### **2.3. Мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда оила институти фаолиятининг мазмунини белгилашнинг дидактик талаблари**

Комил инсон таълим-тарбиясининг дастлабки пойдевори оилада қўйилади. Инсон маънавиятида маданият ва санъат ўзига хос таъсирчан ҳамда самарали восита сифатида алоҳида аҳамиятга молик. Оила маънавияти, маданияти, оиладаги психологик муҳит, унинг бадний-эстетик тамойиллари болаларда турли мазмундаги тушунча ва тасаввурларни шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди.

Ойлада болалар эстетик тасаввурларни шакллантириш борасида оммабоп тавсиялар, бу жараённинг мазмунини белгилашга қўйилган педагогик ва психологик талаблар ишлаб чиқилмаганлиги, қолаверса, бу дидактик жиҳатдан ўта мураккаб жараён эканлиги боис республи-

камизда оммабоп кўрсатмалар амал қилмайди. Бу мураккабликни бир қатор омиллар билан тавсифлаш мумкин.

Биринчидан, мунтазам фаолият кўрсатувчи мактабгача таълим муассасасига қатновчи болаларда нафақат эстетик тасаввурларни, балки олам ҳақидаги тушунчаларни шакллантиришга қаратилган махсус машғулотлар комплекси мавжуд бўлиб, унинг меъёрий асослари «Мактабгача таълимнинг давлат талаблари»<sup>1</sup>, дастурлари<sup>2</sup>, «Болажон» таянч дастури<sup>3</sup> каби бир қатор услубий қўлланма ва тавсиялар мавжуд. Бу дастур асосидаги машғулотлар мунтазам тарзда, белгиланган кун ва соатларда олиб борилади.

Иккинчидан, мактабгача таълим муассасаларидаги машғулотларни, асосан, махсус маълумотга эга мутахассис-тарбиячилар олиб боради. Улар ўз фаолиятини юқорида қайд этиб ўтилган меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этишга маъсулдир.

Учинчидан, фарзанди мактабгача таълим муассасасига қатновчи ота-оналар муассаса талаблари бўйича муайян йўналиш бўйича у ёки бу материални олиб бериш кабиларни қатъий тарзда бажаришлари талаб этилади. Бу омил мактабгача таълим ёшидаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда мактабгача таълим муассасасига қатнамайдиган болалардан бирмунча илғор бўлишини таъминлайди.

Тўртинчидан, мактабгача таълим муассасаларида мунтазам тарзда олиб бориладиган машғулотлар ягона мақсад – болаларни мактаб таълимига тайёрлаш билан боғлиқ. Улар дидактик ташкил этилиши нуқтаи назаридан ўзаро алоқадорликда олиб борилади. Масалан, «Тасвирий фаолият» машғулотлари болаларни бадий-тасвирий ижодий фаолият асослари билан таништиради, бу машғулотлар орқали болаларда ёзиш, чизишга оид кўникма ва малакалар шакллантирилади, бунинг учун қўл мушакларини ривожлантириш таъминланади, атроф-олам ҳақидаги, табиат, йил фасллари ҳақидаги тасаввурлар шакллантирилади.

Юқорида келтирилган омиллар оилада мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш мазмунини ишлаб

<sup>1</sup> Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 2000; Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари. // «Мактабгача таълим» журнали, 2000, 1-сон. 9–12-б.

<sup>2</sup> Мактабгача таълим муассаса учун дастурлар. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 1995.

<sup>3</sup> «Болажон» таянч дастури. / Тузувчилар С. Миржалилова, М. Расулова, Д. Шарипова ва б. – Тошкент: Сано-Стандарт, 2010. – 132 б.

чиқиш учун муайян педагогик талаблар, мезонларга асосланиш лозимлигини таъкидлайди.

Оилада эстетик тасаввурларни шакллантиришда маданият ва санъатнинг ўрни бекиёсдир. Шунинг учун оила шароитида мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг мазмунига қўйиладиган педагогик талаблар, уни танлаб олиш ва белгилаш мезонларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Бу талабларга амал қилиш бир қатор педагогик омиллар билан тавсифланади:

– оилада болаларнинг эстетик тасаввурларини шакллантиришда амал қиладиган талаблар, улар асосида ишлаб чиқилган дастурларнинг йўқлиги;

– оилада ўз фарзандларини мактаб таълимига мустақил тайёрлаётган ота-оналарнинг барчаси ҳам махсус педагогик ва психологик маълумотга, шунингдек, услубий малакаларга эга эмаслиги;

– оилада амалга ошириладиган тарбиявий ишлар тегишли идоралар, вазирликлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорлари билан ислоҳ қилинмаслиги;

– ўзбек оилаларининг демографик ҳолати ўзгариб бориши эвазига ота-оналарнинг бола тарбиясидаги билим ва малакалари пасайиши;

– ёш оила қуриш, устига-устак уларнинг ота-оналаридан алоҳида яшаши ҳисобига бола тарбиясидаги узвийликнинг бузилиши ва ҳ.к.

Ўзбек оиласида фарзанд тарбияси билан уч авлод (ота-она, бува ва буви, бобо ва ҳ.к.) вакиллари шуғулланган даврдаги таълим-тарбия мазмуни ва сифати, қўлланиладиган усул ва воситаларнинг турлари, сифатига нисбатан олганда алоҳида яшаётган ёш ота-оналар тарбиялаётган фарзандларнинг дунёқараши, шу жумладан, уларнинг эстетик тасаввурларини шакллантириш барча ҳолатларда ҳам кўнгилдагидек бўлавермайди. Шунинг учун оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш педагогик жараён сифатида муайян мезонларга асосланиши лозим.

Биринчидан, педагогик мезоннинг энг асосийси, оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш, аввало, болаларда илмий дунёқарашни шакллантириш, уларни мактаб таълимига тайёрлаш деб қабул қилиш лозим.

Болаларда илмий дунёқарашни шакллантиришда турли омиллар турлича таъсир этади. Бу омиллар ичида оила энг асосийси ҳисобланади. Зеро, болада тасаввур, тушунчаларнинг шаклланиш жараёни

айнан оилада бошланиши ва бу давр дунёқараш шаклланишининг ҳам мазмун, ҳам ҳажм, ҳам сифат жиҳатдан энг салмоқли босқичи эканлигини илмий далиллар билан тавсифлаб ўтдик. Шунинг учун тушунча ва тасаввурларни шакллантиришда мактабгача ёш даври асосий давр ҳисобланади. Бу тушунча ва тасаввурлар тизимида эстетик тасаввурлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин. Эстетик тасаввур нима? Унинг мазмуни, шакли, шакллантириш методикаси қандай бўлгани маъқул? Баркамол шахс тарбиясида эстетик тасаввур ва тушунчаларнинг ўрни қандай белгиланади? Умуман, маданият, санъат, гўзал воқеа ва ҳодисаларни эстетик идрок этиш ва уларга баҳо бера олиш ҳисси баркамол шахсни шакллантириш тушунчасида қандай ўрин эгаллайди? Бу саволларга биригина мисол билан жавоб бериш мумкин.

Инсоният тарихини кузатар эканмиз, энг машҳур, ақлий салоҳияти юқори, маънавий етук инсонлар (Фаробий, Ибн Сино, Амир Темир, Жомий, Навоий, Бобур ва бошқалар) айнан маданият ва санъат соҳасида ҳам ўзига хос салоҳиятга эга бўлганлар. Бизнинг тарихий ўтмишимизда бунга ибратли мисоллар кўп. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, маданият ва санъат алломаларнинг комилликка эришишларида муҳим аҳамият касб этган. Бу омилни тарбияшуносликнинг ибратли услубларини қўллаш жараёнида фойдаланиш мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг мазмунини белгилашдаги муҳим шартлардан биридир. Шунинг учун болаларда оиладан бошлаб эстетик тасаввур ва тушунчаларни шакллантириш, унда ибратли намуналардан ҳам оқилона фойдаланиш бўлажак маънавиятли, маданиятли кишини тарбиялашнинг дастлабки, айти пайтда, энг муҳим мақсадидир.

Оилада болаларнинг эстетик тасаввурларини шакллантиришнинг энг асосий шакли санъат турлари ҳақидаги маълумотлар, бадий-эстетик қонуниятлар ҳақида элементар билимларни таркиб топтиришдир. Бу борада мусиқа, рақс, театр, кино, тасвирий ва амалий санъат, миллий бадий ҳунармандчиликнинг тарбиявий имкониятлари беқиёс. Қолаверса, ҳар бир ота-она мазкур санъат турлари ҳақида муайян билим, уларни ижро этиш, фарзандларига амалий кўрсатиш даражасида малакаларга ҳам эгалар. Муҳими, бу кўрсатмаларда «сохталик» бўлмаслиги лозим, Акс ҳолда, у ёки бу санъат тури билан танишиш жараёнида болаларда нотўғри тасаввур шаклланиши бошлаши мумкин.

Дастлабки таассурот таъсир кучига кўра муҳимроқ бўлганлиги боис уни «тўғрилаш» биров мураккаброқ кечиши мумкин.

Оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш мазмунининг таркибий қисмлари ичида ҳам таъсир кучининг юқорилиги, ҳам таъсир воситаларининг турли-туманлиги (радио, телевидение, тўйлар ва бошқа маросимлардаги ижролар, айрим оилалардаги қўшиқ хиргойиси ва ҳ.к.) ҳам таъсир вақтининг кўплиги, мунтазамлик касб этиши ва бошқа жиҳатлари билан мусиқа санъати алоҳида эътиборни, яъни уларни танлаб олишда қатъий педагогик талабларга риоя қилишни талаб этади. Бу талаблар ичида мусикий асарларнинг мазмуни ва моҳиятига кўра айнан мактабгача таълим ёшидаги болаларга мосларини қўллаш ўта муҳим педагогик шартдир. Айрим далилларни шарҳлаш фикримизга исбот бўла олади.

Маълумки, мустақилликка эришганимиздан сўнг ўзбек мусиқа маданияти, санъати кейинги йилларда жуда ривожланиб кетди. Бирок бу ривожланишнинг салбий ҳолатлари ҳам мавжуд. Мусиқа ва рақс санъатидаги бу салбий ҳолатларнинг энг оддий далиллари сифатида кўйидагиларни келтириш мумкин:

– мусиқа санъатига интеграцион жараёнларнинг кенг миқёсида таъсир этиши натижасида миллий мусиқа мазмунининг бузилиши. Эндиликда «ўзбек кўшиғи»ни англаш мураккаблашиб бормоқда. Бу жараёнга қизиқиш ҳолатида айнан англаш мураккаб бўлган кўшиқлар оммалашиб бормоқда. Табиийки, болалар томонидан улар миллий мусикий асар сифатида идрок этилмоқда;

– ўзбек миллий кўшиқлари ва мумтоз ашулаларни оммалаштириш борасида, айни пайтда, маълум ишлар амалга оширилмоқда. Миллий телеканалларимизда бериладиган «Оҳанрабо», «Хониш», «Айтишув», «Беллашув», «Таманно», «Жонли ижро», «Ёшлар куйлаганда», «Олтин микрофон», «Сехрли созлар» каби кўрсатувлардаги, Ўзбекистон радиосининг «Маҳалла» канали орқали берилаётган «Айтишув», «Унутилмас наволар» каби мусикий дастурлар, миллий байрамлар «Мустақиллик куни», «Наврўз» ва ҳ.к.да, шунингдек, бошқа тадбирларда миллий мусиқа санъатини сақлаш, уни тарғиб қилиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Оилада болаларнинг эстетик тасаввурларни шакллантириш нафақат мазмун, балки шакл жиҳатдан ҳам ранг-баранг ҳамда кенг тарбиявий имкониятларга эга. Булар оилавий бўлиб театр, концертларга



тушиш, кўргазма заллари, музейларга, табиатнинг гўзал масканларига бориш каби маданий-маърифий тадбирлар бўлиши мумкин. Бу тадбирларнинг маърифийлик жиҳати шундан иборатки, аввало, ота-она ўзи муайян даражадаги бадий-эстетик билимларга эга бўлиши мақсадга мувофик. Бу ҳам мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришга қўйиладиган педагогик талаблардан биридир. Шундагина улар ўз фарзандларида эстетик тасаввур ва тушунчаларнинг шаклланишига тўғри педагогик раҳбарлик қилишлари мумкин. Бу нуфуз маданий-маърифий тадбирларнинг барча босқичларида ўз самарасини беради. Бундай тадбирларни уюштириш ҳам ўзига хос педагогик ва психологик тайёргарликни талаб этади.

Мазкур таълимий тадбирларнинг биринчи босқичида режалаштирилаётган маскан ва унда кўрилиши назарда тутилаётган объектлар, жараёнлар ҳақида тушунча берилиб, болани ўйлашга мажбур этилади. Шу тариқа у бадий идрок этишга тайёргарлик кўра бошлайди. Бу тадбир бевосита объектни кузатиш жараёнининг (иккинчи босқич) самарали кечишига педагогик кафолат бўлади.

Тадбирларнинг учинчи босқичида кўрилган, кузатилган ходиса, объект муҳокама этилади. Бу усул болаларда кўрганлари ҳақида ўйлаш, фикр юритиш, уларга нисбатан шахсий муносабат билдиришга ундайди. Эстетик тасаввур ва тушунчаларни шаклланишида эса шахсий мулоҳазалар муҳим аҳамият касб этади. Болаларда гўзаллик, нафосат ҳақидаги мулоҳазаларнинг дастлабки куртаклари шаклланади. Бу ҳолатларга зид бўлган белгиларни англай олишни ўзлаштириб боришлари эса эстетиканинг асосий тоифалаш, гўзаллик ва хунукликни фарқлаш кўникмаларини таркиб топтириб боради.

Тадбирнинг тўртинчи босқичи маълум вақт ўтгандан кейин кўрилган, муҳокама қилинганларни эслаш билан боғлиқ. Унинг ташаббускори ҳам айнан ота-оналар бўлади. Халқимизда «Вақт – олий ҳакам» деган ҳикмат бор. Айнан вақт ўтиши билан кўп нарсалар унутилади, хотирада ўрин олган тасаввурлар сараланади. Кўп ҳолларда ижобий, яхши нарсалар ҳам унутилади. Шу нуктаи назардан, оилада болаларнинг эстетик тасаввур ва тушунчалари таркибий қисмини ташкил этувчи хотираларни тиклаш ва мустаҳкамлаш муҳим педагогик жараёндир. Бу тадбир хотира учун ҳам ўзига хос машқ вазифасини ўтайди. Шу боис психология ва педагогикада хотира муаммоси

шахсни шакллангиришнинг муҳим қирраси сифатида тадқиқ этилган. Бу узлуксиз жараён дир.

Таъкидлаш жоизки, бориладиган масканлардаги кўриладиган, кузатиладиган тадбир, объектлар мазмун жиҳатидан ҳам болалар ёшига хос бўлиши лозим. Масалан, 5–7 ёшли болаларни бирор концерт дастурига олиб борилганида, у ерда ижро этилган куй-кўшиқлар, асосан, севги-муҳаббат ҳақида, ахлоқий жиҳатдан фақат балоғат ёшидагиларга хос сўзлар, рақслардан иборат бўлади. Айниқса, бугунги кунда жуда урф бўлиб ва айрим ҳолларда кўшиқларнинг «эротик илова» бўлган рақслар болаларда тўғри ахлоқий-эстетик тасаввурларни шакллангиришга хизмат қилади деб айтиб бўлмайди. Худди шу каби мулоҳазаларни санъатни идрок этишнинг бошқа объектларига нисбатан ҳам айтиш мумкин, яъни улар жойлашган ўрни ва мазмунига кўра танланиши лозим.

Болаларнинг турли кўргазмалар, музейлардаги ҳолатини кузатиш шуни кўрсатдики, XX асрнинг 70–80-йилларига нисбатан бу кўрсаткич, биринчидан, фаоллик нуқтаи назаридан жуда пасайиб кетган. Иккинчидан, унинг мазмуни ўзгарганини исботлаш учун далил сифатида Тошкент шаҳри мисолида иккита омилни санаб ўтамиз.

Биринчи омил – фаолликнинг сезиларли пасайиши. Маълумки, юқорида эслаб ўтганимиздек, XX асрнинг 70–80-йилларида Ўзбекистон Давлат санъат музейида республикамиз ўқувчилари учун махсус курслар ташкил этилар эди. Бу курс бир ўқув йилига мўлжалланган бўлиб, музейнинг малакали илмий ходимлари болаларбоп мавзулаштирилган тўплам ишлаб чиқар ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда уни амалга оширар эди. Бу тадбирларда Санъат музейида сакланаётган буюмлар ҳақида маъруза ҳамда амалий кузатув олиб борилар эди. Шу тарика болалар Антик давр санъати, Европа санъати, XX аср рус санъати, халқ амалий безак санъати, халқ хунармандчилиги, меъморлик тарихи, археология каби бадиий-тарихий қадриятлар билан танишар эдилар. Табиийки, бу билимлар оила шароитида музейга борадиган мактаб ёшидаги акалар, опалардан мактабгача ёшдаги укалар ва сингилларга ўтар ва, таъкидлаш жоизки, бу омил уларда эстетик тасаввурларни шакллангиришда муҳим аҳамият касб этар эди. Муҳими, музей мактабларнинг талаби, эҳтиёжига асосан бирор мавзунини ёритиб боришига ҳам буюртма олар эди. Бу каби ишлар кейинги йилларда амалга оширилмаяпти.

Худди шундай тадбирларни мактабгача ёшдаги болаларни ҳам камраб олган ҳолда бошқа музейлар, шунингдек, вилоятларда ҳам ташкил этиш мумкин. Масалан, Фарғона водийси мисолида Қўқондаги Худоёрхон ўрдаси ўлкашунослик музейи, Наманган ўлкашунослик музейи ва бошқа маданий-марифий масканлари билан ҳамкорликда йўлга қўйиш мумкин. Бу борада, айниқса, Наманган ўлкашунослик музейида катта тажриба тўпланган. Ушбу маданият ва маърифат масканида болаларга вилоят тарихи ва маданияти, санъатини таништириб, уларда эстетик тасаввурлар шакллантириш борасида кенг имкониятлар мавжуд.

Иккинчи омил – томошалар мазмунининг ўзгариши. 2005 йилда Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўرғазмалар залида динозаврлар кўрғазмаси ўтказилди. Унда ҳаракатланадиган бахайбат динозаврларнинг макетлари ўрнатилиб, улар даҳшатли овозлар чиқарадиган мосламалар билан жиҳозланган. Кўрғазмада иштирок этган оталар-оналар, бувиларда у жуда катта қизиқиш уйғотди. Улар ўз фарзандлари, набираларини етаклаб шу кўрғазмани фаоллик ва иштиёқ билан томоша қилишди. Бир қарашда бу табиий ҳолдек туюлади. Биз ўтмишни, жуда қадим тарихни билгимиз келади. Болаларимиз ҳам бундан мустасно эмас. Бироқ масаланинг асл моҳияти бундагина эмас. Агар динозаврлар кўрғазмаси шу залнинг биринчи қаватида бўлган бўлса, унинг иккинчи қаватида ёнма-ён тарзда тасвирий санъат асарларининг кўрғазмаси бўлди. Биз махсус кузатган даврда бир неча кун давомида бирорта ота-она ўз фарзандини иккинчи қаватдаги тасвирий санъат асарлари кўрғазмасига олиб чиқмади. Болаларнинг маънавиятини шакллантиришда иккинчи қаватдаги кўрғазманинг аҳамияти биринчи қаватдагига нисбатан анча катталигига шубҳа йўқ. Бироқ... Шунинг учун нафақат бориладиган маданий объектларни танлаш, саралаш лозим, балки унга ота-оналарни тайёрлашда муайян педагогик мезонларга амал қилиш талаб этилади.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларда эстетик тасаввурларни оилада шакллантиришда қиз ва ўғил болаларнинг шахсий қизиқиш кўламлири, уларнинг мазмуни ва йўналишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Тарбияшунослик тарихидан маълумки, мактабгача ёшдаги қиз ва ўғил болаларнинг эстетик қизиқишларида ўзига хос тафовутлар мавжуд. Ҳатто тарихий ривоятлар ҳам бунга мисол бўлади. Ўғил ёки қиз-

лиги номаълум бўлган икки боланинг бири кўғирчоқни, иккинчиси қилични танлаганлигига қараб, ким қиз бола-ю, ким ўғил бола эканлиги фарқлаб олинган. Бироқ мактабгача ёшдаги ҳам ўғил, ҳам қиз болаларда бир умумий сифат мавжуд. Уларнинг эстетик қизиқишларида тасвирий фаолиятга бўлган интилиш, эҳтиёж энг салмоқлиси ҳисобланади. Ҳар икки жинсга мансуб болаларимиз бир хил қизиқиш билан расм чизадилар. Шунинг учун ота-оналар бу ҳолатга тўғри муносабат билдирсалар, ўз болаларида эстетик тасаввур ва тушунчаларни, муайян тарзда бадиий-тасвирий ижодий кўникма ва малакаларни шакллантириб борадилар, келажакда уларнинг маънавиятли, маданиятли инсонлар бўлиб етишишларига замин яратадилар.

Аслида, тасвирий фаолиятга бўлган қизиқиш бир қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра болаларнинг ёши улғайиб борган сари сусайиб боради. Шунинг учун бу мактабгача ёшдаги қулай вазиятдан самарали фойдаланиш лозим. Шу тарика уларда тасвирий ва амалий санъат ҳақида, унинг тузилиши, жиҳати, ранглари ва турлари ҳақидаги дастлабки тушунчалар таркиб топади. Тасвирий фаолият, композицион тасаввур, ижодий изланиш каби эстетик малакаларга дастлабки замин ҳозирланади. Бу босқичда ота-онанинг масъулияти ўта муҳим омилдир, яъни бу жараёнда улар фарзандларини лозим бўлган шароит, ўқув куроллари, методик кўрсатма ва маслаҳатлар билан таъминлашлари талаб этилади.

Болаларда эстетик тасаввур ва тушунчаларни шакллантиришда уларнинг табиий мойилликлари, иктидорлари мазмунига кўра тўғри йўналтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ота-оналар ўз фарзандларининг хатти-ҳаракатларини мақсадли кузатишлари, лозим бўлган тақдирда улар мутахассисларга маслаҳат сўраб мурожаат этишлари ҳам бу жараённинг муҳим педагогик шартидир.

Оилада эстетик тасаввур ва тушунчаларни шакллантиришнинг мазмуни ва шакллари хилма-хил. Биз уларнинг фақат айримлари хусусида мухтасар фикр юритдик. Болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг турли-туман кўринишлари, ота-оналарнинг билим ва маданияти савияси, оиладаги ахлоқий-эстетик муҳит, оила аъъанаси, атроф-муҳит (кўни-кўшни, қариндош-уруғлар билан бўладиган мулоқот, муносабат назарда тутилмоқда) ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланганлиги учун ҳам уларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Болалар амалий санъат, ҳунармандлик, санъатнинг бошқа турларини эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг асосий манбаи сифатида айнан оилада ўрганиши кўпроқ самара беради. Шу боис оилавий бадиий-эстетик муҳитнинг ўрни бекиёсдир.

Баён этилганлардан англаш мумкинки, оилада болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ота-оналарнинг масъуллиги биринчи галдаги масаладир. Бу жараёнда барча имкониятлардан фойдаланиш, шу жумладан, болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш муҳим ижтимоий-педагогик муаммонинг ечимларидан биридир. Бу масъуллик қонун билан белгилаб қўйилган. Хусусан, педагогика фанлари докторлари Ш. Э. Курбанов ва Э. А. Сейтхалиловнинг таъкидлашларича, мактабгача таълимнинг янги ташкилий ва мазмуний фарқли жиҳати шундаки, унда «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасига мувофиқ ота-оналар (уларни ўрнини босувчи шахслар) болаларнинг қонуний ҳуқуқлари ва қизиқишларини ҳимоя қилишга мажбурдирлар ва улар жамият ва давлат олдида болаларнинг мактабгача таълимнинг қайси шакли ва воситаларидан қатъи назар, уларнинг тарбиясига, мактабда мунтазам таълим олишларига тайёргарлигига масъулдирлар. Оилавий таълим-тарбия давлат томонидан ташкил этилган тарбия билан бирга мактабгача таълимнинг мажбурий элементларидир<sup>1</sup>. Шунинг учун ота-она ўз фарзандини мактаб таълимига тайёр бўлишига жамият олдида масъулдир. Зеро, оила бола учун жамоат тарбиясини шакллантириш манбаи ҳисобланади. Оилада унинг ижтимоийлашуви, маданият, миллий анъаналар ва ахлоқий кадриятлар билан танишиши натижасида фикрлаш қобилияти ривожланади, ота-онага, оиланинг бошқа аъзоларига, ватанига муҳаббати ва ҳурмати шаклланади.

Оилада мактабгача таълим мустақил равишда (қариндошлар ёрдамида, махсус тайёргарликка эга бўлган мутахасис ва тарбиячиларнинг ёрдамида) амалга оширилиши мумкин.

Шу ўринда савол туғилади. Ота-она оилада ўз фарзандининг эстетик тасаввурини шакллантириш мазмунини белгилашда қандай педагогик мезонларга асосланиши лозим? У педагог-тарбиячи ролида ўзини қандай тутмоғи керак?..

<sup>1</sup> Курбанов Ш. Э., Сейтхалилов Э. А. Национальная модель и программа по подготовке кадров – достижение и результат независимости Узбекистана. – Ташкент: Шарк, 2001. – 207.

Биринчи шарт шундан иборатки, ҳар бир ота-она, таъкидланганидек, ўз фарзандларида эстетик тасаввурларни шакллантиришга фақат мактаб таълимига тайёрлаш воситаси эмас, балки бу миллат раънақи билан боғлиқ ижтимоий ҳодиса сифатида қарашлари лозим. Шунинг учун фарзандлар тарбиясидаги эстетик мазмунга алоҳида эътибор беришлари зарур.

Биринчи ўзбек профессори, маърифатпарвар аллома А. Фитратнинг таъкидлашича<sup>1</sup>, фарзанд нафақат оиланинг давомчиси, балки миллатнинг куч-қудрати ва шон-шавкати билан белгиловчи омилдир. Бу омилнинг сифатли бўлишида эстетик мазмундаги машғулотларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Демак, оилада болаларнинг эстетик тасаввурини шакллантиришга нафақат уларнинг эстетик саводхонлик даражасини ошириш, эстетик маданиятли бўлишга йўналтириш, балки миллатнинг ижтимоий ҳолати, истиқболи, маданий-маърифий савияси билан боғлиқ ижтимоий муаммо сифатида қараш жоиз. Шунинг учун оила шароитида болаларда эстетик тасаввурни шакллантиришда ота-онанинг масъулияти катта. Бу масъулият улардан эстетикага алоқадор соҳаларни билишни талаб этади. Бунда қуйидагиларга эътибор берилди:

Бадий адабиёт. Оилада болаларни эстетик туркумдаги мазкур фаолият тури билан шуғулланишини шартли равишда бадий адабиёт деб аташ мумкин. Аслида, унинг элементлари десак ҳам бўлади. Чунки мактабгача ёшдаги болалар роман, қисса ёки дoston ўқимайди. Улар айрим халқ эртақларининг сюжетлари билан таниш бўладилар, шеърлардан парчалар ёд оладилар, баъзи монологик парчалар, топишмоқларни биладилар. Муҳими, бу ёшдаги болаларда танишилган бадий адабиёт сюжетидаги ижобий ҳолатлар, ҳодисалар орасида эстетик мазмун касб этувчилари ҳам, албатта, мавжуд бўлиб, болаларда ишонувчанлик, хаёлпарастлик ривожлангани учун эстетик тарбиянинг мазкур қисми ҳам муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Бугунги кунда 2015 йилда нашр қилинган олтинчи номдаги методик қўлланмалар таркибида мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг адабиёт ҳақидаги дастлабки тасаввурларини шакллантириш учун «Болажон» таянч дастуридан ташқари қўшимча тарзда ота-оналар учун қўлланмалар ишлаб чиқилган бўлиб, унда болаларни бадий адабиёт

<sup>1</sup> *Фитрат*. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият. 1998; *Фитрат*. Оила. – Тошкент: Маънавият, 1998.

намуналари билан таништиришнинг мазмуни ва методикаси ёритиб берилган. Айни пайтда, бадий адабиёт фақат эстетик тарбия воситаси эмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим. Шунинг учун бу туркум манбаларини танлашда амал қилинадиган энг муҳим педагогик мезон, талаб дастлаб асарнинг умумий тузилиши, сюжетининг болалар ёшига, идрок этиш малакаларига мослигидир. Шу нуқтаи назардан, ота-оналар ўз болаларининг «бисотлари»даги маҳсулотларни улар билан узвий тарзда ўзлаштириб боришлари, уларнинг ўз фарзандларида ахлоқий-эстетик сифатларнинг таркиб топиб боришига сафарбар этишлари лозим.

Бадий адабиётларда фойдаланган ҳолда болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда ота-оналар муҳим ўрин тутишлари тарихан исботланганлигини эслаш кифоя. Жаҳон шеъриятида ўз нуфузи, ўрнига эга бўлган машҳур рус шоири Александр Сергеевич Пушкиннинг энагасини, ўзбек лирик шоири Ҳамид Олимжоннинг бувисини узун тунларда айтган эртаклари ўз натижасини бергани ҳаммага аён. Замондош шоирамиз Фарида Афрўз ҳам шулар қаторидадир. Гўзалликка ошно қилган омил сифатида дадасининг Алишер Навоий шеъриятидан берган илк сабоқлари, эстетик мазмундаги машгулотлар шоирани санъат оламига ошно этган. Демак, ота-оналар ўз фарзандларида эстетик тасаввурларни шакллантиришда бадий адабиётнинг барча турларидан оқилона фойдаланишлари лозим.

Мусиқа – кишилар ҳаётига энг чуқур кириб борган санъат тури. Одамлар (болалар ҳам) кун бўйида бир неча бор мусиқа асарини тинглашлари мумкин. Болалар оилада мустақил кўшиқ айтади, радио ёки телевидение орқали берилаётган кўшиққа жўр бўлади, кўшиқни хиргойи қилади, куйига рақсга тушади. Бироқ айнан мусиқа бугунги кунда фарзандларимизнинг эстетик тарбиясида муҳим аҳамият касб этадиган, уларни бошқа омилларга нисбатан осонроқ ўзига жалб этадиган тарбия соҳаси ҳисобланади. Мусиқа оҳанги, матни, ижрочининг овози, ташқи кўриниши, хатти-ҳаракатлари билан бола руҳиятига кучли таъсир этиш воситаси сифатида боланинг эстетик тасаввурларининг нотўғри мазмунда шаклланишига олиб келиши мумкин. Чунки бу билан нима демоқчи эканлигимиз ҳаммага аён. Айниқса, ёш эстрада «юлдуз»ларининг фаолияти ота-оналар томонидан сараланиши ва ўз болаларига мунтазам тушунтириб борилиши лозим. Айнан уларнинг сараланиши ва тушунтириб борилиши мусиқа санъа-

ти воситасида болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг муҳим шартидир.

Кино санъати энг таъсирчан воситалиги билан ажралиб туради. Чунки бир қўшиқ, куй 3–5 дақиқа таъсир этса, кино 15 (мультифильмлар) дақиқадан 1,5 соатгача боланинг диққатини муайян даражада «ушлаб» туради. Шу боис оилада болалар кўрадиган кино маҳсулотларини қатъий тарзда назорат қилиш лозим. Зеро, бунинг негизида ҳар бир шахснинг ахлоқий меъёрларини белгилаб берувчи омиллар ётади.

Кино санъати бугунги кунда ўз бадний-эстетик қиймати ва билим даражасига кўра кескин ўзгарди. Ота-оналарнинг вазифаси, мусиқа санъатида бўлганидек, кино асарларининг қатъий тарзда саралаш лозимлиги болаларда кино санъати воситасида оила шароитида эстетик тасаввурларни шакллантириш энг асосий педагогик шартлардан биридир.

Театр санъати маданият ва санъатни, эстетикани намойиш этиш маскани сифатида асрлар давомида давр синовидан ўтиб келаётган мўътабар маскан, шахс маънавияти, эстетик маданиятини тарбиялаш воситаси сифатида эътиборлидир. У ёки бу санъат турининг кашф этилиши (масалан, XIX асрнинг охирида кинематография, XX асрнинг 50-йилларида телевидениенинг кашф этилиши) боис театр санъатининг инқирозига сабаб бўлиши башорат қилинган. Бироқ бу башорат XXI асрда ҳам ўз исботини топмади. Бу хулосадан ота-оналар ўзларига фикр қилишлари лозим.

Театр санъатидан болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда икки хил усулда фойдаланилади. Биринчидан, театр мавжуд бўлган ёки мавсумий, бир марта бўлса-да, театр томошаларини кўрсатиш мумкин бўлган жойларда ота-оналар ўз фарзандларини бу масканларга боришларини таъминлаш шаклида амалга оширадilar. Бундай имконият йўқ жойларда телевизор орқали томоша қилиш ёки ота-оналарнинг ҳикоялари воситасида амалга оширилади. Бироқ уларнинг барчасига бир хил шарт қўйилади: ота-она ўз фарзандларини бу тарбиявий жараёнга мақсадли тайёрлашлари лозим, тарбиявий жараён тўрт босқичдан иборат педагогик тизим асосида амалга оширилади.

Биринчи босқич – тайёргарлик босқичи бўлиб, ота-она болада бўлажак жараёнга муайян қизиқиш уйғотиши лозим. Шундагина то-



мошани бевосита кўриш, идрок этиш жараёни самарали кечади. Бу босқичнинг яна бир муҳим педагогик томони шундаки, ота-она ўз фарзандларининг кизиқишлари мазмуни ва йўналишини тўғри белгилашлари лозим. Зеро, кизиқиш уйғотмаган объект (ҳодиса жараён)ни кузатган болада, унинг у ёки бу мазмундаги тасаввурларида, шу жумладан, эстетик тасаввурларида ҳам сифат ўзгариши кузатилмайди.

Иккинчи босқич – бу томошани бевосита кўриш (кузатиш ва эшитиш) босқичи. Бу босқичга қўйиладиган педагогик талаблар боланинг бир қатор шахсий-физиологик жихатларининг даражасига мувофиқ белгиланади: унинг умумий ривожланганлик даражаси, диққати, зеҳни, кўриш қобилияти, фикрлаш қобилияти ва, ниҳоят, тафаккури эътиборга олинади. Шу педагогик талаблар асосида томошанинг вақти, давомийлиги, мазмуни каби кўрсаткичлар белгилаб берилади.

Учинчи босқичда бевосита кўрилган томоша муҳокама этилади ва бу муҳокама боланинг шахсий фикрга эга бўлиши учун муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Тўртинчи босқичда ота-она кўрилган томошага, унинг муҳокама-сига яқун ясаб, фикрларнинг тўғри (айнан нимаси билан тўғри) ёки нотўғри (айнан нимаси билан нотўғри) эканлигини асослаб, тушунтириб бериши лозим. Бу эстетиканинг, эстетик вазиятлар ва мазмуннинг ўзига хос англаш, баҳолаш ва муносабат билдириш воситасидир.

Болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда қўлланиладиган барча санъат турларига нисбатан шундай тайёргарлик жараёнларини, педагогик тизимни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Тасвирий санъат (тасвирий фаолият) болаларнинг илк ёшларида эстетик мазмундаги, умуман, уларнинг онгли хатти-ҳаракатларидаги энг салмоқли қисмидир. Бола ҳали гапириш кўникмаси шаклланмай туриб турли чизик, шакллар чиза бошлайди. Муайян тасвирий малака таркиб топганидан сўнг эса энг оддий шакл ва мазмундаги тасвирий фаолият намуналарини яратиб, шу оламда яшайдилар. Бу оламда муайян фикрлар, хаёлпарастлик ва эстетик тасаввурлар билан яшайди. Шунинг учун бу фаолият муҳим педагогик аҳамият касб этади. Ота-оналарни ўз фарзандларининг тасвирий фаолиятларига муносабатларини кузатар эканмиз, кўп ҳолларда бунга бифарқликни, мактаб ёшига етганда буни кераксиз машғулот сифатида эътироф этишини кўрамиз. Шунинг учун расм чизиб ўтирган болага онаси «Йиғиштир, бекорчи ишларингни, бор дарсингни қил» ёки «Расм чизгунча дар-

сингни қилсанг бўлмайдими?» қабалида танбеҳ беришини кўп бор қузатганмиз. Аслида, тасвирий фаолият болани шахс сифатида шаклланиши ва ривожланишидаги имкониятлари таълимнинг бошқа соҳалариникидан кам эмас. Мактабгача ёшдаги болаларда эса бу омил алоҳида эътиборга молик. Шунинг учун ота-оналар фарзандларининг тасвирий фаолиятларининг ҳам моддий (керакли материаллар билан таъминлаш ва шароит яратиш), ҳам маънавий (лозим бўлган вазиятларда рағбатлантириб бориш) жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари талаб этилади. Бола шахсининг ривожланишида тасвирий санъатнинг ўрни катта эканлигини биргина Япония мисолида кўриш мумкин. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатада тасвирий санъатни ўқитиш учун энг кўп ўқув соати ажратилади. Бундан мантиқий фикр чиқарадиган бўлсак, тасвирий санъат фақат болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш воситасигина эмас, балки умуман шахс камолотида ўта таъсирчан, самарали воситадир.

Кези келганда алоҳида эътироф этиш жоизки, болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда фаолият соҳалари, мазмуни, моҳияти, бир сўз билан айтганда, кенг имкониятларга эга эканлиги билан ажралиб туради, яъни бошқа санъат турлари, фаолият соҳалари жараёнида шаклланган эстетик таассуротларни тасвирий фаолиятда акс эттириш мумкин. Масалан, баҳор келиши билан ҳамма ёқ ўзгача тароват, гўзалликка эга бўлади. Болаларни бу гўзалликни кўра олишига, олинган таассуротларни ўзларининг тасвирий фаолиятларига «кўчириш»га ўргатиш уларда эстетик тасаввурларни шакллантириш воситасидир. Шунингдек, мусика санъати, кўшиқлар тинглаш билан олинган таассуротларни бу жараёнга сафарбар этиш бу борада эришиладиган педагогик самарани оширади. Бу ишнинг кулайлиги шундаки, унда ота-оналар нафақат болалар кўшиқлари, балки айрим классик даражадаги кўшиқлардан ҳам фойдаланишлари мумкин. «Фасли навбаҳор ўлди» (Таваккал Қодиров, Муқимий ғазали), «Яна баҳор қайтармикан» (Шерали Жўраев), «Яна келди Наврўзи олам» (Икромжон Бўронов), «Яна келар сен кутган баҳор» (Бахтиёр Холхўжаев, Саъдулла Ҳаким шеъри), «Наврўз» («Фаёд» гуруҳи) каби кўшиқларда баҳор фасли гўзаллигининг тараннум этилиши болаларда эстетик образлар юзага келишига туртки бўлади ва уни тасвирий воситада акс эттириш эстетик тарбиянинг муҳим воситасидир.

Мактабгача ёшдаги болаларда оила шароитида эстетик тасаввурларни шакллантиришда халқ амалий безак санъати, бадний хунармандчилик намуналарининг ўзига хос ўрни бор. Фақатгина, ота-оналар ўз фарзандларининг диққатини шу буюмларга бадний идрок нуктаи назаридан қарата олишлари муҳим педагогик талабдир. Зеро, гўзал нарсани инсонни бутун умр қамраган бўлиши, у эса уни қалби билан кўрмаслиги, англамаслиги, идрок етмаслиги, ундан завқланмаслиги ҳам мумкин.

Таъкидлаш жоизки, оилада мактабгача ёшдаги болаларнинг тасаввурларини шакллантиришда муайян йўналиш ёки қатъий белгиланган фаолият, санъат тури устувор бўлиши педагогик нуктаи назардан метъёрланмайди. Бу устуворлик бир қатор омиллар асосида белгиланади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

– болаларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари, табиий мойилликлари ва қизиқишлари;

– ота-оналар (буви-бувалар)нинг қизиқишлари ҳам ҳисобга олинади. Улар нимагадир қизиқса, масалан, театр санъатига, табиийки, улар шу санъат туридан кўпроқ маълумотга эга бўладилар, ўз фарзандларида эстетик тасаввурларни шакллантиришда шу санъат туридан устувор тарзда фойдаланадилар;

– оиланинг демографик, бадний анъаналари. Масалан, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ноёб кўза, кўзача, обдаста, нақшинкор сандиқча, дутор ёки бошқа мусиқа асбоблари ўсаётган болаларга эстетик таъсир этмай қолмайди. Зеро, катталар ҳам бу буюмларга эстетик муносабат билдириб борадилар, маълум маънода бу муносабатлар ҳам авлоддан-авлодга ўтиб боради;

– маҳаллий шароити – қишлоқ, шаҳар. Шунингдек, табиий-географик ҳудудий омил – тоғли қишлоқ, дарёга яқин қишлоқ, қадимий шаҳарлар (Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон), замонавий шаҳар (Навоий, Оҳангарон ва ҳ.к.);

– маҳаллий бадний хунармандчилик: Хива гиламчилиги, Риштон кулолчилиги, Тошкент наққошлиги, Қўқон ёғоч ўймакорлиги, Бухоро ва Тошкент ганч ўймакорлиги, Бухоро зардўзлик буюмлари, Шаҳрисабз сўзаналари, Чуст ва Марғилон дўшпилари ва ҳ.к.;

– ота-оналарнинг касб-кори – ишчи, фермер, чорвадор, хунарманд, санъаткор (актёр, хонанда, созанда, режиссёр ва ҳ.к.), мураббий-ўқитувчи ва ҳ.к.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, оила шароитида болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш мазмунини белгилашнинг педагогик мезонлари, асосий омилларини санаб ўтдик. Биз тилга олмаган омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари у ёки бу жиҳатига кўра болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш мазмунида устуворлик касб этиши мумкин.

Болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда бадий қадриятларнинг бошқа турлари ҳам самарали қўлланилиши мумкин. Айниқса, меъморлик ва унинг тарихига оид маълумотлар нафақат эстетик тасаввур, балки таълим-тарбиянинг бошқа жиҳатлари, хусусан, болаларда ватанпарварлик, миллий ғурур ва миллий туйғу каби сифатларни шакллантиришда алоҳида эътиборга молик.

## **2. 4. Мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда ота-оналарнинг педагогик фаолияти**

Ўзбек халқида «Қуш уясида кўрганини қилади» деган мақол бор. Бу мақол кўп ҳолларда салбий маъно касб этади, яъни боланинг хатти-ҳаракатида бирор ноҳўя ҳолат кузатилса, бунга оила сабабчи эканлигини англатиш мақсадида шу мақол қўлланилади. Бирок бу мақолни ижобий маънода ҳам қўллаш мумкин. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин: бирор касбнинг моҳир устаси усталик даражасига етишиш учун оила анъаналарини давом эттирган тарзда уста кулол, наққош, ганч ёки ёғоч ўймакори бўлганлигига санъат тарихида мисоллар бисёр. Шунингдек, илми-фан соҳасида ҳам оилавий муҳит туфайли фарзандларнинг машҳур олим бўлиб етишганлигига тарих шохидлик беради. Шунинг учун шахс камолида оила бош омил эканлиги исбот талаб қилмайдиган аксиомадир. Шунинг учун инсоният жамиятида оила ва бола таълим-тарбияси, оила ва фарзанд муносабатлари ҳамниша ўрганилиб, такомиллаштиб келинган. Зеро, оила фақат маслаклари борларни бириктирган маскан, «машина» эмас, балки «оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган тарбия

ўчоғидир»<sup>1</sup>, яъни оила жамият тараққиётининг пойдевори бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Шунинг учун оилада ота-онанинг ўрни бекиёс.

Оиланинг бола тарбиясидаги педагогик фаолияти турли даврларда ўрганилиб, унга баркамол шахсни тарбиялашнинг муҳим омили сифатида қараган бир қатор илғор фикрли маърифатпарварларни келтириб ўтишимиз мумкин. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида яшаб фаолият кўрсатган таниқли татар маърифатпарвари Ризоуддин ибн Фахруддин оилада фарзанд таълим-тарбиясида оналарнинг ўрни алоҳида аҳамиятга моликлигини уқтиради. Ва бу борада ота-оналарни, айниқса, оналарни «... ипағу ҳарирларга безаниб, тўю томошаларда юришлари...» каттиқ танқид остига олинадиган<sup>2</sup>. Агар бу танқидга бугунги кун нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ишга борадиган аёл (она)ларнинг фарзанд таълим-тарбиясидаги иштироки, улуши ҳам мазмун, ҳам ҳажм жиҳатидан камайиб бормокда.

Оила ва фарзанд (бола) муносабатлари бола таълим-тарбияси ҳақидаги гоёлар ичида Ризоуддин ибн Фахруддиннинг яна бир фикри эътиборлидир: «Оилада бола тарбиясида онанинг ўрнини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Яхши хотин болаларини ҳам яхши тарбиялай олади: хотинлар биринчи навбатда мураббийлардирлар; хотиннинг оила тебратиши мураббийлик ҳамиридан патир қилиши, унинг тандирида ўша патирни ёпиш деган сўздир. Болалар ҳар қандай хислатни энг аввал ота-оналари ва уйдаги катталар – боболари ва бувиларидан оладилар»<sup>3</sup>. Демак, оила маънавияти бола таълим-тарбиясидаги бош ижтимоий фон бўлиши лозим. Бу ҳолатнинг фалсафий талқини ҳақида фикр юритар экан, М. Холматова оиланинг маънавий олами ижтимоий тараққиётнинг таъсири ва унинг маҳсули бўлса ҳам, у, ўз навбатида, ижтимоий тараққиётга сезиларли таъсир ўтказишини умумқадриятларимиз қонунларидан келиб чиқишини таъкидлайди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги // «Халқ сўзи» газетаси. 1997 йил, 8 декабр. – 248-сон.

<sup>2</sup> Оила бир гулшанки... / тузувчи-муаллифлар: Р. Саидов, М. Аҳмедов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 7-б.

<sup>3</sup> Оила бир гулшанки... / тузувчи-муаллифлар: Р. Саидов, М. Аҳмедов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 4-б.

<sup>4</sup> Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом турмуш тарбияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

Оила тарбияси деганда, одатда, мактабгача ёшдаги болалар кўпроқ тилга олинади. Зеро, уларнинг асосий ижтимоий муҳити, асосан, оила «чегараси»дан ташқарига камроқ чиқади. Қолаверса, уларга ташқи муҳитдан кўра оила тарбияси кўпроқ таъсир ўтказади. Бола улғайган сари унга ташқи муҳитнинг таъсири оиланикига нисбатан ортиб боради. Шунинг учун ота-оналарнинг педагогик фаолиятида мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, ота-оналарнинг педагогик фаолияти деганда, уларнинг махсус дастур асосида болаларига таълим ва тарбия бериши тушунилмаслиги керак. Аслида, уларнинг ҳар қандай ҳаракати (ҳаракатсизлиги ҳам) болага педагогик таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу жараёни шартли равишда педагогик фаолият сифатида талкин қилиш мумкин. Зеро, оилада ота-онанинг бош вазифаси бола таълим-тарбияси, унга одобу ахлоқ, зеҳн ато этиши тарихий манбаларда, буюк алломаларнинг таълимотларида кўп бор зикр этилган. Ҳадиси шарифда айтилади: «Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос қолдиrolмайди»<sup>1</sup>. Шунингдек, Ж. Локкнинг таъкидича, халқнинг бахт-саодати болаларни тўғри тарбиялашда.

Оилада болаларда дунё ҳақидаги тушунчаларни, шу жумладан, эстетик тасаввурларни шакллантиришда ота-оналарнинг ўрни шундаки, бола дунёга келиб оламни, унинг қонуниятларини ўзлаштиришга киришади. Бу жараён кузатиш, сўраш, таҳлил этиш, фикрлаш ва хулоса чиқаришдан иборат «тадқиқий» жараёндир. Бу жараёнда бола «Нима учун?»ни асосий қурол, восита сифатида қўллайди, кўпроқ билишга интилади. Бу нафақат болаликнинг, балки, Эмил Золя таъкидлаганидек, инсоннинг бутун умрининг маъносидир. Инсон ўз умри давомида мавҳумликни тўхтовсиз забт этиш, тобора ва ҳамisha кўпроқ билишга интилади. Бу натижа фақат фаолият туфайлигина таъминланади. Агар мактабгача таълим муассасасида машғулотлар давомида бола муайян фаолият туфайли мавҳумликни бартараф этиб борса, оила шароитида ота-она ва бола муносабатлари ҳам муайян фаолиятдир: бола сўрайди, ота (она) жавоб беради; бола нимадир қилади, ота (она) уни тўғрилайди (ундоқ эмас, бундоқ қилиш керак, баъзан бажариб кўрсатади, буни қилиш мумкин эмас деб танбеҳ беради ва ҳ.к.). Бу ҳамкорликдаги фаолият шаклидир. Айнан фаолият барча

<sup>1</sup> Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Тошкент: Фан, 1999.

Ўзгаришларни, жумладан, болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш асосидир. Шунинг учун Бернард Шоу «Билимга элтувчи ягона йўл – бу фаолиятдир», – деб уқтиради.

Оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда оналарнинг педагогик билимлари муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, болалардаги у ёки бу фаолият турига мойилликни тўғри аниқлаш ва унга мос йўналиш бериш алоҳида эътиборга молик. Зеро, «Инсондаги қобилиятни камолга еткурмак тарбия ила бўлади», – деб таъкидлайди Абдулла Авлоний<sup>1</sup>. Бу масала мамлакатимизда ҳукумат миқёсида ҳал этилаётган (бунинг учун Республика ташхис маркази ва унинг вилоятлардаги бўлимлари фаолият кўрсатаётганлиги ҳамда улар умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфини битирувчиларининг касбий мойилликларини аниқлаш билан шуғулланишларини эслаш кифоя) бўлса-да, барибир, асосий функция ота-онанинг зиммасида қолаверади. Чунки унинг педагогик арсеналида ҳар қандай ташхис марказида бўлмаган омил, болани узоқ муддат ва ҳар куни кузатиш натижасида шаклланган хулосалар мавжуд.

Кези келганда оила тарбиясининг муҳимлигини англаш учун нафақат реал ҳаётдаги педагогик фаолиятни, балки оилавий муносабатлар асосига қурилган сюжетлар замирида битилган манбалар (аввало, санъат асарлари – бадиий адабиёт намуналари, ривоятлар, кинофильмлар ва ҳ.к.)ни тилга олиш ўринлидир. Шукрлар бўлсинки, ўзбек халқининг маданий-маърифий тарихида бундай мисоллар кўплаб топилади. Масалан, ўзбек халқининг маданияти, эстетик қадриятлари тарихида Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи алоҳида ҳурмат, эътиром билан тилга олинади. Унда маънавий, маданият, ахлоқий-эстетик муносабатларнинг классик намуналарини кўришимиз мумкин: оиланинг ҳар бир аъзосининг ўз муносабат услублари, хатти-ҳаракат тамойиллари бор. Улар оиланинг ҳар бир аъзосида ҳар бир вазият учун алоҳидалик, ўзига хослик касб этади. Отабек – Кумуш, Отабек – Юсуфбек хожи, Отабек – Қутидор, Отабек – Зайнаб муносабатлари бунга мисол бўла олади. Муносабатнинг ҳар бир вазиятида маънавий-эстетик намуна мавжуд. Шунинг учун оилавий муносабатлар, уни болаларда эстетик тасаввур ҳосил қилишга йўналтиришда «Ўтган кунлар» сценарийсини андаза қилиб олиш мумкин, яъни болада ҳар қандай сифатни, шу жумладан, эстетик

<sup>1</sup> Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.

тасаввурларни шакллантиришда бундай манбалардан фойдаланиш тарбиянинг энг самарали воситаларидан бири – ибрат ва намунадан унумли фойдаланиш мумкин.

Оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда, умуман баркамол шахс тарбиясига замин яратишда ота-онага нисбатан бобо-бувиларнинг ўрни кўпроқ. Мирзо Улуғбекни бувиси Сароймулк-хоним набирасининг буюк олим, маънавияти юксак даражадаги инсон ва давлат арбоби сифатида шаклланишида муҳим ўрин тутгани тарихдан маълум. Маданият, эстетик кадрни яратиш тарихида юксак поғоналарни забт этган буюк шахслар бувиларининг эртаклари билан маданият гулшанига йўлланганликлари ҳолатларини машҳур ёзувчилар, ҳофизу созандалар, актёрлар, рассомлар ҳаётларидан мисолларни юзлаб келтириш мумкин.

Оила шароитида болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда оиладаги ижтимоий муҳит, унинг мазмуни, амал қилиш тамойиллари, у ёки бу ҳолат, вазиятни баҳолаш мезонлари, қўлланиладиган услубларлар, ёндашув, бир сўз билан айтганда, педагогик таъсир воситалари муҳим таълимий ва тарбиявий аҳамият касб этади. Болада тасаввурни, шу жумладан, эстетик тасаввурларни оилада шакллантиришда макромуҳит (бола яшаётган жамият)дан кўра кўпроқ микромуҳит (бола яшаётган оила)нинг таъсири кучлироқ. Чунки бола ҳали кенг маънодаги мулоқот, ижтимоий ҳаракат муҳитининг субъектига айланмаган, унинг асосий ҳаёти ўзининг оиласида кечади. Айнан шунинг учун оила эстетик арсеналидаги барча тамойилларни боланинг эстетик тасаввурлари шаклланишига сафарбар этиш муҳим тарбиявий тадбир сифатида аҳамиятлидир.

Оилада боланинг эстетик тасаввури шаклланиши бевосита ва билвосита кечади. Бу икки хиллик ҳам боланинг фаолиятида, ҳам унинг ота-оналари фаолиятида кузатилади, яъни бола катталарнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, ўзлаштириб боради. Фараз қилайлик, она эстетик жиҳатдан бачкана кийим кийишга мойилроқ. Ўзининг бу ҳаракатини фарзандига тушунтирмайди, шарҳламайди. Табиийки, бола ундан ўзига тегишли хулоса чиқариб боради. Баъзи ҳолларда уни гўзал деб қабул қилади. Бу онанинг болада эстетик тасаввур шаклланишига бевосита таъсири бўлиб, бу салбий маъно касб этади, яъни бола онасининг кийимини эстетик ҳолатдаги намуна сифатида қабул қилади.



Бошқа ҳолатда она том маънодаги гўзаллик намунаси бўлиши мумкин бўлган ўзига мос ва хос кийимнинг эстетик жиҳатларини фарзандига тушунтиради, бирга уни изоҳлайди. Аниқроқ айтганда, онаси ва фарзанди ўртасида эстетик мазмун ва йўналишдаги муносабат ўрнатилади.

Оилада болаларнинг эстетик тасаввурларини шакллантиришда бу жараённинг ақлий заминини таркиб топтиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Зеро, ҳар бир ҳолатнинг муайян назарий шарҳи мавжуд бўлиб, унинг соҳаларини босқичма-босқич ўзлаштириб бориш болаларнинг эстетик тасаввури онгли шаклланишининг педагогик кафолатидир. Шу маънода ота-она ва фарзанд муносабатларида бу омил доимий диққат марказида бўлиши лозим.

Оилада мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда турли байрамлар (туғилган кун, Янги йил, Наврўз ва бошқа байрамлар)га биргаликда тайёргарлик кўриш ва унда оиланинг ҳар бир аъзосига, шу жумладан, мактабгача ёшдаги болага индивидуал ҳам жамоа бўлиб бажариладиган топшириқларнинг берилиши, биринчидан, болада эстетик мазмун касб этувчи ҳолатни вужудга келтириш (яратиш)да иштирок этиши натижасида унинг дунёқарашида муайян ўзгаришлар содир бўлади. Иккинчидан, бу жараёнда ҳамкорлик фаолияти (масалан, она ва қиз, ота ва ўғил, она ва ўғил ва ҳ.к.) воситасида нафақат эстетик тасаввур шаклланиб боради, балки ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиш кўникмалари, малакалари тарбияланиб боради, масъулиятни ҳис этиш, бир сўз билан айтганда, ота-она ва фарзанд муносабатларининг бола дунёқарашининг шаклланишидаги муҳим шартларидан бири – ҳамкорлик этикасининг мейёрий шартлари ўзлаштириб борилади.

Оила шароитида болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда ота-она ва фарзанд муносабатидаги эстетик мазмун ҳар доим бош омил ҳисобланган. Бу жараён шу даражада тамойилларга бойки, шунинг учун уни ижтимоий-педагогик, психологик, тарихий-фалсафий нуктаи назардан тадқиқ этиш лозим. Биргина мисол, ота-она ўз фарзандининг индивидуаллигини инобатга олмаган ҳолда тинимсиз номақбул кўрсатма бериши (қачон ва қандай телекўрсатув кўриш лозимлиги, ким билан, қачон ва қанча вақт қандай ўйин ўйнаши, қандай раяндаги, қандай шаклдаги кийим кийиши) боланинг табиий мойилликларига мос тушмаган тақдирда, унда дунёқарашни, шу жумладан,

унинг таркибий қисми – эстетик тасаввурларни шакллантириш жараёнида «синиш» вазияти, ҳолати юзага келади, яъни бола тасаввурида сунъий тарзда, мажбурий ўзлаштирилган, англамаган тушунча ва тасаввурлар таркиб топиб боради. Бироқ бу тасаввур дастлабки аниқ ҳолат юзага келиши биланок йўқ бўлиб кетади. Шунинг учун ота-она ва фарзанд муносабатларини эстетик тасаввурларни шакллантиришдаги ҳамкорликдаги фаолиятини бу жараённинг муҳим тамойили сифатида қараш лозимлигига алоҳида урғу бериш лозим.

Оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда ота-оналарнинг болалар билан муносабатида яққол сезилиши мумкин бўлган жиҳатларидан бири ота-онанинг ўз фарзандларини нафақат онла шароитида субъектив ҳолатларни англашга, балки оламни эстетик мазмун нуктаи назаридан англашга ҳар томонлама ёндашишга тайёрлиги билан белгиланади. Бу тайёрлик оила шароитида ота-она ва бола муносабатларида муттасил тарзда қўлланилиши пировард ижобий натижанинг педагогик кафолатидир.

Оила шароитида ота-оналар алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлган муҳим жиҳатлардан бири – бу атроф-муҳитни, оламни, шу жумладан, оиладаги микромуҳитни бола томонидан қизиқиш билан идрок этилиши эстетик тасаввурлар шаклланишини белгиловчи омилларидан бири эканлигидир. Ю. А. Самойленконинг таъкидлашича<sup>1</sup>, бу жараён аввалига бевосита табиатни, уй шароитини, маиший ҳаётдаги буюмлар, ходисаларни, ўйинчоқларни идрок этиш билан боғлиқ бўлса, бу жараёнда аста-секин сифат ўзгаришлари содир бўла бошлайди, яъни энди эстетик идрок жараёнининг объекти сифатида маданият соҳалари, санъат бўла бошлайди ва бу ҳолат санъатни идрок этаётган боланинг ҳам ички олами (энди бола у ёки бу эстетик объектга нисбатан ўз ички ҳиссиётига эга) ва ташқи хатти-ҳаракатларида (энди бола ўз тушунчасини, таассуротларини сўз ёки бошқа шаклда ошкор эта бошлайди) намоён бўлади.

Ота-оналарнинг бу борадаги фаолияти уч йўналишда олиб борилади. Биринчи йўналиш – ота-оналар фарзандларида эстетик тасаввурларни шаклланиши учун қулай оилавий микромуҳит яратишлари лозим. Иккинчи йўналиш – ота-оналар ўз фарзандларининг эстетик мазмун ва йўналишдаги фаолиятларини кузатиб, лозим бўлган вази-

<sup>1</sup> Швайко Г. С. Занятия по изобразительному искусству в детском саду (средняя группа). – Москва: Владос, 2002.

ятларда бу жараёнга маълум ижодий ўзгартиришлар киритиш, уни педагогик жиҳатдан бошқаришлари лозим. Учинчи йўналиш – бу бевосита ота-оналарнинг ўз хатти-ҳаракатлари, фаолиятлари, эстетик қизиқишлари билан болаларини ўз ортларидан эргаштира олишлари, яъни ўрнак, ибрат бўлишлари лозим.

Тақлид мактабгача ёшдаги болалар фаолиятида устувор аҳамият касб этади. Шунинг учун ота-оналарнинг фаолиятида, болаларга нисбатан муносабатларида ҳаққонийлик, объективлик бош мезон бўлмоғи лозим. Муҳими, улар нимаики қилса ёки бажаришса, бола онгида ижобий, ижодий ҳис ҳосил қилсин. Мактабгача ёшдаги болаларда ўйин фаолиятига бўлган табиий эҳтиёж, ота-оналарни ҳам улар билан ўйнаш, буни маълум мақсадга қаратиш, масалан, санъатнинг бирор турини англаш – таниш, унга нисбатан шахсий мулоҳаза билдира олиш педагогика жиҳатдан тўғри ёндашувдир.

Таъкидлаб ўтганимиздек, оилавий таълимда, шу жумладан, эстетик тарбияда ибратли оилавий психологик ҳолатни яратиш барча йўналишдаги тарбиявий ишларнинг асосий шартидир. Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш борасида «ягона педагогик муҳит»нинг ўрни муҳим ўрин тутди. Бу муҳимликнинг биринчи кўрсаткичи тарбия жараёнида унинг буйруқлар тарзида берилиши бўлса, иккинчи кўрсаткичи ота-она ва фарзанд муносабатларида «буйруқ, топшириқлар»нинг бир хиллиги, яъни ота-оналарнинг ўз фарзандларига бир хил мазмундаги кўрсатма беришлари эътиборга моликдир. Агар ота бир йўналишда, она бошқа йўналишда ва мазмунда топшириқ берса, бола отаси учун «у ишни», онаси учун «бу ишни» бажаришга одатланиб боради. Бу бола руҳиятида қатъиятсизлик, иккиюзламачиликни келтириб чиқаради. Унинг салбий оқибати шаклланаётган эстетик тасаввурларда ҳам ўз «изи»ни қолдиради.

Эстетик тарбия тизимида қўлланиладиган асосий тамойил – гўзаллик ва хунукликни англай ва баҳолай билишга ўргатиш юқоридаги ҳолатларда аниқлик касб этмай қолади. Муҳими, ҳар бир нарсани, шу жумладан, эстетик жараён, ҳодиса, объектларни қандай бўлса ўшандайлигича қабул қилишга ўргатишдир. Ҳар қандай кишига (воқеа ва ҳодисага, объектга ва ҳ.к.) нисбатан симпатия (ёқимли) ва антипатия (ёқимсиз) муносабат бўлади. Улар охир-оқибат ўрин алмашиши мумкин. Бу таълим-тарбияга боғлиқ. Эстетик тасаввурларни шаклланти-

ришда ҳам шу жиҳатлар муҳим аҳамиятга эга. Эстетик тасаввурларни шакллантиришда бу жиҳатларнинг муҳимлигини эътироф этган ҳолда ўзига хосликка ҳам эга эканлигини ёдда тутмоқ лозим. Хусусан, болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда ҳар бир боланинг ўзига хослиги, уларнинг табиий мойилликлари ва қизиқишлари ҳам диққат марказида бўлмоғи лозим.

Ота-она ва фарзанд муносабатларида акс муносабат, алоқа муҳим ўрин тутади. Бу алоқа, биринчидан, муносабатларни мувофиқлаштириш, иккинчидан, натижаларни кузатиш, учинчидан, хатти-ҳаракатларни назорат қилиш имконини беради. Муҳими, ота-она ва фарзанд муносабатларининг мунтазамлигини таъминлаш хилма-хил бўлади. Улар ҳар доим ҳам сўз воситасида ифодаланмаслиги мумкин. Бу борада ота-оналарнинг педагогик билимлари, сезгирликлари фаолият мазмуни ва уни ривожланиб боришини белгилаб беради. Масалан, ота-онанинг ўз фарзандида эстетик тасаввурларни шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари фарзандларининг ҳаракатларида, фаолиятида кўриниши мумкин. Айрим ҳолларда бу фаолият махсус намоиш этилган ҳолатда бўлмаслиги мумкин. Муҳими, фарзанднинг нутқида, у ёки бу ҳаракатида, хулқида, бирор-бир фаолиятга бўлган қизиқишида, бажараётган ишининг сифат даражасида намоён бўлади. Ота-она фарзандининг бу ҳаракатларини кузатаётганини ошкор этиб, салбий ҳолатларни тўғрилаб бориши лозим. Шунда фарзанд ҳар қандай фаолият назоратда эканини англаб, яхши-ёмонни фарқлашга ўрганиб боради.

Ота-оналар ва фарзанд муносабатларида оила таркиби ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Чунки таълим мазмуни ва услублари унга мос тарзда танланади. Оиланинг таркиби: тўлиқ оила, отасиз (онасиз) ўсаётган фарзанд. Яна қўшимча омил отаси (онаси) йўқ ёки улар алоҳида яшаётган бўлишса, барча соҳалар каби эстетик тасаввурларни шакллантириш мазмуни ҳам ўзгача бўлади. Биринчи галда оила ота (она) нинг йўқлигини «оғриқсиз» қабул қилишга йўналтирилиши лозим. Айни пайтда, бу мазмун фарзандларнинг гендер хусусиятларига ҳам хос ҳолат.

Оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш жараёнини педагогик ташкил этиш учун алоҳида ташхис, андаза йўқ. Шундай бўлса-да, кузатувлар, таҳлиллар асосида оила шароитида бо-

лаларда эстетик тасавурларни шакллантиришда ота-оналар қуйидагиларга эътибор беришлари муҳим:

– мактабгача ёшдаги болалар психологиясида ўйин фаолиятига бўлган мойиллик асосий ўринни эгаллагани боис эстетик мазмундаги машғулотларда улардан ўринли фойдаланиш лозим;

– оилавий таълим-тарбиянинг қулайлик томони шундаки, унда, асосан, болалар билан индивидуал ишланади. Ҳар бир бола ўзига хос. Айнан шунинг учун ота-оналар ўз фарзандларининг хатти-ҳаракатлари, қизиқишлари, жумладан, эстетик мазмундаги қизиқишларидаги индивидуалликларга монанд «раҳбарлик»ни йўлга қўйиш жоиз;

– ота-оналар нафақат ўз фарзандларида эстетик тасавурларни шакллантириш, балки бутун оиланинг эстетик маданияти, эҳтиёжларини муттасил ошириб боришга интилиши лозим. Чунки оила аъзоларининг эстетик қизиқишлари диалектик узвийликда, ўзига хос тамойиллар асосида ривожланиб боради. Бу омил болаларда эстетик тасавурларни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Зеро, эстетик диди паст, эстетик эҳтиёжи қашшоқ оилада болаларда эстетик тасавурларни шакллантириш жараёни самарасиз кечади;

– ота-оналар ўзларининг болаларига нисбатан муносабатлари, хатти-ҳаракатлари «педагогик фаолият»ларидаги, ўзига хос таълимий самара берган педагогик шарт-шароитлар, услубий ёндашувларни таҳлил этиб боришлари, уларни муттасил бойитиб бориш чораларини кўришлари лозим;

– ота-оналар ўзларининг педагогик билим ва услубий маҳоратларини муттасил ошириб бориши, унда асосий омил сифатида маданият ва санъат, жамият ҳаётидаги тараққиётлардан фойдаланишлари ҳамда болаларида эстетик тасавурларни шакллантиришнинг самарали воситалари, шакл ва услубларини қўллаш жараёнини ташкил этишлари лозим;

– оила шароитида болаларда эстетик тасавурларни шакллантириш жараёнининг узвий, узлуксиз ва мунтазам бўлишини таъминлаш, бу жараёнда янги эстетик билимларни босқичма-босқич эгаллаб бориш ҳисобига болаларда шакллантирилаётган эстетик тасавурларни янги мазмун билан бойитиб бориш ва ҳ.к.

Айтиб ўтилган услубий ёндашувлар, юқорида таъкидланганидек, тавсия характерига эга бўлиб, ҳар бир оила (ота-она) фарзандлари-

да эстетик тасаввурларни шакллантиришда ўзига хос мактабга эга бўлишлари лозим. Бу ота-она ва фарзанд муносабатларининг маънавий, ахлоқий, эстетик аҳамият, мазмун касб этишининг бош тамойили сифатида қабул қилинмоғи лозим. Муҳими, ота-оналар, Ризоуддин ибн Фахруддин таъкидлаганидек, барча ишни англаган ҳолда ўз фарзандларига ҳам англариб ўргатишлари лозим. Зеро, «Англамай ўқимоқ ва англамаган нарсаларни ўргатмоқ сабабидан болаларнинг зехнлари қисилар, ғайратлари сўнар»<sup>1</sup>.

Эстетик тасаввур – кўп сифатларнинг дебочаси. Шунинг учун унга болаларни илк ёшдан ошно қилиш лозим. Зеро, Фёдор Достоевский таъкидлаганидек, одам болаликдан яхшилик ва гўзаллик куртакларисиз ҳаётга қадам қўймаслиги керак, авлодларни ҳам яхшилик ва гўзаллик куртакларисиз ҳаётга йўллаб бўлмайди. Шу боис ота-она ва фарзанд муносабатларида фарзандларни ҳаётга тўғри шаклланган эстетик тасаввурлар билан йўллаш баркамол авлод тарбиясининг муҳим шартларидан биридир.

Ота-оналарнинг болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш борасидаги ижтимоий-педагогик мазмундаги таҳлиллари асосида хулосалаш лозимки, оила маънавияти, оила маданияти, оиладаги психологик муҳит, унинг бадиий-эстетик ҳолатлари болаларда турли мазмундаги тушунча ва тасаввурлар шаклланишида муҳим ўрин тутлади. Шунинг учун оила шароитида мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг мазмунига қўйиладиган педагогик талаблар, уни белгилаш (танлаб олиш) мезонларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Бу омил ота-оналарнинг педагогик фаолиятини дидактик тамойиллар асосида муайян йўналиш касб этишини таъминлайди.

Оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш мазмунининг таркибий тармоқлари ичида ҳам таъсир кучининг юқорилиги, ҳам таъсир воситаларининг турли-туманлиги (замонавий мультимедия воситалари, интернет тармоғи ва телефономания ҳолатлари, маданий-маърифий тадбирлар, миллий-анъанавий маросимлардаги ижролар, айрим оилалардаги қўшиқ ҳиргойиси ва ҳ.к.) ҳам таъсир вақтининг кўплиги, мунтазамлик касб этиши ва бошқа жиҳатлари

<sup>1</sup> Оила бир гулшанки... / Тузувчи-муаллифлар: Р. Саидов, М. Аҳмедов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 13-б.

билан мусиқа санъати алоҳида эътиборни талаб этади, яъни уларни танлаб олишда қатъий педагогик талабларга риоя қилиш лозим.

Ота-оналарнинг болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятида санъат турлари етакчи ўринларда бўлиши мақсадга мувофиқ. Чунки тасвирий ва амалий санъат, дизайн санъати, бадий хунармандлик, санъатнинг бошқа турларини болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг асосий манбаи сифатида айнан оилада ўрганиш кўпроқ самара беради.

### *Учинчи боб*

## **ОИЛАДА БОЛАЛАРДА ЭСТЕТИК ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ЎТКАЗИЛГАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

### **3.1. Оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг экспериментал тадқиқининг ташкилий хусусиятлари**

2000 йилдан буён мақсадли тарзда ҳамда аниқ ишлаб чиқилган педагогик тизим асосида олиб борилган экспериментал тадқиқотларимиз бу жараённинг анъанавий педагогик экспериментларидан, табиийки, бирмунча фарқ қилди. Бу фарқларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин.

Биринчидан, 2010 йилдан амалдаги «Учинчи мингйилликнинг боласи» ўрнига жорий этилган «Болажон» таянч дастурида белгилаб қўйилган ҳамда мактабгача таълим муассасаларида бўлганидек, мунтазам тарзда ўтиладиган эстетик мазмундаги фаолият турлари – «Гасвирий фаолият», «Ўйин» (унинг таркибида ракс, мусиқа мавжуд), «Атрофдаги олам» (табиат гўзаллигини англашга йўналтирилган) каби машғулотлар тизими йўқ. Шунинг учун болаларнинг эстетик мазмун билан боғлиқ фаолиятлари мунтазамлик касб этмайди.

Иккинчидан, анъанавий тажриба-синовларда бўлганидек, тажрибали тадқиқотчи (аниқ фан мутахассиси) йўқ. Табиийки, унга мутахассисларлар томонидан универсал кўрсатмалар бериб бўлмайди.

Учинчидан, оила аъзоларининг касби-кори, мутахассислиги турли-туман бўлганлиги учун, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, универсал эмас, балки кўп ҳолларда ҳар бир оила учун ўзига хос тавсия, экспериментал материаллар ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу ҳолат ота-оаналар учун муайян мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин.



Тўртинчидан, одатда, таълим муассасаларида олиб бориладиган таълимий ёки тарбиявий йўналишдаги тажриба-синов ишлари анъанавий тарзда қўлланиб келинган педагогик тамойиллар асосида амалга оширилади. Бу тажриба-синовларлардан фарқли ўлароқ, мактабгача ёшдаги болалар билан оила шароитида олиб бориладиган тажрибавий ишларни махсус ишлаб чиқилган дастур асосида ва таълимий бошқарув органлари билан келишилган ҳолда амалга ошириш имкониятлари кескин тарзда чекланган.

Бешинчидан, бир хонага жамланган, ёши, ақлий имкониятлари, ривожланиш даражаси бир хил бўлган контингентга эга эмасмиз.

Олтинчидан, оилалар таркибининг турли-туманлиги (тўлиқ, нотўлиқ ва ҳ.к. оилалар) ҳам муайян андаза асосида ишлаш имконини бермайди.

Юқорида санаб ўтилган тафовутлар оила шароитида мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этишда бир қатор мураккабликлар келтириб чиқаради ва ташкилий-педагогик ўзига хосликни талаб этади.

Тажриба-синов ишларини ташкилий-педагогик жиҳатдан тўғри олиб бориш учун, биринчи навбатда, аниқланиши лозим бўлган кўрсаткичлар қўлами белгилаб олинди. Буларнинг асосийлари куйидагилардан иборат.

1. Ота-оналарнинг педагогик билим даражаларини, шу жумладан, уларнинг болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришга оид билимлари қўламини аниқлаш.

2. Оила шароитида ота-оналарнинг ўз фарзандларига эстетик мазмундаги билимлар беришга мойилликлари (истайди, истамайди, бепарқ ва ҳ.к.).

3. Ота-оналарнинг ўз фарзандларига эстетик тасаввурга оид билимларни сингдиришда қўллайдиган билимлар қўламига эга бўлиши, яъни болаларга педагогик нуқтан назаридан тўғри йўналиш бера олиши, уларда педагогик билим ва методик малакаларнинг мавжудлиги.

4. Оила шароитида ота-оналарнинг ўз фарзандларига сингдириши мумкин бўлган эстетик мазмундаги материалларнинг манбалари, баддий қадрият ва анъаналардан хабардорлик ҳамда уларда ўз фарзандлари тарбиясида фойдалана олиш компетенциясига эгаллиги (масалан, тасвирий санъат, халқ амалий безак санъати, дизайн санъати, бадний

хунармандчилик, санъат турлари – театр, кино, мусиқа ва бошқалар ҳақида муайян билим ёки тасаввурга эга бўлиш).

5. Фарзандларга эстетик мазмундаги билим беришда ота ва она мулоҳазаларининг муштараклиги (ёки аксинча).

6. Эстетик тасаввури шакллантириладиган боланинг яшаш шароити (оиланинг таркиби, ота-оналарнинг педагогик билимлардан хабардорлик даражаси (касби, мутахассислиги), ижтимоий мавқеи ва иқтисодий шароитлари).

7. Оиладаги мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ривожланганлик даражалари (интеллектуал, эстетик, жисмоний, руҳий ва бошқа кўрсаткичлар бўйича).

8. Болаларнинг мойилликлари, шу жумладан, эстетик қизиқишлари, уларнинг оила аъзолари, айниқса, ота-оналарнинг қизиқишлари ҳамоҳанглиги ва бошқа кўрсаткичларнинг киёсий таҳлили.

Кўриниб турибдики, оила шароитида болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш жараёнини кузатиш, муайян мазмунда маълум йўналишда тажрибалар ўтказиш учун бир қатор педагогик кўрсаткичларни инобатга олиш талаб этилади. Шунинг учун тажрибаларни ташкил этишнинг дастлабки босқичи сифатида уларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Демак, юқорида санаб ўтилган аниқланиши лозим бўлган кўрсаткичлар ҳақида маълумот тўплаш учун анъанавий педагогик услублардан фойдаланилди. Хусусан, биринчи навбатда, тажриба-синовга жалб қилинган оилаларнинг ҳолати аниқланди. Бунда оиланинг таркиби, моддий таъминланганлик даражаси, маънавий ҳолати, турмуш тарзи, оилада шаклланган ва авлодлар алмашинуви даврида ҳам амал қилиб келаётган анъаналар, тарбияланаётган болаларнинг гендер хусусиятлари, ақлий-интеллектуал шаклланганлик даражаси, бадий-эстетик мазмундаги табиий мойилликлари, қизиқишлари, лаёқатлари ва бу борадаги тасаввурларининг шаклланганлик даражаси ва ҳ.к. кўрсаткичлари эътиборга олинди.

Ота-оналарнинг эстетик мазмундаги билимлари даражасини аниқлашда қўлланиладиган ижтимоий мазмундаги сўровлар ҳам ҳолатни аниқлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Жумладан, ота-оналарнинг бу борадаги педагогик билимларини аниқлаш мақсадида уларга куйидаги мазмундаги саволлар билан мувожаат қилинди:

1. Эстетик таълим-тарбия ҳақида нимани биласиз ва уни боланинг бадиий-интеллектуал ривожланишидаги ўрнини қандай баҳолайсиз?

2. Бадиий-иждодий соҳалардан қайси бирини биласиз?

3. Болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда, сизнингча, устувор тарзда қайси санъат турларидан қай тарзда фойдаланиш мақсадга мувофиқ?

4. Сизнингча, оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш жараёни қандай кечиши керак?

5. Оилада болаларнинг эстетик тасаввурларини шакллантириш уларнинг қизиқишлари бўйича ташкил этилиши лозимми ёки ота-оналарнинг ўзлари болаларнинг эстетик қизиқиш йўналишларини белгилаганлари маъқулми?

6. Болалар билан ишлашда уларнинг ёшига қараб (масалан, 5 ёки 7 ёшлилар билан) машғулот мазмунини алоҳида-алоҳида белгилаш керакми ёки шарт эмасми?

Юқоридаги саволлар билан мурожаат этилганда, ота-оналарнинг болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш жараёнини педагогик бошқаришга оид компетенциялари даражаси аниқланди.

Ота-оналар билан ўтказилган ижтимоий сўровлар натижаларидан маълум бўлдики, болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш жараёнини ташкил этишда, аввало, ота-оналарнинг тайёргарлик даражаларидан келиб чиқиш лозим. Шунингдек, тажриба-синов ишларининг мазмунини белгилашда ҳам ота-оналарнинг жараёнга педагогик раҳбарлик қилишга тайёрлик даражалари инобатга олинди. Зеро, эстетик таълимни ранг-баранг, янги кийим кийишда (яъни эстетик таълим ҳақида ҳеч нарса билмаслик) деб билиш, ўз фарзандларининг эстетик қизиқишлари ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмаган ота-оналар учун ўзига хос материал тайёрлашни, улар билан услубий ишларни олиб боришни талаб этади. Тажриба-синов ишларининг ташкилий-педагогик жиҳатларини ҳал этишда айнан мана шу масалалар ҳам диққат марказимизда бўлди.

Иккинчи навбатда, ота-оналарнинг фарзандларига эстетик муносабатлари кузатилди:

– ота (она) ўз фарзандига эстетик тасаввур борасида шахсий намуна бўла оладими? Бу масалада тўлиқ ҳолатдаги кузатувчанлик талаб этилади;

– ота (она)нинг шахсий сифатлари ораста, эстетик жиҳатдан муайян баҳоси, эстетик талаблар даражадалиги, ўта дидсиз, пала-партишлик каби тарзда кийинишлари; ўз хатти-ҳаракатлари, фаолияти (телевизорда бадий-эстетик савияси юқори бўлган кўрсатувларни кўради, оила аъзоларини ҳам шунга даъват этади, ўз ҳаракатларини шарҳлаб, болаларига кузатилаётган воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушунтириб боради; бадий адабиёт ўқийди ва ҳ.к.) билан фарзандларида эстетик тасаввурларни шакллантиришда намуна бўлиш; фарзандларидаги қизиқиш ва интилишларни рағбатлантириб бориш ва ҳ.к.

Шунингдек, параллел тарзда болаларнинг эстетик майллари, қизиқишлари, эҳтиёжлари ҳам кузатилди. Унда Ф. Б. Валихўжаеванинг<sup>1</sup> услубларидан ижодий фойдаланган ҳолда болаларнинг:

– эстетик тасаввурлари кўлами (гўзаллик ҳақида муайян тушунчалар элементлари кузатилади, эстетик тасаввур мутлақо шаклланмаган ва ҳ.к.);

– у ёки бу ҳолатга, ҳодисага, буюмга (бу мос равишдаги уйдаги турмуш тарзи, ўтказиладиган байрам тадбирлари, хона жиҳозлари, оила аъзоларининг либосларидан тортиб шахсий буюмларигача бўлган қизиқишларининг мавжудлиги, унинг даражаси, қизиқишнинг онглилиги ва бошқалар);

– болаларда эстетик ҳиссиёт, у ёки бу ҳолатга муносабат, психологик жараёнларнинг мавжудлиги;

– эстетик мазмундан завқ олиш ҳисси, унга эстетик муносабат билдириш (кўрганлари, ҳис этганларини шарҳлайди, унга нимадир қўшимча қилишга интилади ва ҳ.к.);

– эстетик ҳолатларни хотирада сақлай олиш, уни тасаввур ва идрок қилиш орқали хотирада қайта тиклаш, уни муайян даражада бойитиш;

– болада аниқ ифодаланувчи эстетик тасаввур элементларининг мавжудлиги.

Ота-оналарнинг педагогик билим ва услубий малакаларини аниқлаш учун ишлаб чиқилган саволнома, анкета сўровномалари ёр-

---

<sup>1</sup> Валихўжаева Ф. Б. Талабаларни мактабгача таълим муассасаларида болаларга эстетик тарбия беришга тайёрлаш. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш ёчун ёзилган диссертация. – Тошкент: Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, 2005.

дамида юқоридаги кўрсаткичлар ўрганилди. Тажриба-синовнинг таъкидловчи, яъни мавжуд муайян ҳолатни қайд этувчи дастлабки босқичида 68 та оила ўрганилди. Улар, асосан, Наманган вилоятининг Уйчи тумани маҳаллаларидаги оилалар, шунингдек, кариндош-уруғлар, ҳамкасблар (Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика институти ҳамда Наманган давлат университетининг профессор-ўқитувчилари, ходимлари, оилали талабалари) бўлиб, уларнинг ўз фарзандларида тажриба-синов якунида кўзда тутилган фараз – эстетик тасаввурларнинг шаклланганлик даражасини 100 фоиз деб олсак, олинган маълумотларга кўра, бу кўрсаткич 38 фоиздан ортмади, айрим тамойиллар бўйича, хусусан, ўз фарзандларида эстетик тасаввурларни шакллантиришга йўналтирилган билим ва услубий малакалар даражаси ўрта ҳисобда 12 фоизни ташкил этди. Бу ерда кузатилган асосий педагогик ва услубий нуқсонлар фарзандларга берилаётган эстетик мазмундаги маълумотларнинг педагогик меъёрга мос келмаслиги (масалан, мулоқотда буйруқ майлининг устуворлиги; болаларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олмаслик, жумладан, фаолиятга ўйин элементларидан оқилона фойдаланиб киришиш); болаларнинг табиий мойилликларини аниқлашда уқувсизлик, (масалан, ўғилнинг доира чертишга эмас, балки бадиий лойиҳалашга ҳам қизиқиши, табиий мойиллиги бор. Ота ўз қизиқишидан келиб чиқиб, ўғлига бирор машғулотни тавсия этади, айрим ҳолларда мажбур қилади) ва ҳ.к.

Кузатувлар оила шароитида болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш борасида ота-оналарнинг педагогик билим ва услубий малакаларининг талаб даражасида эмаслигидан ташқари уларнинг муштарак нуқтаи назарга эга эмасликлари ҳам кузатилди. Бу ҳар хиллик эстетик мазмундаги жуда кўп фаолият турларида (уйни жиҳозлаш, қандай телекўрсатув кўриш, қандай мусиқа тинглаш, қайси рангда кийим кийиш, қайси шоир ёки ёзувчининг асарини ўқиш), болани нимага ва қандай ўргатиш, қисқаси, турфа хилма-хиллик кузатилади. Табиийки, тажриба-синов ишларини ташкил этишда бу жиҳат ҳам ўта муҳим ҳисобланди.

Мактабгача ёшдаги болаларга эстетик тарбия беришнинг шакл ва воситалари, методлари ҳақида фикр юритар экан, Ф. Б. Валихўжаева ўз тадқиқотида ижодий топшириқлардан кенг фойдаланишни тавсия этади ва берилаётган тавсияларини қуйидагича асослайди: «Мактабгача ёшда бўлган болаларда ўйин билан боғлиқ методик усуллар кенг

қўлланилади. Агарда тарбияни (бизнинг амалиётимизда ота-она) ўйинли ҳаракатлар яратса, бадний материал кизиқарли шаклда берилган бўлса, болалар ўртасида ўйинга хос мусобақа ҳоллари намоён бўлса, бола турли фаолиятни муваффақиятлироқ эгаллайди»<sup>1</sup>. Бу фикрни давом эттирар экан, Ф. Б. Валихўжаева айрим қарама-қарши услубларни маъқуллаб, уларни ташкил этувчи усуллар бир-бирини тўлдириб туришини таъкидлайди. Уларнинг баъзилари сифатида:

– тарбиячининг (тадқиқотимизда ота-онанинг) сўзи (тушунтириш ва кўрсатиш) ва санъат асарларини намойиш этиш билан тугалланувчи кўрсатмали ва бажариш усулларини кўрсатувчи методлар;

– онгли ёндашишнинг ўсиши, анализ қилиш ва қиёслаш кўникмаларини ўстирувчи ҳамда хиссий кечинмаларга ундовчи усуллар;

– аниқ риоя қилиниши керак бўлган ҳаракатларни кўрсатиш ва мустақил ҳаракатни шакллантирувчи усуллар;

– машқ қилиш малакаларини чиниқтиришга йўлланган ва оригиналлик, ижоднинг ўзига хослиги, ўйлаб топиш, вариантликни назарда тутувчи усулларни тавсия этади. Бу усуллар маълум даражада бизнинг тажриба-синов ишларимизда ҳам муайян ўзгартиш ва тўлдиришлар билан қўлланиши мумкинлиги боис ташкилий-педагогик тадбирларда улардан ҳам фойдаланилди.

Бу усулларга қўшимча тарзда:

– болаларни амалий фаолиятга қизиқтириш, бу жараёнда ўйин элементларидан самарали фойдаланиш, муаммоли вазиятларни юзага келтириш, унинг ечимини мустақил топишга ундаш (масалан, у ёки бу буюмнинг ранги қандай бўлганида унинг ташқи кўринишига мос келади?);

– биргаликда эстетик мазмунда фаолият кўрсатиш (у ёки бу ҳодисани, объектни, буюмни биргаликда муҳокама қилиш, ундан эстетик завқ олиш);

– ҳодисаларни, буюмларни эстетик идрок этиш жараёнида болаларда эмоционал хиссиёт, сезгини оширишга ундаш;

– ота-она томонидан у ёки бу жиҳат, сифатни ривожлантиришни таъминловчи намуна кўрсатилиши, бажариб кўрсатиш, ўргатиш, болани ўз кучи ва имкониятларига ишонтириш;

---

<sup>1</sup> Валихўжаева Ф. Б. Талабаларни мактабгача таълим муассасаларида болаларга эстетик тарбия беришга тайёрлаш. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш ёчун ёзилган диссертация. – Тошкент: Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институту, 2005. – 91-б.

– ижодий-эстетик мустақиллик, ташаббускорлик йўналишидаги фаолиятни рағбатлантириш каби методик ёндашувлар ҳам тажриба-синов ишлари жараёнида қўлланилди.

Ота-оналарнинг ўз фарзандларида эстетик тасаввурни шакллантиришларини ташкил этишдан аввал уларнинг эстетик билимлари савияси аниқланди. Бу педагогик тадбир махсус ишлаб чиқилган анкета орқали бадиий-эстетик мазмундаги фаолиятни комплекс қамраб олишни назарда тутди. Хусусан, бадиий ижодиёт ва санъат турлари:

- театр;
- кино;
- меъморлик;
- амалий санъат;
- бадиий ҳунармандчилик;
- тасвирий санъат;
- муסיқа;
- бадиий адабиёт.

Ҳар бир санъат тури доирасида унинг турлари, жанрларини билиш, чунончи:

– театр санъати бўйича: унинг тур ва жанрлари – драма, комедия, муסיқали драма ва комедия, опера ва балет, кўғирчоқ театри ва ҳ.к. Театр санъатини ташкил этувчи компонентлар: сценарий, пьеса, либретто, муסיқа; режиссура; сценография (сахна беазаги, грим, костюмлар, бутафория); балетмейстер, дирижёр фаолияти ва, энг муҳими, актёр ижроси;

– кино санъати бўйича: ёзувчи-сценарист; режиссёр; оператор; расом; актёр; лозим бўлган ҳолатларда каскадёр, бутафор, гримчи;

– меъморлик бўйича: меъморлик тарихи – Шарқ ва Ғарб меъморлиги, ундаги умумийлик ва тафовутлар; меъморликдаги анъана, усул ва омиллар; замонавий меъморлик ва ҳ.к.;

– амалий санъат бўйича: бадиий наққошлик; ганч ва ёғоч ўймакорлиги; амалий санъат йўналишлари мактаблари;

– бадиий ҳунармандчилик бўйича: заргарлик, қандакорлик, кулдолчилик, зардўзлик, гиламдўзлик ва бошқалар, уларнинг мактаблари ва ҳ.к.;

– тасвирий санъат бўйича: унинг турлари – рангтасвир, графика, хайкалтарошлик; жанрлари – портрет, манзара, натюрморт, маиший, батал, маринистик, анималистик;

– мусиқа санъати бўйича: турлари – мақом, лирик кўшиқ (замонавий ва тарихий-анъанавий), эстрада кўшиқлари; театр мусикаси – ариялар, оханглар; оперетта, опера;

– бадий адабиёт бўйича: турлари – наср (хикоя, қисса, роман) ва назм (ғазал, шеър, дoston).

Табиийки, тажриба-синов ишлари жараёнида ота-оналарнинг юқоридаги санъат турларидан муайян маълумотга эга бўлиши билан бир қаторда унинг яратувчилари ҳақида ҳам тушунчага эга бўлиш (масалан, актёр роль ижро этади, режиссёр театрда спектакл саҳналаштиради, кино олади, созанда куй, ҳонанда кўшиқ ижро этади, рассом картина яратади, шоир шеър, ёзувчи роман, қисса ёзади, уста нақш чизади, ганж ўяди, сопол буюм ясайди ва ҳ.к.).

Таъкидловчи тажриба-синов ишларининг натижалари юқорида санаб ўтилган тур, соҳа, фаолият йўналишлари бўйича ота-оналарнинг тасаввурлари, тушунчалари бўлса-да, уларни ўз фарзандларига тақдим этиш механизми, усулини билмасликлари, маълумотларни умумлаштириш ва хулосалаш малакалари етишмаслиги боис тажриба-синов ишларининг ташкилий жиҳатларини ҳал этиш, уни услубий жиҳатдан таъминлашда айнан мана шу жиҳатларга эътибор қаратиш кўзда тутилди. Шакллантирувчи тажриба-синов ишларининг якуний натижалари бу ёндашувни тўғрилигини исботлади.

Тажриба-синов ишларини ташкил этишда эстетик тасаввурлари шакллантирилиши лозим бўлган болаларнинг ақлий, руҳий, жисмоний, бадий шаклланганлик даражалари ўрганилди. Дастлабки кузатувлар шуни кўрсатдики, бизни кўпроқ қизиқтирган бадий-эстетик тасаввурлар элементлари ўта чекланганлиги билан ажралиб туради. Улар чиройли нарса, буюм деганда, асосан, ранг, кийим (асосан, қиз болалар), ўйинчоқ, велосипед, машина (ўғил болалар)ни тушундилар. Соф эстетик мазмундаги кўрсатмалар (санъат асари – рассом яратган картина, кўшиқ, спектакл, тарихий муҳташам бино, нақш, ганч ёки ёғоч ўймакорлиги намунаси, шакл, ранг ва нақш композицияси, гўзал чинни идишлар тўплами ва шу кабилар) ҳақида тасаввурлари жуда паст даражада. Демак, шакллантирувчи тажриба-синов ишларини ташкил этишда айнан шу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Оила шароитида тарбияланаётган 4–6 ёшли болаларнинг ранглар ҳақидаги билимларини аниқлаш учун ўтказилган тажрибалар шундай



натижа берди: болалардан мустақил тарзда ранг турларининг номларини санаб бериш сўралганда, 3 тадан 7 тагача ранглар номи саналди ва, асосан, оқ, қора, қизил, кўк, яшил, сарик, жигарранг туслар тилга олинди. Айрим ҳолларда рангларнинг русча номларини ҳам айтдилар. Бу кўрсаткич, асосан, ўғил болаларда кузатилиб, улар машиналарнинг ранги билан боғлиқ (мокрый асфальт, стальной цвет, фиолетовый, пурпурный) атаган рангларининг моҳиятини, аслида, ўзлари англамайдилар.

Оилада эстетик мазмундаги машғулотлар бўладими (табiiйки, саволлар болаларга тафсилотлари билан, тушунтирилган ҳолда берилди) деган саволга мутлоқ кўпчилик жавоб бермаган. Саволлар тафсилотлари билан тушунтирилганда айримлари концертга тушиши, биргаликда телевизорда кўрганини муҳокама қилишини, айниқса, сериаллар кўришни эстетик мазмундаги машғулот сирасига киритган. Шунингдек, жавоблар ичида шеър айтиш, рақсга тушиш, расм чизиш каби фаолиятлар ҳам айтиб ўтилган. Шаҳар шароитида яшайдиган оилалар концертларга тушишларини ҳам айтиб ўтганлар. Эстетик тарбиянинг самарали омилларидан бири – музейларга тушиш, кўргазма заллари, картиналар галереясига бориш, афсуски, мутлақо тилга олинмаган.

Республикамизнинг марказий шаҳарлари, вилоят ва туман марказларидаги ўқувчилар ижодиёти марказларидаги бадий-эстетик йўналишдаги тўғарақларга болаларнинг ота-оналари, буви ва боболари, катта ёшдаги опа ёки акалари томонидан олиб борилиши ҳам жавобларда қайд этилмаган.

Юқорида таъкидланган ҳамда, айтилган пайтда, ҳам ота-оналар, ҳам мактабгача ёшдаги болаларга тегишли эстетик тасаввурларнинг шаклланиш шакллари, кўрсаткичлари бевосита шакллантирувчи тажриба-синов ишларининг дастури, ташкилий-педагогик жиҳатлари қўлланиладиган услуб, восита, усуллар, машғулотларни олиб бориш тартиблари ва шакллари белгиланган имконини берди. Унга кўра ота-оналар учун махсус тавсияномалар ишлаб чиқилиб, фарзандларида эстетик тасаввурларни шакллантиришда айнан шу кўрсатмаларга амал қилиш тавсия этилди.

### 3.2. Оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришга оид тажриба-синов ишлари натижалари

Бир неча бор таъкидланганидек, оилада мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш бўйича амалга оширилмайдиган тажриба-синов ишларининг ўзига хос талаблари мавжуд. Шу талаблар асосида ишлаб чиқилган мазмун, услуб, педагогик шарт-шароитларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш тажриба-синов ишларининг асосий йўналишини белгилаб берди. Шунга мувофиқ, тажриба-синов ишларининг иккинчи босқичида ота-оналар учун тайёрланган айрим ишланмалар, услубий кўрсатмалар, болалар учун машғулотлар (фаолият) тизими тавсия этилди ҳамда тажриба-синов ишларининг муҳимлик нуқтаи назаридан мантикий кетма-кетликда бажариладиган вазифалар кўлами аниқлаб олинди. Унга кўра биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар сифатида бевосита ота-оналарнинг педагогик, психологик билимлари, услубий малакаларини таркиб топтириш белгилаб олинди. Шунга мувофиқ тарзда тажриба-синов ишларининг иккинчи босқичида ота-оналарни ўз фарзандларида шакллантириши лозим бўлган эстетик тасаввурнинг таркибий тамойиллари, мазмуни ҳақида етарли маълумотга эга бўлишлари билан боғлиқ масалалар эътиборга олинди. Кейинги босқичларда мос равишда:

- таклиф этилган мазмунни ўз фарзандарига етказиш методикасини эгаллаш;
- эстетик тасаввурларни шакллантириш жараёнини педагогик бошқариш, лозим бўлган ҳолларда бу жараёнга муайян тузатиш, ўзгартириш киритиш, бу ҳақда тадқиқот раҳбарига тавсия бериш;
- фарзандларида кузатилаётган ўзгаришларнинг истиқболини прогностика қилиш;
- ҳар бир бола бир дунё, айна пайтда, ўзича ўзгача дунё эканлигини билиш ва шунга монанд фаолият кўрсатиш (таълимни индивидуаллаштириш принципи бўйича);
- қарашлардан (олинаётган натижалардан) тўғри хулоса чиқара олиш каби масалалари кузатилди. Кузатишларнинг натижалари ота-оналарда керакли ва етарли услуб билан таъминланганда педа-

гогик билим ва малака босқичма-босқич такомиллашиб боришини кўрсатди.

Олинган натижаларнинг таҳлилидан аён бўлдики, ота-оналарнинг ўз фарзандларида эстетик тасаввурларни шакллантиришга оид педагогик билим ва малакалари болаларда шакллантирилиши режалаштирилаётган сифатларни таркиб топтиришда лозим бўлган педагогик шарт-шароитларни таъминлаш учун етарли эмас. Шунинг учун тажриба-синов ишларида бир вақтнинг ўзида ота-оналарнинг лозим бўлган билим ва малакаларини шакллантириш учун махсус кўрсатмалар ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов жараёнидаги биринчи галдаги масала, ота-оналарнинг болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда қўлланиладиган фаолият турлари ҳақида муайян тасаввурларни таркиб топтиришдан иборат бўлди. Бу борада, табиийки, санъат турларининг болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришдаги таълимий ва тарбиявий имкониятлари нуқтаи назаридан таснифланди. Бу таснифларга кўра санъат турларининг педагогик имкониятларини қуйидагича таърифлаш мумкин.

Санъат турлари ичида, шубҳасиз, мусиқа биринчи ўринда эътироф этилади. Зеро, у кишилар ҳаётига энг чуқур кириб борган санъат тури. Агар киши (болалар ҳам) кун бўйи бир неча бор мусиқа асарини тингласа, тасвирий санъат асарлари, театр санъати, бадиий адабиёт намуналаридан (ўқиб эшиттирилган юқори бадиий эстетик савиядаги асардан) ойлаб, йиллаб бахраманд бўлмаслиги мумкин. Шу нуқтаи назардан, болалар оилада мустақил кўшиқ айтади, радио ёки телевидение орқали берилаётган кўшиққа жўр бўлади, кейинчалик уни хиргойи қилади, куйига рақсга тушади. Бир қарашда жуда оддийдек туюлган бу фаолият тури оддий, шунчаки маиший ҳаётнинг бир эпизоди сифатида туюлиши мумкин. Бироқ бу жараён муайян мазмун ва услубда олиб боришни талаб этади. Табиий-ирсий жиҳатдан семизликка мойил бўлган, қўл-оёқлари калта ва гавдаси тўла қизларнинг рақс санъатига қизиқишлари, санъат турлари ичида рақсдан бошқасини бутунлай тан олмасликлари уларнинг эстетик тасаввурлари шаклланиш жараёни нотўғри йўналганлигидан далолат беради. Рақс ҳаракатларида (бадиий, спорт гимнастикасида ҳам) ҳаракат амплитудасининг катталиги унинг эстетик жозибасини таъминлайди. Айнан шу жиҳат учун ҳам рақс санъатига ихлосманд қизларда улар-

нинг эстетик тасаввурларини шакллантиришда юкоридаги жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Бироқ буни ўта маданиятли тарзда, юксак педагогик такт ҳисобига амалга ошириш керак.

Кейинги йилларда санъат турлари ичида кино санъати сезиларли даражада ривожланди. Айниқса, ижтимоий муаммоларнинг сюжетларга асос қилиб олинishi, шунингдек, хорижий сериалларга миллий сериалларнинг қўшилиши кино санъатининг таъсир доирасини кескин ошириб юборди. Шунинг учун кино ва театр санъати энг таъсирчан воситалиги билан ажралиб туришини эътиборга олиш лозим.

Болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда бадий адабиётнинг имкониятлари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бойси, биринчидан, унинг турлари кўп: болалар учун ёзилган шеърлар, ҳикоялар, топишмоқлар, маталлар, қадимий афсона, ривоят, эртаклар ва х.к. Шунинг учун оилада болаларни эстетик туркумдаги мазкур фаолият тури билан шуғулланишини шартли равишда бадий адабиёт деб аташ мумкин. Аслида, унинг элементлари дейиш тўғри бўлади. Чунки мактабгача ёшдаги болалар роман, қисса ёки дoston ўқимади. Улар айрим халқ эртакларининг сюжетлари билан таниш бўладилар. Шеърлардан парчалар ёд оладилар, баъзи монологик парчалар, топишмоқларни биладилар. Муҳими, бу ёшдаги болаларда ишонувчанлик, тасаввур яхши ривожлангани учун эстетик тарбиянинг мазкур йўналиши ҳам муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Шу нуқтан назардан, ота-оналар ўз болаларининг «бисотлари»дагини улар билан параллел тарзда ўзлаштириб бориши, уларни фарзандларида ахлоқий-эстетик сифатларнинг таркиб топиб боришига сафарбар этиб бориши лозим. Зеро, бадий адабиётнинг нафақат эстетик тасаввурларни, балки кенг камровли дунёқарашни, умуман, бадий-интеллектуал тафаккурни таркиб топтириш ва ривожлантиришдаги аҳамияти беқиёс.

Энди юкоридаги кўрсаткичлар бўйича болаларнинг эстетик тасаввурлари шаклланганлик даражасининг тажриба-синовдан олдинги ҳолатини аниқлашдан аввал уларнинг фаолият турлари бўйича тақсимланишини кўриб чиқамиз.

Бу натижалар, биринчи навбатда, ота-оналарнинг фарзандлари қизиқишларининг йўналишлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, иккинчи навбатда эса, болалар билан ўтказилган савол-жавоблар, суҳбатлар, айримларининг фаолиятлари, машқларини кузатишимизга асосланган ҳолда олинди. Табиийки, бу натижалар объектив, ҳақиқий натижа

сифатида эътироф этилиши мумкин эмас. Биринчидан, бу объектив ҳақиқат, болаларнинг оила шароитида оммавий ўрганиш имконияти чекланган. Иккинчидан, ота-оналарнинг айримлари ўз фарзандларининг эстетик қизиқишлари ҳақида реал, объектив тасаввур, маълумотга эга эмас.

Юқоридаги фаолият турлари бўйича болаларнинг эстетик қизиқишлари ўрганган болаларнинг умумий сонига нисбатан олинганда болаларнинг энг кўп қисми (34,2 %) мусиқа санъатини танлаган. Бироқ бу кўрсаткич маълум маънода бир ёқламалик касб этади. Хусусан, улар мусиқа санъати деганда бир неча хонандалар, гуруҳларни тушунадилар. Улар орасида Шахзода, Лола, Райҳон, Муниса Ризаева, Тоҳир Содиков, «Шахзод», «Уммон» каби гуруҳларнинг номлари қайд этилган.

Театр ва кино санъати борасида ҳам, асосан, хорижий сериалларнинг номларини тилга олиш билан чегараланганлар. Кинонинг (театрнинг ҳам) санъат тури сифатида яралиш жараёни ҳақида тасаввурга эга эмаслар. Улар кинони, асосан, актёрлар яратади деган тасаввурга эгалар.

Бадий адабиёт соҳасидаги тасаввурлар ҳам шаклланмаганлиги натижалардан яққол кўринди. Худди шундай ҳолатни тасвирий фаолият соҳасида ҳам кўриш мумкин.

Оила шароитида болаларда эстетик тасаввурларнинг шаклланганлик даражаси педагогик тадқиқотларда кенг қўлланиладиган анъанавий шакл – кўрсаткичларнинг «юқори», «ўрта» ва «паст» категориялари билан баҳоланди.

Юқори даражадаги эстетик тасаввурларга эга болаларнинг фаолиятида мустақиллик, ижодий хаёлпарастлик, муайян ғоянинг мавжудлиги акс этади. Уларда ўз ғояларини шарҳлай олиш, ҳимоя қилиш кўникмалари шаклланган, бажарилган ишларда (фаолиятда) ғоялар ўзининг аниқ ифодасига эга, уларда эстетик тасаввурлар орқали жамият, табиат, инсон ҳаётидаги эстетик воқеликларни бадий идрок этиш малакалари шаклланган ва бу малакалар воситасида ўзларининг ҳаётга бўлган муносабатларини ифода эта оладилар ҳамда эстетик мазмунни идрок этишга таҳлилий ёндаша оладилар. Шунингдек, бу тонфага мансуб болалар санъат соҳасида ҳам муайян тасаввурларга эга бўлишлари талаб этилади. Хусусан, улар ўз фаолиятларида санъат турларининг ўзига хос жиҳатларининг элементар асосларини била-

дилар; ўзининг тасавуридаги бадий-эстетик тушунчаларни намоён этишда санъат турларидан фойдалана оладилар (кино ёки театр асарини элементар тарзда шархлай олиш, мусикага жўр бўлиш ёки унинг оҳангига мос мусикий ҳаракат қила билиш, ифодали шеър ўқиш ёки тасавуридаги образни тасвирлай олиш ва ҳ.к.), санъат асарларини, шунингдек, табиат ва буюмлардаги эстетик категорияларни ажрата оладилар; санъатдан коммуникатив восита сифатида фойдаланадилар ҳамда жамоа бўлиб ишлаш кўникмаларини намоён этадилар.

«Ўрта» даражада шаклланган эстетик тасавурларга эга болалар фаолиятида мустақиллик сезилади, бу ҳолда ижодийлик етишмайди ёки акси: фаолиятларида муайян ғоя мавжуд, лозим бўлганда уни шархлаш ва ҳимоя қилишга қодирлар, бироқ айрим ҳолларда ғояни мантикий якунига етказиш амалга ошмай қолади, яъни кизиқишларда, фаолиятда мунтазамлик, барқарорлик етишмайди. Бу гуруҳга мансуб болалар санъат турларини биладилар ҳамда уларга ўз муносабатларини билдира оладилар, табиат ва инсон ҳаётидаги эстетик категорияларни фарқлаб, шархлай оладилар, эстетик мазмундаги хатти-ҳаракатларни бирор-бир фаолият турида намоён эта оладилар, жамоа бўлиб ишлаш кўникмаларига эга ва ҳ.к.

Эстетик тасавурлари «паст» деб баҳоланган болаларни икки тоифага ажратиш мумкин. Биринчи тоифага объектив тарзда эстетик тасавурларни юқори даражага кўтариш қийин бўлган болалар мансуб бўлиб, уларнинг табийий мойилликлари, кизиқиш йўналишлари эстетик мазмунга монанд эмас, улар ўз табиатларига кўра мутлақо бошқа соҳага кизиқадилар. Уларни «ўрта» ёки «юқори» даражага кўтариш учун кўпроқ вақт керак.

Иккинчи тоифадаги болаларда «юқори» ёки «ўрта» гуруҳга мансуб болаларда кузатиш сифатларнинг айримлари намоён бўлади. Масалан, уларда эстетик фаолиятнинг муайян турига кизиқиш бор. Бироқ унинг мазмуни ўзгариб туради. Шунинг ҳисобига бирор-бир соҳада айтарли натижа кўрсата олмайди.

Тажириба-синов ишлари натижаларини баҳолашда икки тоифа мезонлардан фойдаланилди. Биринчи тоифасида мезонлар фаолият турларига мослаштирилган бўлса, иккинчи тоифада муаммонинг (болаларда эстетик тасавурлар шаклланганлигининг) элементар фалсафий-эстетик ва психологик жиҳатлари аниқланди.

Бу жараёнга ўта муҳим масала сифатида қаралишининг боиси шундаки, тадқиқотнинг пировард натижасини нафақат болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш, балки уларни мактаб таълимига тайёрлаш воситаларидан бири сифатида қаралди. Зеро, оилада болаларнинг эстетик тасаввурлари шакллантирилганлик даражасини баҳолаш, унга тўғри мазмун ва йўналиш бериш уларнинг эстетик тарбияланганлик нуқтаи назаридан мактаб таълимига тайёрлашнинг ўта муҳим масаласидир. Бу, айниқса, мактабгача таълим муассасасига қатнамайдиган болаларнинг тасаввурлари, дунёқарашларини шакллантиришда алоҳида эътиборга молик. Зеро, айти мана шу тайёргарлик даражаси муайян тарзда мактаб таълимининг сифатини белгилаб беради.

Шу ўринда мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввур ва маъналарнинг шаклланганлик даражасини баҳолаш, ўлчаш ҳақида тўхталтиш ўринли. Аслида, болаларнинг бадиий-эстетик жиҳатдан шаклланганлик даражасини баҳолашнинг кўплаб мезонлари бўлса-да, асосий эстетик категориялар бўйича бу тасаввурларни қуйидагича гуруҳлаш ва баҳолаш мумкин.

**Эстетик тасаввур ва тушунча (эстетик онг).** Маълумки, бола маънавий ҳаётда турли объект ва ҳодисалар таъсирида яшайди. Ҳар бир таъсир натижасида унда эстетик тасаввурнинг бирор-бир зарраси шаклланиб боради. Бу таъсир (алоқа) доираси турли-туман. Бу бирор-бир буюм, санъат асари, қайси тур ёки жанр бўлишидан қатъи назар, табиат, эстетик билимдон шахс, телевизорда кўрган актёр, у яратган образ, хонанда, созанда, раққоса, рассом, режиссёр ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Бу алоқа, таъсир ҳеч қачон изсиз кечмайди. Шу тариқа уларда эстетик тасаввур, тушунчалар шаклланиб, у пировард натижада эстетик онгга айланади. Бола актёр роль, хонанда кўшиқ, созанда куй, раққоса рақс ижро этишини, рассом тасвирий санъат асари яратишини англайди (эстетик онг шаклланади). Бу англашнинг кўлами, сифати эстетик идрокка боғлиқ. Демак, юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар болаларнинг эстетик тушунча ва тасаввурлари шаклланганлик даражасини баҳолаш мезони сифатида эътироф этилиши мумкин.

Назарий йўналиш касб этган бу фаолият турларига ҳар бир боланинг имконияти, майл ва қизиқишларига мос тарзда амалий фаолият

хам ҳамоҳанг тарзда ташкил этилса, эстетик тасаввур ва тушунчаларнинг самараси ошади.

**Эстетик идрок этиш** – бу мураккаб психологик жараён бўлиб, унинг мазмунини юзаки кузатиш билан тўғри баҳолаш мумкин эмас, эстетик идрок этиш фақат эстетик тушунча ва тасаввурлар негизида мавжуд булади. Агар бола ўз тасаввурига кўра, таъкидлаб ўтганимиздек, рассом тасвирий санъат асарини яратиши, хонанда кўшиқ ижро этишини англаса, эстетик тасаввурда унинг хусусий кўрсаткичларига эътибор қилади, яъни асарнинг «ичига» кириб, тўлароқ англаб боради. Йўналиш тўғри йўлга қўйилганда болалар мактаб ёшига етганида санъатнинг тур ва жанрларининг элементар фарқларини, ўзига хосликларини фаҳмлай борадилар. Шу тариқа эстетик баҳолаш қобилиятлари таркиб топади.

**Эстетик баҳолаш** – болаларда эстетик тарбияланганлик даражасини баҳолашнинг энг асосий мезони. Зеро, шу кўрсаткич бўйича болаларда эстетик тушунча ва тасаввурларнинг мазмуни, унинг сифат кўрсаткичлари, эстетик тасаввурлари шакллантирилаётган болаларнинг муайян ёшига (даврига) нисбатан мувофиқлиги (4 ёшли болага хос, 5–6 ёшли болага хос) баҳоланади.

Эстетик баҳолашнинг антик даврдан бошлаб шаклланган ўзига хос категориялари мавжуд (гўзаллик ва хунуклик ва ҳ.к.). Улар мумтоз тамойиллар бўлиб, эстетиканинг профессионал назарийчилари томонидан профессионал санъатни баҳолашда қўлланилади. Айнан шу тамойилларнинг муҳим томонлари шаклланганлиги у ёки бу ҳодиса, санъат асари ёки эстетик фаолиятнинг болаларда мавжудлигини белгилаш, уни баҳолашга асос бўлади. Бугунги кунда мана шу категория бўйича баҳо беришда болаларнинг фаолиятини бошқариш муҳим. Айниқса, ўзбек мумтоз мусикаси ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларнинг шаклланишида миллий мусиқа, мусиқий қадриятларни ўзлаштиришга қизиқиш пасайиб бораётганлигини афсус билан эътироф этмоқ жоиз. Чунки ногўғри фикрлар шаклланиши натижасида болаларда ўзбекча бўлмаган мусиқий асарларни тан олиши, унинг ижрочиларини идеал сифатида эътироф этишлари натижасида миллий бадий-эстетик қадриятларнинг авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтишида узилиш содир бўлиш хавфи юзага келмоқда. Бу ҳолатнинг хавfli томони шундаки, эстетик идеал болаларда эстетик эҳтиёж мазмунини белгилаб беради.



Эстетик эҳтиёж ва қизиқиш болаларнинг индивидуаллигидан келиб чиқади, яъни болалар ўз табиий мойилликларига қараб фаолият турларида табақалашиб боради ва уларнинг орасида раққосалар, кўшиқчилар, рассомлар, дизайнерлар, усталар ажралиб чиқа бошлайди. Шу босқичда болаларнинг бу фаолиятларига ота-оналар томонидан педагогик жиҳатдан раҳбарлик қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу педагогик раҳбарлик оила шароитида ота-оналар томонидан олиб борилади. Шунинг учун уларнинг ўзлари эстетик мазмундаги раҳбарлик фаолиятига тайёр бўлишлари талаб этилади. Шунингдек, ота-оналар, мактабгача таълим муассасалари мураббийларининг педагогик фаолияти ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлишлари лозим. Зеро, ҳар қандай таъсир этувчи омил, кўрсатма, йўлланма берувчи жараён болалардаги эстетик фаолият (қизиқиш) даражаси ва сифатини (фаол, мунтазам, фрагментал, суст ва ҳ.к.) белгилаб беради ва истикболда эстетик дидга эга шахсни тарбиялашга замин яратади. Эстетик дидга эга шахс ўзининг мутахассислиги, ихтисослигидан қатъи назар, ижтимоий ҳаётда фаол, маданий турмуш, ишлаб чиқариш, жамоат объектларининг эстетик савиясини таъминлашга, белгилашга ҳисса қўша оладиган шахс бўлиб шаклланади. Бу комил инсон тарбиясининг таркибий қисми сифатида муҳим ижтимоий ҳамда педагогик аҳамиятга эга.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда олиб борилиб, унинг биринчи босқичида ота-оналарнинг ўз фарзандларида эстетик тасаввурларни шакллантиришга педагогик, психологик ва методик жиҳатдан тайёргарлик даражаси, болаларнинг эстетик тасаввурлари кўлами ва даражалари ўрганилди ҳамда унга монанд тарзда ишланмалар, услубий материаллар ва кўрсатмалар тайёрланди. Иккинчи босқичда бевосита мактабгача ёшдаги болаларда оила шароитида эстетик тасаввурларни шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилди. Мунтазамлик касб этувчи мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим ва бошқа таълим муассасаларидан фарқли ўлароқ, бу тажрибавий машғулотлар мунтазамлик касб этмайди.

Тажриба-синов ишларининг натижалари умумлаштирилиб, таҳлил этилганда унинг таълимий ва тарбиявий жиҳатдан қуйидаги хусусиятлари кузатилди.

Эстетик мазмундаги машғулотлар мажмун тавсия этилганда бола аста-секин ўзининг табиий мойиллигига мос машғулотга ўта бошлайди. Масалан, кино санъатида иштиёқманд болада лойиҳачилик сифат-

лари намоён бўла бошлади. Олдинлари укасининг бузуқ ётган ўйинчоқ машинасига эътиборсиз қараган бола унинг ташқи кўринишини ўзгаритиришга, бузуқ жойини тузатишга интилиш билан ўйинчоқ машинага эстетик кўриниш беришга интилиш ҳисси намоён бўла бошлади. Худди шунингдек, айрим қиз болаларда фаолиятнинг бир туридан иккинчи турига ўтиш ҳоллари ҳам кузатилди. Тажриба-синовнинг бошида болалар қизиқишларига қараб гуруҳлаштирилганда дастлаб мусика ва рақс санъатига қизиқиши устувор бўлган айрим қизларда тасвирий фаолиятга қизиқишлари ортиб борди. Муҳими, уларда нафақат эстетик тасаввурлар шакллана борди, балки бу тасаввур мазмун жиҳатидан муайян маъно касб эта бошлади. Бу уларнинг чизаётган либос вариантларида яққол кўриниб, ранг, шакл, бадний-конструктив ечим нуқтаи назаридан реаллик касб эта бошлади.

Яна бир жиҳат: тажриба-синовнинг бошланишида болалар бадний материалдан фойдаланишда қатъиятсизлик, айрим ҳолларда таваккалчилик, аниқроғи, восита ва техникаларни стихияли қўллаган бўлсалар, тажриба-синов даврида бу фаолият жараёнидаги хатти-ҳаракатлари аниқ мақсадга йўналтирилганлик ҳамда онглилик маҳсули сифатида намоён бўла бошлади. Шунингдек, улар онгли равишда бадний материал ва воситаларни комбинациялашни ўргана бордилар. Масалан, фломастер, рангли бўёқ, турли ранг ва фактурадаги газмол, қоғозлардан тўғри фойдалана бошладилар. Бу омил уларда эстетик тасаввурларнинг шаклланганлик даражасини белгилашда юқори даражага мансублигини эътироф этишга асос бўлди.

Худди шунингдек, фаолиятда «коррекцияланган» болалар сони кўп бўлмаса-да, уларнинг бир қисми ўзларининг табиий мойилликларига мос фаолият турларини танлаш имконига эга бўлдилар.

Болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш учун уларнинг табиий мойилликлари, қизиқишнинг йўналишига қараб дифференциал ёндашув қўлланади. Иккинчидан, бу тизим ота-оналар учун тавсия этилади. Чунки улар бадний-ижодий соҳалар ҳақида етарли маълумотга эга бўлишлари лозим.

Тажриба-синов ишларининг биринчи назорат баҳоланишдаги натижалари шуни кўрсатдики, эстетик тасаввурлари шакллантирилаётган болаларда фаолият ўзгаришлари билан бир қаторда тасаввурларнинг шаклланганлик даражасида ҳам сифат ўзгаришлари кузатилди.

Кузатувлар, жараёнларнинг таҳлилидан шу нарса маълум бўлдики, кўпчилик ота-оналарнинг педагогик ва психологик билимлар даражаси ҳамда методик малакалари талаб даражада эмаслиги, ота-оналарнинг болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда уларнинг ёшларига мос услубларни (масалан, машғулотларга мос тарзда ўйин элементларини қўшиш, болаларда рўй берган ижобий ҳолатларни ўз вақтида рағбатлантириш ва бошқалар) танлаш, қулай шароитлардан оқилона ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш борасида йўл қўйган камчиликлари тадқиқ этилаётган жараёнда ижобий силжишларнинг суръати нисбатан юқори эмаслигига сабаб бўлди. Бир сўз билан айтганда, ота-оналарнинг педагогик компетенциялари талаб даражасида эмас.

Олинган натижаларнинг таҳлиллари педагогиканинг яна бир олтин қондаси муҳим аҳамият касб этишини кўрсатди, яъни тарбияда ибрат методи барча замонларда энг самарали методлардан бири сифатида эътироф этиб келинган. Бизнинг мисолимизда эса, айрим ота-оналар болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш маъносида ўз фарзандларига ибрат кўрсата олмайдилар. Шунингдек, фарзандларига топшириқларни бажаришга ундайдиган намуна кўрсатмайдилар. Бу омилларнинг барчаси тажриба-синов ишларининг навбатдаги босқичларида муайян даражадаги тузатиш ишларини амалга ошириш лозимлигини кўрсатди. Шунинг учун тажриба-синов ишларининг кейинги босқичларини ўтказиш режаларига бир қатор ўзгартишлар киритиш талаб этилди. Бу ўзгаришлар тизимида, биринчи навбатда, ота-оналарнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳисобига улардаги коммуникатив ишчанликни оширишга эришиш диққат марказида бўлди. Бунинг учун Республика «Оила» илмий-амалий маркази, Республика маънавият ва маърифат маркази, Миллий мафкура илмий-тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси ва бу ташкилотларнинг жойлардаги маҳаллий бўлимлари билан алоқани мустаҳкамлаш муаммонинг ижобий ечимларидан бири эканлигини кўрсатади. Бу ташкилот ва жамғармаларнинг мутахассислари ёрдамида бевосита ота-оналарнинг педагогик ва психологик билимлари ва методик компетенцияларини ошириш бўйича сайёр тадбирлар – жойларда ота-оналар учун семинарлар, давра суҳбатлари, намунавий машғулотлар, айрим ота-оналарнинг илғор иш тажрибалари асосидаги тренинглар ташкил этилди.

Иккинчи навбатда, ота-оналар учун маслаҳат марказлари ташкил этилиб, улар учун ишлаб чиқилган кўрсатмалар такомиллаштириб борилди.

Болаларда эстетик тасаввурларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш махсус ишлаб чиқилган мезонлар асосида баҳолаб борилди. Бу мезонларнинг таркиби куйидаги компонентлардан ташкил топган:

– санъат, унинг қайси тури бўлишидан қатъи назар, ижтимоий онгни шакллантириш воситаси эканлигини англаш;

– оламни англаш, воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлар шаклланишида санъатнинг ўрнини билиш;

– дунёқараш шаклланишида санъатнинг ўрнини англаган ҳолда унга мос муносабатда бўлиш;

– ўзининг тасаввурдаги тушунчаларни намоён этишда санъат турларидан фойдалана олиш;

– ўз хатти-ҳаракатлари, ўй-фикрларини санъат воситасида баён эта олиш;

– санъат соҳаларидан коммуникатив восита сифатида фойдалана билиш;

– миллий санъатни миллий ифтихор сифатида қабул қилиш;

– санъат турларининг ўзига хос жиҳатларининг элементар асосларини билиш;

– санъат намуналарини «яxши» ва «ёмон» (эстетика категорияларининг элементар намуналари сифатида, масалан, «гўзаллик» ва «хунуклик») категорияларга ажрата билиш ҳамда ўз хулосасини англай билиш ва шарҳлай олиш;

– санъатдаги миллийлик хусусиятларини элементар тарзда далилий фарқлай билиш;

– бажарган ишида ғоянинг аниқ ифода этилганини идрок этиш;

– ўз ижодий ғоясини шарҳлай олиш, ҳимоя қила олиш кўникмаларининг шаклланганлиги;

– бажарилган ишнинг мустақил ҳолда амалга оширилганлиги;

– мустақил иш бажарган (фаолият кўрсатган)да турли ифода воситаларини мақсадга мувофиқ қўллай олиш;

– танланган фаолият тури бўйича бажарилган ишларда назарий тасаввур ва амалий малакаларининг намоён бўлиши;

– коммуникативлик, яъни ўз қизиқишларини жамоа қизиқишларига бўйсундира олиш, жамоа бўлиб эстетик фаолият кўрсатиш малакаларининг шаклланганлиги;

– танланган фаолият турлари бўйича эстетик тасаввур, ижодкорлик ва мустақиллик элементларининг мавжудлиги;

– эстетик тасаввурлар орқали жамият, табиат ва инсон ҳаётидаги гўзалликларни англаш даражасининг зарурлиги;

– эстетик тасаввур орқали ҳаётга, турмуш тарзига бўлган муносабатнинг таркиб топганлиги;

– эстетик мазмунни идрок этишга таҳлилий жиҳатдан ёндашиш зарурлиги.

Шунингдек, ҳар бир боланинг эстетик тасаввурлари шаклланганлик даражаларини аниқлаш муайян соҳадан келиб чиққан ҳолда уларнинг қизиқиш, фаолият йўналиши бўйича амалга оширилди.

Шундай қилиб, тажриба-синов ишларининг якуний натижалари ишлаб чиқилган материалларнинг самарадорлигини, илгари сурилган илмий ғоя ва тахмин тўғрилигини кўрсатди ҳамда бу борада муайян ижобий натижаларга эришилди.

Тажриба-синов бошидаги ва унинг биринчи назорат баҳоланишидаги кўрсаткичлар ўртасидаги ўсиш динамикаси, масалан, юқори даражасидаги кўрсаткичлар мусиқа, кино ва театр, бадий адабнёт ва тасвирий фаолиятга нисбатан мос равишда 50, 50, 50, 66 фоизни ташкил этди. Якуний натижалар тажриба-синов бошланишидагига нисбатан табиий тарзда ошиши билан бир қаторда, биринчи назорат баҳолаш босқичидагига нисбатан ҳам сезиларли ошганини кўрсатди. Якуний назорат натижалари тажриба-синов ишлари тўғри ташкил этилганлиги, мазкур жараёнга биринчи назорат баҳоланишидан кейин киритилган тузатишлар пировард натижанинг ижобий самараси ўсувчи динамикасини таъминлади. Бу ижобий самара, биринчи навбатда, эстетик тасаввурларининг шаклланганлик даражаси юқори бўлган болалар сони ортганлиги, қолаверса, эстетик тасаввурларининг шаклланганлик даражаси паст деб баҳоланган болалар сони камайганлигида ўз тасдиғини топди.

Албатта, бу кўрсаткичларнинг нечоғлиқ самарали эканлиги фақат қиёсий таҳлил, яъни унинг аналоги билан солиштирилганда маълум бўлди. Шунинг учун педагогик тадқиқотларда тажриба-синов ва назорат гуруҳлари тавланиб, маълум даврдан кейин уларнинг натижалари таққосланди. Тадқиқотимизда ундан фарқли ўлароқ бир хил сондаги назорат ва тажриба-синов болалари йўқ. Чунки ташкилий жиҳатдан бу нарса муайян қийинчиликлар келтириб чиқаради. «На-

зорат гуруҳи» деб қабул қилинган болалар сони сезиларли кам. Бироқ бу тадбирда алоҳида таъкидлаш лозим бўлган жиҳат мавжуд: «назорат гуруҳи» болалари тарбия топаётган оилаларда эстетик мазмун билан боғлиқ касб эгалари кўпчиликни ташкил этади. Улар орасида театр ходими, мусиқа ҳамда тасвирий санъат саводхонлигини ўргатувчи гуруҳлар, маданият уйи ходими каби мутахассислик вакиллари бор. Бу омиг тажриба-синов оилалари болаларининг кўрсаткичларига етарли даражада рақобатни таъминлаш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш педагогикада хусусий масала эмаслигини яна бир бор илмий-амалий далиллар билан асослаш тадқиқотнинг мақсадида қайд этилмаган бўлса-да, болаларнинг шахс сифатида шаклланишида эстетик тасаввурларнинг ўрни ижтимоий-педагогик аҳамият ва моҳият касб этиши айрим оилалар, болалар билан олиб борилган узоқ йиллик таълимий ва тарбиявий ишлар, болаларнинг кейинги даврлари – мактаб таълими жараёнидаги кўрсаткичларининг таҳлилидан аён бўлди. Оилада эстетик тасаввури барқарор шаклланган болаларнинг мактаб таълимига тайёргарлик даражаси юқори бўлганлиги учун улар мактабда ўқиш даврида ҳам юқори кўрсаткичларга эришишларининг гувоҳи бўлди. Бу муваффақиятни уларнинг таълимнинг барча соҳаларидаги натижалари таъминлади. Тасвирий фаолият, аппликация билан шуғулланган бола геометрик шакллар, уларнинг ҳосил бўлиши, уларни санаш ҳақида муайян тушунча ва тайёргарликка эга бўлганлиги учун математикани ўзлаштириш жараёнлари осон кечди. Эстетик фаолиятдаги тушунча, тасаввур, амалий кўникма ва малакалар бошқа фанларни ҳам, хусусан, ёзув, ўқиш, табиатшунослик каби ўқув фанларини ўзлаштиришда ҳам ўзига хос замин вазифасини ўтайди.

Демак, оилавий таълимда ота-оналарнинг фаолиятлари самардорлигини оширишда уларнинг касбий малакалари ҳал қилувчи омиллардан биридир. Шунга кўра таълим тизимида янгича қарашлар шаклланаётган бир пайтда уларнинг касбий малакаларини ҳисобга олган ҳолда оилада болаларнинг эстетик тасаввурларини шакллантиришга йўналтирилган методик йўл-йўриқлар, кўрсатмалар ишлаб чиқиш орқали уларнинг малака ва кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Зеро, оилавий таълим узлуксиз таълим тизимида муҳим бўғинлардан бири ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш хусусий методика тоифасига кирувчи муаммолар доирасидан кенгрок миқёсда кўрилиши керак. Зеро, бунга, биринчи навбатда, болаларни мактаб таълимига тайёрлашдек долзарб ижтимоий-педагогик муаммонинг самарали ечимларидан бири сифатида қаралмоғи лозим. Болалар мактабгача ёшдаги даврида санашни, қўшиш ва айиришни, айримлари ўқиш ва ёзишни ҳали мактабга қатнамасданок ўрганиб оладилар. Бироқ уларнинг фаолиятларини таҳлил этадиган бўлсак, унда эстетик мазмундаги хатти-ҳаракатлар, қизиқиш ва интилишлар ҳажм жиҳатидан салмоқли эканлигини кўрамиз. Уларни шартли равишда 4 асосий гуруҳга бўлиш мумкин: мусиқа, театр ва кино, бадий адабиёт, тасвирий фаолият. Улар болаларнинг эстетик мазмундаги фаолиятларида ҳам ҳажм, ҳам қизиқиш кўлами бўйича шундай кетма-кетликда жойлашиши мумкин. Бироқ масаланинг кам эътибор бериладиган бир жиҳати бор, яъни, аслида, бу фаолият тизимида тасвирий фаолият биринчи ўринда туради. Эътироф нуктаи назаридан айнан оилада ота-оналарнинг рағбати туфайли фаолият турлари шу кетма-кетликда жойлашади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида бозор муносабатларининг қарор топиши бир қатор соҳаларда жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Халқ таълими тизимида мактабгача таълим муассасаларининг янги шакллари жорий этилаётган бир даврда мактабгача ёшдаги болалар мактабгача таълим муассасалари томонидан тўлиқ қамраб олинмаган. Бу ҳолат, айниқса, қишлоқ жойларда яққол кўзга ташланмоқда. Шу боис мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлашдек долзарб ижтимоий-педагогик муаммони ҳал этишда оиланинг таълимий ва тарбиявий имкониятларидан кенг миқёсда фойдаланиш мазкур монографияда кўтарилган муаммонинг самарали ечимларидан биридир. Мактабгача ёшдаги болаларда оила шароитида эсте-

тик тасаввурларни шакллантириш ҳам мазкур муаммонинг таркибий компоненти сифатида аҳамиятлидир.

Мактабгача ёшдаги болалар фаолиятининг кўп қисмини эстетик мазмундаги машғулотлар ташкил этса-да, бу тадбирларни оила шароитида амалга оширишнинг бир қатор ташкилий-педагогик, методологик ва методик, психологик ва физиологик жиҳатлари тадқиқота бағишланган махсус тадқиқотлар ўтказилмаган. Мазкур монографияда кўтарилган муаммолар ва унинг ечимига доир илгани сурилган гоё, тавсия ва хулосалар мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш орқали уларни мактаб таълимига тайёрлашдек долзарб ижтимоий-педагогик муаммонинг ечимига йўналтирилган ҳаракатлардан бири сифатида қаралиши мумкин. Зеро, эстетик тасаввури шаклланган бола ўз мушоҳада кўлами, муайян амалий кўникмаларни эгаллаганлиги билан мактаб таълимига психологик жиҳатдан тайёр бўлиб боради. Айни шу жиҳати билан у долзарб ижтимоий-педагогик муаммодир.

Оилада мактабгача таълим ёшидаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда педагогик назария ва таълим амалиётидаги аҳволнинг педагогик таҳлили шуни кўрсатдики, бу борада илмий ишланмалар, амалий тажрибалар бўлса-да, улар, биринчидан, мустақиллик йилларида амалга оширилган таълимий ислохотлар мазмунига мос келмай қолган. Иккинчидан, вақт, мафқуранинг ўзгариши муносабати билан улар маънавий жиҳатдан эскирган.

Оила шароитида мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда ота-оналарнинг педагогик ва психологик билимлари даражаси ҳамда уларнинг мураббийлик малакалари, услубий томондан укувлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун ота-оналарни, касбларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан ўз фарзандларини комил инсон қилиб тарбиялашдаги вазифаларини мукамал ҳолда бажаришлари учун илмий асосланган кўрсатмалар, амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилиши давр талабидир. Бозор иқтисодиёти шароитида бу омил ўта долзарблик касб этувчи ижтимоий-педагогик муаммо саналади.

Мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш фақатгина уларнинг бадий дунёкарашини тарбиялаш билан боғлиқ эмас. Эстетик тасаввурлар болаларда шаклланаётган дунёкарашнинг объектив тарзда кечишини, дунёни, ундаги воқеа ва ҳоди-



саларни муайян омиллар асосида ўзлаштиришга хизмат қилади. Шу тариқа эстетик тасаввурни ривожланган болада дунёни англаш жараёни самарали кечиши ҳақидаги илмий ғояни тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда илгари суриш мумкин. Бу хулосани қуйидаги омиллар билан далиллаш мумкин.

Биринчидан, эстетик фаолият замирида болалар муайян ҳаётда фаолият кўрсатиш учун ижтимоий тажриба тўплайдилар. Бу бола шахсининг жамиятдаги ижтимоийлашув жараёни самарали кечишини таъминлайди.

Иккинчидан, эстетик мазмундаги маъқулотлар, бадиий-эстетик мазмундаги фаолият орқали болаларда дунё ҳақидаги яхлит тасаввур шаклланиб боради, яъни айнан эстетик йўналишдаги бадиий-ижодий фаолиятлар воситасида болаларда дунё ҳақидаги ягона илмий дунёқараш элементлари шаклланиб боради.

Учинчидан, психолог А. А. Леонтьевнинг тадқиқотларидан маълумки, инсоният томонидан атроф-муҳитни, замон ва маконни, унинг қонуниятларини, шунингдек, бадиий ижодиёт намуналарини ўрганишнинг универсал йўли бўлганлиги учун эстетик тасаввурлар илмий дунёқарашнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, эстетик фаолият орқали бола оламни фаол англовчи субъект сифатида майдонга чиқади. У ўз фаолияти орқали оламни англаш қонуниятларининг энг содда тамойилларини англаб, ўзининг тафаккурида таҳлил қилиш орқали глобал дунёни англашга тайёрланиб боради.

Оилада болаларнинг эстетик тасаввурларини шакллантиришда бу жараённинг мазмунини тўғри танлаш, белгилаш муҳим педагогик тадбирдир. Бу тадбирда бир қатор омиллар эътиборга олинishi лозим. Масалан, ҳудудий хусусиятлар, болаларнинг гендер хусусиятлари, уларнинг табиий мойилликлари, кизиқишлари, лаёқатлари, ота-оналарнинг ўз фарзандларининг у ёки бу соҳадаги фаолиятларига раҳбарлик қилишга қодирликлари, оилавий анъаналар, мавжуд бадиий-эстетик кадрият ва меросдан унумли фойдаланиш каби педагогик омиллар оила шароитида болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш, мустаҳамлаш, мазмунини белгилашнинг муҳим мезонлари бўлиши мумкин.

Оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш нафақат бадиий йўналишдаги хусусий муаммонинг ечими, ҳаттоки болани

мактаб таълимига тайёрлаш каби ижтимоий-педагогик муаммонинг ҳал этилиши эмас, балки глобал миллий муаммонинг ечими – миллат равнақи билан боғлиқ бўлган ҳодиса сифатида қаралиши лозим.

Оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш глобал таълимий ва ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишига замин эканлигининг яна бир педагогик жиҳати шундаки, бу жараён шакллантирилаётган сифатлардан ташқари шахсни маънавий ва ақлий ривожлантириш захираси омили сифатидаги тасдиғи ҳам тажриба-синов жараёнида ўз исботини топди. Ота-оналарнинг оилавий таълим ва тарбия ишларидаги саъй-ҳаракатлари шу жиҳатни ҳам эътиборга олиб ташкил этилса, пировардида ижобий самара педагогик кафолатланган бўлади.

Оилада эстетик тарбияни амалга оширишнинг мазмуни боланинг эстетик фаолиятида иштирок этадиган эстетик ҳис-туйғу, қизиқиш, эҳтиёж, борлиқдаги объект ва ҳодисаларни эстетик баҳолаш ва уларнинг эстетик дидларини тарбиялашни қамраб олади. Оилада болаларга бизни ўраб турган дунёнинг энг муҳим эстетик томонлари ва хусусиятлари – гўзаллик ва хунуқлик, тубанлик ва комилликнинг асосий мезонларини эгаллаш ҳамда тушунишлари, бир қатор малака ва кўникмаларни эгаллаш, ҳаётда уларга риоя қилиш, ўз ҳис-туйғуларини шунга мувофиқ ифодалаш учун лозим бўлган билимларини ўзлаштириб олишлари учун энг қулай шароит мавжуд. Ота-оналар ёшларга «ҳаром-ҳалол», «увол», «гуноҳ-савоб» каби панд-насиҳатлар асосида дастлабки ахлоқий ва эстетик тушунчаларни бериб борадилар. Бу тушунчалар тизимига яхши ва ёмон, шакл ва мазмунидан гўзал ва хунуқ каби тасаввурларни шакллантиришни ҳам киритиш болаларни оилада эстетик тарбиялашнинг самарали шакллари билан бирдир.

Оилада болаларни эстетик тарбиялашнинг асосий шартлари оиладаги ахлоқий-маданий муҳитнинг ижобий мазмун касб этиши билан боғлиқ. Зеро, оиладаги тотувлик масаласи инсониятнинг доимий муаммоларидан бири бўлиб келган. Баркамол инсонни вояга етказиш юксак эстетик маданиятни қарор топтириш, унда халқимизнинг эстетик қарашларга ижобий муносабатни шакллантириш сингари улкан вазифаларни оила тарбиясисиз амалга ошириб бўлмайди. Нафосат шундай гавҳардирки, у ҳар қандай ўринда каттага ҳам, кичикка ҳам бирдек ярашади. Шунинг учун бобокалонларимиз ҳамиша гўзал хулқ ва ахлоққа интилиб яшашган. Гўзал хулқ ва ахлоқнинг шаклланишида

эстетик тасаввурларнинг ўрни беқиёс. Оилада болаларда эстетик тушунча ва тасаввурларни таркиб топтириш пировард натижада шахснинг эстетик маданияти, унинг маънавияти, ақлий салоҳияти шаклланиб боришига замин яратади. Зеро, маънавиятли инсон ўз касбининг маҳоратли соҳиби бўлиши билан бирга маданият ва санъатдан, унинг тарихий ривожланиши тамойилларидан ҳам хабардор бўлмоғи лозим.

Оилада фарзандлар таълим-тарбиясида ота-она масъулликни ҳис этиши бугунги куннинг долзарб ижтимоий-педагогик муаммоларидан биридир. Ўзбек халқининг миллий қадриятлари, бола таълим-тарбияси ҳақидаги педагогик қарашлари, таълимотлари ва қадриятларини ўзлаштириш ва такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари ҳам оилада амалга оширилади. Бу жараёнлар ота-оналарни ўзларининг педагогик саводхонлик даражаларини мунтазам тарзда ошириб боришларини талаб этади.

Тадқиқот натижаларининг илмий таҳлили асосида ишлаб чиқилган ва амалиётда синаб кўрилган методик тавсиялар республикамизнинг барча оилалари учун тавсия этилиши мумкин. Бундай ишланма ва тавсиялар, таъкидланганидек, мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасалари томонидан қамраб олиш салмоғи камайиб бораётган шароитда нафақат болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш, балки, умуман, уларнинг шахс сифатида шаклланишида муҳим омилдир.

## Фойдаланилган адабиётлар

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 32 б.
- Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 20 – 29 б.
- Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий миллий дастури» // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 31 – 61-б.
- И. А. Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
- Каримов И. А. Ооида фаровонлиги – миллат фаровонлиги // «Халқ сўзи» газетаси. 1997 йил, 8 декабр. – 248-сон
- Абдуллаева М. Болалар ўйинларида ўзаро муносабатлар // «Бошланғич таълим» ж. – Тошкент: 2000. №3. – 22-б.
- Абдуллаева М. А. Сулаймонов. Оилада болаларни эстетик руҳда тарбиялаш // «Халқ таълими» ж. – Тошкент: 2004. №2. – . 100–103-б.
- Абдуллаева М. Эстетик тарбияланганлик мезонлари //»Халқ таълими» ж. – Тошкент: 2004. № 5. 120 – 123-б.
- Абдуллаева М. Оилада мактабгача тарбия ёшидаги болаларда эстетик тасаввурларини шакллантириш // «Халқ таълими» ж. – Тошкент: 2006. № 4. 86–89-б.
- Абдуллаева М. Оилада мактабгача тарбия ёшидаги болаларда гўзаллик туйғусини шакллантириш // «Халқ таълими» ж. – Тошкент: 2007. №4. 95–98-б.
- Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992 – 16 б.
- Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Тошкент: Фан, 1999. – 171 б.
- «Болажон» таянч дастури. /Тузувчилар С. Миржалилова, М. Расулова, Д. Шарипова ва б. – Тошкент: СаноСтандарт, 2010. – 132 б.
- Валихўжаева Ф. Б. Талабаларни мактабгача таълим муассасаларида болаларга эстетик тарбия беришга тайёрлаш: Пед. фанл. номз. дисс. – Тошкент: 2005. – 135 б.

Дошкольная педагогика / Учебное пособие. Под. ред. В. И. Логиновой, П. Г. Саморуковой. Ч. 1. 2-е издание, испр. и доп. – Москва: Просвещение, 1988. – 256 с.

Запорожец А. В. Значение ранних периодов детства для формирования детской личности (Возрастная и педагогическая психология) // Сост. И коммент. М. О. Шуаре. – Москва, 1992.

Измайлов А. Э. Этика и педагогика семейной жизни: в представлениях и идеалах народной мудрости. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – 208 с.

Измайлов А. Э. Народная педагогика: Педагогические воззрения народов Средней Азии и Казахстана. – Москва: Педагогика, 1991. – 256 с.

Иномова М. Ойлада болаларнинг-маънавий ахлоқий тарбиялашда миллий кадриятлар. – Тошкент: Фан, 1995. – 227 б.

Курбанов Ш. Э., Сейтхалилов Э. А. Национальная модель и программа по подготовке кадров – достижение и результат независимости Узбекистана. – Ташкент: Шарк, 2001. – 656 с.

Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига кўйиладиган давлат талаблари. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2000. – 48 б.

Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига кўйиладиган давлат талаблари. // «Мактабгача таълим» журнали, 2000й, 1-сон. – 9 – 12-б.

Мактабгача тарбия педагогикаси. 2 қисми. 1-қ. // В. И. Логинова, Т. Г. Саморуковалар тахрири остида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – 256 б.

Махмудов Т. Эстетика и духовные ценности. – Тошкент: Шарк, 1993. – 286 с.

Ойла бир гулшанки... / Тузувчи муаллифлар: Р. Саидов, М. Аҳмедов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 256 б.

Ортиқов Н. Миллий ғурур ва умуминсоний кадриятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш. Пед. фанл. докт. дисс. – Тошкент: Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, 2000. – 297 б.

Основы дошкольной педагогика / Под ред. В. Запорожца, Т. Марковой. – Москва, 1980. – 272 с.

Ризоуддин ибн Фахриддин. Ойла. – Тошкент: Мехнат, 1991. – 62 б.

Сафаров О., Махмудов М. Ойла маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 60 б.

Сорокина А. И. Дошкольная педагогика. – Москва: Учпедгиз, 1958. – 336 с.

Сулаймонов А. Осойишталик саодати ёхуд Фитратнинг ойла тарбияси хақидаги қарашлари // Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2003. – 140 – 142-б.

Теория и методика изобразительной деятельности в детском саду / В. Б. Косминская, Е. И. Васильева, Р. Т. Казакова и др. – Москва: Просвещение, 1985. – 155 с.

Учинчи минг йилликнинг боласи (таянч дастури): меъёрий хужжат. – Т.: Marifat-madatkor, 2000. – 160 б.

Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 112 б.

Фитрат А. Оила. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 112 б.

Швайко Г. С. Занятия по изобразительному искусству в детском саду (средняя группа). – Москва: Владос, 2002. – 144 с.

Швайко Г. С. Занятия по изобразительному искусству в детском саду (старшая группа). – Москва: Владос, 2002. – 160 с.

Холматова М. Оилавий муносабатлар маданият ва соғлом турмуш тарбияси. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 216 б.

Ўзбекистон адабиёти ва санъати. Ҳафталик газета. 2005 йил 11 ноябрь. 47-сон.

Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 6-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003.

Ҳасанбоева О. У., Тожиёва М. Х., Тошпўлатова Ш. К. ва бошқ. Мактабгача таълим педагогикаси. Педагогика коллежлари учун ўқув қўлланма. Тўлдирилган ва қайта ишланган 2-нашри. – Тошкент: Ilm ziyo, 2011. – 187 б.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

### *Биринчи боб*

#### **Оилада мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик асослари**

1.1. Оилада мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш масаласининг генезиси ва замонавий тенденциялари .....	7
1.2. Мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик моҳияти .....	12
1.3. Санъат воситасида мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш .....	23

### *Иккинчи боб*

#### **Оилада мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш мазмунини белгилашнинг дидактик асослари**

2.1. Мактабгача ёшдаги болалар дунёқарашини таркиб топтиришда эстетик тасаввурларнинг ўрни .....	38
2.2. Мактабгача ёшдаги болаларда бадий-эстетик тасаввурларни шакллантиришга интегратив ёндашиш.....	46
2.3. Мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда оила институти фаолиятининг мазмунини белгилашнинг дидактик талаблари .....	51
2.4. Мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда ота-оналарнинг педагогик фаолияти .....	67

**Оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантириш  
юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишларининг  
ташкилий педагогик жиҳатлари**

3.1. Оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришнинг экспериментал тадқиқининг ташкилий хусусиятлари .....	79
3.2. Оилада болаларда эстетик тасаввурларни шакллантиришга оид тажриба-синов ишлари натижалари .....	89
Хулоса .....	102
Фойдаланилган адабиётлар .....	107



**Масуда Абдуллаева  
Асқарали Сулаймонов**

**ОИЛАДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ  
БОЛАЛАРДА ЭСТЕТИК ТАСАВВУРЛАРНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ**

**«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти  
Тошкент–2017**

**Мухаррир Жаҳонгир Қўнишев  
Бадий муҳаррир Асқар Ёқубжонов  
Мусахҳих Лайло Ҳасанова  
Саҳифаловчи Акбар Қўнишев**

**Нашриёт лицензияси АИ № 160, 14.08.2009 й.**

**Босишга рухсат этилди 09.11.2017. Бичими 60 × 84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Офсет қоғозига босилди. «Times New Roman» гарнитураси.  
Шартли босма табағи 7,0. Нашр ҳисоб-табағи ???.  
Адади 300 нусха. Буюртма №**

**«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти  
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**

**«Ёшлар матбуоти» МЧДЖ босмахонасида чоп этилди.  
100113, Тошкент шаҳри, Чилонзор – 8, Қатортол кўчаси. 60-уй.**



ISBN 978-9943-07-551-1



9 789943 075511